Товарлар ҳар доим ҳам нақд пулга сотилавермайди. Товар сотувчи товарни сотиш учун муомалага олиб чиққан вақтда товарни сотиб олиш учун истъеъмолчининг етарли нақд пули бўлмаслиги мумкин. Натижада товарни кредитга сотишга зарурат тугилади, яъни товарнинг пулини тулаш муддати кечиктирилади. Товар кредитга сотилганда, пул товарнинг баҳосини аниқлашда киймат улчови функциясини бажаради., лекин у муомалада воситаси бўла олмайди. Истеъмолчи сотиб олган товарни учун унинг пулини тулов муддати келгандан кейингина тулайди. Бу ҳолда товар ва пулнинг ҳаракати бир троекторияда, бир вақтнинг узида, бир-бирига карма-карши тура олмайди.

Товар ҳаракати амалга ошгандан маълум вақт ўтгандан кейин пул ҳаракати содир бўлади. Тулов воситаси функциясининг асосий хусусияти товар ва пул ҳаракатининг бир вақтда амалга ошмаслиги, ҳаракатнинг бир томонламалиги **ва** ҳаракатда бўлинишлар мавжудлигидадир.

Пулнинг тулов воситаси сифатида ишлатилиши нафақат товар кредитга сотилганда содир бўлади, балки барча жараёнларда товарлар ёки курсатилган хизматлар учун туловлар уша захотиёк нақд пулда амалга оширилмаса, бундай иктисодий муносабатлар пулнинг тулов воситаси функцияси юзага келишидан далолат беради.

Тулов воситасида сотувчи товарнинг пулини олгунча товар истеъмолчи ихтиёрига келиб тушади ва у ўз эҳтиёжини қондириш учун товардан тула фойдаланиши мумкин.

Агар товар учун тулов олдиндан (аванс) амалга ошириладиган бўлса, товар маълум вақтдан кейин истеъмолчи ихтиёрига тушуши мумкин. Демак, иккала ҳолда ҳам товар ва пул •ҳаракати бир вақтнинг узида амалга ошмайди. Чунки, товар айланиши (Т-П-Т) узилади ва пул ҳаракати товар ҳаракатига нисбий равишда мустақил бўлади. Пулнинг бу ҳаракати тулов деб айтилади ва

Бозорда пул тулов воситаси сифатида иштирок килади. Пулнинг тулов воситаси қияси товар ишлаб чиқариш ва муомала ривожланишининг юқори ;ичлари маъсули бўлиб, у пулнинг киймат улчови ва муомала воситаси қияларидан кейинрок юзага келган деб хулоса қилиш мумкин.

Тулов воситаси функциясининг яна бир хусусияти шундаки, сотувчи ан истеъмолчи уртасидаги муносабат муомала воситасидагига ухшаб қиска .датли бўлиб, тезда тугалланмайди. Тулов воситаси функциясида ёъмолчи товарга эга бўлганидан кейин **ҳам** у билан мол сотувчи уртасидаги юсабат узок вақт давом • килади. Бу муносабат - кредит муносабати обланади ва истеъмолчи - қарздор, сотувчи - кредитор сифатида иштирок этади.Баъзи иктисодчиларимиз вексель асосида утказиладиган жараёнларини *а*. муомала воситаси функциясига қиритишади. Бу бизнинг фикримизча тугри іс. Чунки вексель - маълум мабларни тулаш тугрисидаги кредит мажбурият, .дийматга эга эмас, демак айирбошлашнинг эквивалента сифатида иштирок ла олмайди. А сотувчи бир миллион сумлик товарни Б истеъмолчининг сселига алмаштирди дейлик. Б бир млн. сумлик товарга эга бўлди. А бўлса 'ўз йматига эга бўлмаган, сотиб олиш қобилияти эмитент томонидан қиланадиган векселга эга бўлади. Сотувчи А қачонки бир млн. сумлик қселни сотсагина пул маблагига эга бўлиши

мумкин. Шунга асосан биз ксель жараёнларини муомала воситасига киради деб тулик ишонч билан ;тира олмаймиз. Бу жараёнлар купрок тулов воситаси функциясига алуқлидир. Пулнинг тулов воситаси функцияси яна турли карз ва 1жбуриятлари тулаганда:

-корхона, ташкидотлар уртасида товар ва хизматлар учун тулаганда;

-давлат бюджетига ва кредит тизимида туловларни амалга оширганда. ройдадан туланадиган туловлар, кредит буйича карз ва фоизларни тулаш ва зшкалар);

иличи хизматчиларига иш хаки тулаш ва аҳолига бошка туловларни тулаш нафака, стипендия ва бошкалар)да;

бошка ҳар хил карз ва мажбуриятларни тулаш (масалан, кредитга олинган •чун тулов, уй-жой, электроэнергия ва бошка хизматлар учун туловлар) да .малга оширилади.

Пулнинг тулов воситаси функциясининг яна бир хусусияти шундаки, бу }эункцияда туловлар нақд пуллик ёки нақд пулсиз шаклда амалга оширилишимумкин. Бу хусусияти билан ҳам пулнинг тулов воситаси функцияси муомала воситаси функциясидаи фарк килади.

Пулнинг бу функцияси ёрдамида амалга ошириладиган нақд - пулдик ва на нақд-пулсиз туловлар биргаликда тулов оборотининг вужудга келтиради.

Пулнинг тулов воситаси функциясини биз иккинчи даражадм деб қарашимиз мумкин эмас, чунки бу функциянинг бажарилмасдиги туловлариинг уз вақтида амалга ошмаслигига, бу эеа ҳозирги кунда мавжуд муаммолар дебитор - кредитор қарзларнинг қупайишига, кредит буйича ва бошка молиявий мажбуриятларнинг бажарилмаслигига, ҳужалик жараёнларининг нормал боришга катта таъсир қурсатиши мумкин.

Пул жамгарма воситаси. Пулнинг бу функцияси сотиш ва сотиб олиш жараёнига зарурат булмаган ҳолда юзага келади. Агар товар ишлаб чиқарувчи товарни сотгандан кейин узок вақт давомида бошка товар сотиб олмаса пул муомала ва тулов оборотидан четлашади. Йигилган пуллар жамгарма воситаси функциясини бажаради. Товар ишлаб чиқариш ва муомала жараёни пулни жамуаришга имконият яратади. Жамгарма икки йуналишда юзага келиши мумкин. Мақсадли жамгариш ёки умуман жамрариш. Шунақа жамгармалар борки, аниқ бир мулжал булмаган ҳолда йи?иб борилади, мақсадли ясамгармада одамлар машина, асбоб-ускуна, уй жой сотиб олиш ёки бошка маълум мақсадни амалга ошириш учун маблағ жамгарадилар.

Пулнинг жамгарма воситаси функцияси пулнинг пул оборотидан чиқиб кетишига олиб келади. Жамгармада пул пул оборотининг қайсидир каналларида гуриб қолади ва натижада у мавжуд оборотдан ажралиб маълум вақтгача >боротга қайтиб тушмаслиги мумкин.

Пулнинг жамгарма ва бойлик тулаш воситаси функцияси пул уомаласини стихияли равишда бошкариб боради. Товар ишлаб чиқариш .жмининг узлуксиз узгариб туриши, пул массасининг доимий узгариб туришга иб келади. 1диммат баҳо металллар, буюмларнинг муомалага келиб-кедиб диши, пул массасининг ҳажмини ушлаб туриши, пул муомаласи каналларида '. окими қупайиб кетишининг олдини олиши мумкин-

Пулнинг муомала воситасидан чиқиб жамгарма айланиши ва гарманинг муомала воситасига айланиши пул тизими мувозанатда ушлаб вчи зарурий шарт ҳисобланади.

Пулни жамгаришга ундайдиган омил - унинг махсус товар, умумий алектлиги яъни, бошка барча товарларга хоҳлаган вақт да алмаштириш галигидадир. Пулга сифат ва сон ясиҳатдан ёидашиш мумкин. Чунки пулнинг сифати, сони бор. Пулнинг сифати чексиз булиши, яъни пулни зарур булганда хоҳлаган товарга айлантириш имконияти мумкинлигида улчанса, сон жиҳатдай, албатта, пул суммаси чекланган булиши мумкин, чунки унга чекланган микдорда товар сотиб олиш мумкин. Демак, пулнинг сифат жиҳатдан чекланганлиги билан сон жиҳатдан чекланмаганлиги уртасида қарама қаршилиқ бор. Мана шу қарама-қаршилиқ пулни жамгаришга, пул қанча қуп булса, у ни янада қупайтиришга интилишга олиб келади. Жамгрма функцияси пул муомаласида асосий булмасада, уни олиб боришда катта аҳамиятга эга.

Жамгариш, ҳазина туплаш қийматнинг қотиб қолишига олиб келади. Ҳазина туплаш воситаси ролини тарихан олтин, кейинчалик бошка қиммат-баҳо метатла?, тошлар уйнаб келган ва ҳозирги кунда ҳам шу товарлар бойлик (пул) сифатида жамгарилиб келинмоқда.

Хазина сифатида олтин ёки бошқа кимматбаҳо металл, тошларнинг роли ривожланган мамлакатларда деярли юкори эмас, чунки мамлакат иктисодий жихатдан баркарор булса, пулни бирор киммат баҳо металлга куйиб котириб куйгандан кура, унга давлат ёки корпорацияларнинг киммат баҳо коғозларини сотиб олиб, улардан ҳар йили даромад курган анча кулай ҳисобланади.

Тадкикотлар шуни курсатганки, 100 бизнесмендан фақат 4 таси уз пулини тутри жамғариб бойиб келар экан. 1долганлари булса пулни топади, лекин кандай жамғариш йулини билмасдан уни йукотаркан.Бозор иктисоди юксак ривожланган мамлакатларда пул маблағини куйидаги активларга куйиш афзал ҳисобланади.

Биринчидан, давлатнинг кимматбаҳо коғозлари, яъни узок муддатли облигациялар, киска муддатли векселларга куйиш. Давлатнинг кимматбаҳо коғозлари кафолатланган булади ва уларнинг баҳоси камдан-кам ҳолларда узгаради. Ызгарганда ҳам сезиларсиз микдорда узгаради. Шунинг учун ҳам давлат кимматбаҳо коғозлари юкори ликвидликка эга булади; иккинчидан, саноат корхоналари ва корпорацияларнинг кимматбаҳо коғозлари, яъни акция ва облигацияларига куйиш;

Корпорация, корхоналарнинг акция, облигацияларининг ишончилиги давлатникига нисбатан кам булиши мумкин. Чунки уларнинг баҳоси у ёки бу сабаб билан тушиб кетса, куйилган маблаг кузланган натижани бермаслиги мумкин.

Агар маблаг иктисодий баракарор корхоналарнинг кимматбаҳо коғозига куйилса у давлатнинг кимматбаҳо коғозига нисбатан юкори даромад келтириши мумкин.

Ўзбекистон шароитида корпорация, ассоциация, корхоналарнинг кимматбаҳо коғозларини чиқариш, уларнинг иккинчи сотилиш бозорини вужудга келтириш ва ривожлантириш буйича анча ишлар амалга оширилмокда.

Ҳозирги вақтда кимматбаҳо коғозлар бозори ривожлантириш ва такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади ва бу жараён Ўзбекистон иктисодини ривожлантиришнинг асосий дастағларидан бири булиб қолади.

Учинчидан, пулни кимматбаҳо, ноён буюмларга, санъат асарларларига куйиш йули билан жамғариш.Бу усулда иктисоднинг ижобий ва салбий томонларга узғаришига карамасдан буюмда ифодаланган киймат Ў^{зини} йукотмайди. Агар давлат баркарор иктисодга эга булиб, бозор мунособатлари яхши ривожланган булса, бу активларнинг ликвидлиги унча юкори булмаслиги мумкин.

Пул юкори даражадаги ликвидлиликка эга булгани учун, уни хоҳлаган вақтда, хоҳлаган туловни тулашга йуналтирилиш мумкинлиги учун, у номиналини узгартирмаслиги учун пул жамгарма ва хазина туплаш функциясини бажаради. Пул жамгармаси бойликнинг бир шакли ҳисобланади. Кишилар бойликни фақат пул шаклида эмас, бошқа шакллардан - масалан, уй-жой, ер, машина, асбоб-ускуна, акция, облигация ва бошқа шаклда ҳам мужассамлаштириши мумкин. Boyликнинг бу шаклларида ликвидлилик даражаси пулга нисбатан (агар инфляция булмаса) паст булади ва уларнинг нархи ҳам узғариши мумкин. Ер, уй-жой, асбоб-ускуна, кимматбаҳо коғозларни пулга айлантирмасдан туриб бирор туловни коплаш учун йуналтириб булмайди.Пулни булса хоҳлаган пайтда турли туловларни коплаш учун йуналтириш мумкин.

Инфляция шароитида пулни жамғариш хоҳлаган режани амалга оширишга имкон бермаслиги мумкин. Чунки жамғариладиган пуллар уз кадрини бир неча марта йукотиб боради ва унга ишонч йуқолади. Бу шароитда миллий пул бирликлари муомала ва тулов воситаси, ҳамда баҳолар масшаби булади, лекин жамғариш воситаси булиб баркарор бирор чет эл валютаси муомалага киради ва пул активлари шу валюталарга алмаштирилади. Шу ҳолни 50-йилларда жанубий Кореяда, 70-йилларда Исроилда, ҳозирги кунларда МДҲ давлатлари амалиётида куриш мумкин.

Одатда пул барча функцияларини бир вақтда кетма-кет бажариши мумкин. Баъзида мамлакатдаги иктисодий, сиёсий баркарорликка караб, пулнинг функциялари бир-биридан ажралиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, 40-йилларда Хитойда товарлар баҳоси А1дШ доллариди аниқланган, ҳисоб китобларда, товар сотиш ва сотиб олишда Хитой валютаси

кулланилган. Худди шундай ҳол гиперинфляция даврида Исроилда, Аргентина, Мексика, каби мамлакатларда жорий килинган. Бу мамлакатларнинг миллий валютаси муомала ва тулов воситаси сифатида ишлатилган.

Адабиётларда пулнинг жаҳон пули функцияси тугрисидаги гоёни ҳам учратиш мумкин. Бу функцияни бирор валютага боғлаб қуйиш тугри деб бўлмайди.

Агар биз тарихга эътибор берадиган бўлсак, ташқи савдо, халқаро алоқалар, халқаро кредит муносабатларининг ривожланиши жаҳон пули сифатида олтиннинг кулланилишига олиб келган. 1867 йилда Парижда қабул килинган қелишувга асосан олтин давлатлар уртасида ягона пул (жаҳон пули) сифатида қабул килинган. 1922 йилда Генуяда ўтказилган конференциясидаги валюта битимига асосан АХП доллари ва Англия фунт стерлинги олтиннинг уринбосари сифатида эълон килинди ва халқаро туловларда кулланила бошлади. 1944 йилдаги Бреттонвуд конференциясидан кейин жаҳон пули функцияси олтинда қолдирилган ҳолда, халқаро туловларда АҚШ долларидан кўпроқ фойдаланишга имконият берилди. Долларни олтинга алмаштириш бўйича доллар курси и белгиланди ва 35 доллар 31,1 гр. олтинга тенг қоб қабул килинди. Кейинчалик ҳар қил валюта блоқлари, валюта клиринги ташкил килинди. 70-йиллардан бошлаб халқаро туловларда ХВФ томонидан киритилган махсус ҳисоб ва тулов бирлиги СДР (Special Drawing Rights) кулланила бошлаган.

1971 йилда СДРнинг олтин миқдори АҚШ доллариники деқ 0,888 671 гр. олтинга тенг деб белгиланган. Доллар девольвация бўлганидан кейин, 1 июль 1974 йилдан бошлаб СДР қиймати 16 давлат валютасининг уртача курси, кейинчалик етакчи беш мамлакат валютаси курси бўйича аниқланадиган бўлди.

1979 йил мартдан бошлаб Европа валюта тизимига қирувчи мамлакатларда халқаро ҳисоб-китобларни олиб қориш учун халқаро ҳисоб бирлиги -ЭҚЮ (European Currency Unit) куллайдиган бўлишди. ЭҚЮ - бу аъзо мамлакатлар банқларидаги сётлариға ёзиб қуйиладиган ҳисоб бирлиги. Иқтисодчиларимиз уртасида пулнинг жаҳон пули функцияси мавжуд дейувчилар, биз юқорида қисқача таърифлаган валюта клиринги, СДР, ЭҚЮ каби тулов воситалариға жаҳон пули сифатида қарайдилар. Лекин СДР, ЭҚЮ лар асосан туловларни амалға оширишда кулланилади. Бу жараён эса пулнинг тулов воситаси функциясида ўз аксини топади. Бу ҳолда тулов жараёни мамлакат ичидаги эмас, давлатлараро муносабатларни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, пул биз юқорида қелтирган функцияларни алоҳида олинган давлатда ёки давлатлар уртасида бақариши мумкин. Бу ҳолда бирор мамлакатнинг валютаси жаҳон пули функциясини бақаради деб ҳулоса қилишға урин қолмайди.

Пулнинг функциялари бир-бири билан ўзвий боғлиқ ва улар бир-бирини қулдирган ҳолда пулнинг моҳиятини қулик ифода қилади.

Пулнинг асосий бош функцияларидан бири қиймат улқови функцияси ҳисобланади. Баъзи чет-ёл ва рус иқтисодчилари адабиётларида пулнинг биринчи функцияси деб муомала воситаси функцияси, кейин қиймат улқови функциясини қелтирадилар. Бизнинг фикримизча, пулнинг функциялари тугрисида гапирганда, функцияларнинг қетма қетлигиға эътибор қериш зарур. Пул қиймат улқови функцияси бақармасдан қуриб муомала, қамгарма воситаси бўла олмайди. Пулнинг қиймат улқови сифатида мустанқамлиги унинг муомала, тулов, қамгарма функцияларида роли ва аҳамиятини оширади.

Пул назариялари - пул табиати ва пулнинг ишлаб қикаришни шакллантиришға таъсири ҳақидаги назариялардир. Бу назариялар капиталистик ишлаб қикариш усулиғача бўлган даврда вужудға қелди. Капиталистик ишлаб қикариш усули даврида, пул-товар муносабатлари ҳужалиқ соҳасининг ҳамма тармоқларини қамраб олган даврдаги пул назарияси қенг тарқалди.

Пул ва унинг сотиб олиш қуввати орасидаги муносабат пул назарияларининг марқазий масалаларидан бири бўлиб қелган. Ҳуллас, иқтисодчиларнинг пулнинг моҳияти, унинг функциялари ва пул муомаласиға бўлган қарашлари пул назарияларини қелтириб қикарди.

Илк тарихий пул назариялари сифатида номиналлик ва металлик назарияларини

келтириши мумкин. Капитализм тараккиёти билан бирга бу назариялар ҳам узгариб янги, микдорий назариянинг пайдо булишига асос булди.

Ҳозирги кунда монетаризм ва иктисодни пул-кредит муносабатлари оркали тартиблаштириш назариялари ҳам мавжуд. Аммо энг асосий пул назариялари сифатида метал, номинал ва микдорий пул назариялари тадқиқот кидиб келинмоқдп.

Пул назарияларининг келиб чиқишига асосий сабаб ишлаб чиқаришнинг тараккий этиши ва пул муомаласининг тараккиётдан маълум даражада оксашини олдини олиш ва уни ривожлантириш масаласи ҳисобланади.

Кул меҳнатидандманифактурага, манифактурадан саноат ишлаб чиқаришига утилиши билан ҳаипс д-хужалигида меҳнатнинг интеграциялашуви **ҳам** кучая борди. Бунинг натижасида хужалик юритувчи субъектлар орасидаги пуллик муносабатлар ҳам мураккаблаша боради. Феодализмгача булган наад пуллик муносабатлар бу давр талабларига жавоб бера олмай колди. Буни биз Европадаги XV асрдаги “пул очарчилигидан” дан куришимиз мумкин. Худди шу даврдан бошлаб пул назариялари тутрисидаги илк фикрлар юзага келди. Бу назарияларнинг уша даврдаги муаммоларини ечишдаги роли бекиёс бўлди. Илк бор вужудга келган пул назариялари бу металллик ва номиналлик пул назариялари ҳисобланади. Бдуйида биз пул назарияларнинг баъзи бирларига кискача таъриф бериб утамиз

Пулнинг металллик назарияси капиталнинг дастлабки даврида тараккий этди. Монета таркибини бузиш (монетанинг огирлик микдорини камайтириш) га қарши курашда прогрессив роль уйнади. Бу назариялар уша давр руҳи ва тузилаётган буржуазия эҳтиёжларини акс эттириб, меркантилистлар бакувват металл пуллари тарфдори булиб чикдилар. Бу назария уша давр капитализмининг энг ривожланган давлати Англияда майдонга келди. Металлик назариянинг асосчиларидан бири У.Стеффорд (1554-1612й.) эди. У уз қарашларини узининг Лондонда 1581 йилда чоп этилган “Ватандошларимизнинг баъзи одатий аризаларининг кискартмаси” асарида баён этди. Бу оқим тарафдорлари Англияда Т.Мен (1571-1641й.), Д.Норс (1641-1691й.), Францияда бу таълимотни А.Монкретьен (1575-1621й.), Италияда Ф.Тамани (1728-1787й.) ва бошқалар ривожлантирди.

Уларнинг фикрича барқарор металл валюта жамият иктисодий тараккиётининг муҳим шартларидан биридир. Жамият аъзоларининг жамғаришга булган .интилиши иктисодчиларнинг бойликнинг манбаини урганишларига сабаб булади. Улар бу манбани савдодан изладилар. Уларнинг эътироф этишларича актив савдо баланси мамлакатга олтин ва қумушнинг келишини таъмилайди.

Шундай қилиб, илк металллик назарияси тарафдорлари жамият бойлигини 'здимматбаҳо металллар билан алмаштириб, улар пулнинг ҳамма функцияларини бажаради деб ҳисоблар эдилар. Илк металл назария тарафдорларининг асосий қамчидиклари қуйидагилардан иборат эди: илк металлчилар ҳақиқий пуллари киймат белгилари билан алмаштириш зарурлиги мақсадга мувофиқ келишини тушуниб етмадилар;

илк металлчилар пулнинг жамият тараккиётида товар муомаласи асосида юзага келган тарихий категория эканлигини тушунмадилар;

улар жамият бойлиги деб қимматбаҳо метадларни жамғаришни тушундилар ва “бундай бойлик манбаи савдодир” деган ноБрин фикрга келдилар.

Улар жамият бойлиги меҳнат натижасида вужудга келадиган моддий ва руҳий қадриятлар йигиндиси эканлигини тушу на олмадилар. Илк металллик назарияси тарғиботчилари савдо буржуазияси манфаатларини ҳимоя қилиб чиккан эдилар.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи яримида келиб саноат буржуазияси манфаатларини қондира олмаган металллик назарияси уз мавқесини йукотди. Аммо XIX асрнинг иккинчи яримида келиб немис иктисодчиси, тарихий мактаб вакили К-Книс (1821-1898 и.) бу назарияни ҳимоя қилиб чикди. Бу гоёнинг қайта тикланишига 1871-1873 и. да Германияга қиритилган олтин танга стандарти сабаб булди. К.Книс тарғиботи металлчилар назарияларини янги шароитга мослаштирди. Книс пул сифатида факатгина металлни эмас, балки марказий банк банкноталари ҳам эътироф этди. Бу пайтга келиб хужаликда асосий

ролни кредит уйнай бошлади ва бу олтин монеталар билан бирга муомалада булган ва уларга алмаштирилладиган банкнота эмиссиясининг асосини ташкил этди. К.Книс банкноталарни тан олган ҳолда ҳеч нима билан таъминланмаган коғоз пулларга қарши чиқди. Унинг фикрича пул муомаласи металл билан таъминланган банкноталар ва металл монеталарга асосланиши шарт. К;ОРОЗ пуллар унинг фикрига ҳудда “коғоз булка” каби маъносиз нарсадир. К.Книс таъкидлашича олтин уз табиатига кура пулдир.

Биринчи жаҳон урушидан сунг металлизм тарафдорлари олтин монета стандартни қайта тиклаш мумкин эмаслигини тан олиб уз назарияларини ҳимоя қилиш мақсадида олтин куйма стандарт ва олтин девиз стандартга асосланган банкнота ишлаб чиқаришини ёқлаб чиқдилар.

Олтин стандарти биринчи марта 18 асрда Англияда ва 19 асрнинг охирларида бошқа мамлакатларда жорий этилди. Бу стандарт олтин монометализми деб ҳам аталди. Олтин танга стандарти олтин стандартининг илққуринишидир. Бу стандарт биринчижаҳон уруши бошланишига қадар ҳукм сурди. Олтин танга стандартга **ҳос** булган белгилар куйидагилардан иборат бўлган: товарларнинг баҳолари фақатгина олтинда улчанарди; олтин танганинг муомалада бўлиши; давлат хазинаси томонидан чекланмаган миқдорда монета\ зарб қилиниши; кредит пуллари уларни номинали бўйича олтинга эркин алмаштирилиши; олтинни олиб қириш ёки олиб чиқишнинг тақиқланманлиги; ички бозорда олтин монета ва банкноталар билан бирга ҳақиқий қийматга (яъни, тула ҳақиқий қийматга) эга булмаган пайтда чақалар ва маълум курсга эга булган давлат коғоз пуллариининг муомалада бўлиши. Бу пул тизими мустаҳкам пул тизими бўлиб, инфляцияни инкор этар эди. Муомала учун зарур булмаган олтин миқдори яна хазина қуринишига қайтар эди. Аммо капитализмнинг кризиси даврида бу мувоzanат издан чиқди. Иккинчи жаҳон уруши даврида **АҲИ** дан бошқа урушаётган давлатлар банкноталарни олтинга алмаштирилишини ва олтинни четга олиб чиқишни бекор қилди. Олтин муомаладан суриб чиқарилиб хазинага айлантирилди. **А1дШ**да эса олтин монеталар 1934 йилга қадар муомалада булди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин 20 йилларда баъзи мамлакатларда олтин куйма стандарт жорий қилинди. Бу стандартнинг олтин танга стандартдан асосий фарқи шунда эдики, муомаладаги банкноталар 12-12,5 кг. атрофидаги олтин куймаларга алмаштирилди. 12,5 кг. лик куймага банкнотани алмаштириш учун Англияда 1700 фт, ст., Францияда 215 минг фр. талаб қилинар эди. Бу билан олтин муомаладан халқаро оборотга чиқарилди. Ички оборотда эса бундай имкониятга фақатгина йирик фирмалар ва пулдорлар эга бўлиб қолдилар ҳолос.

Олтин куйма стандартга қирмаган мамлакатларда банкноталарни бевосита олтинга алмаштириш тикланмади. Бу мамлакатлар уз кредит пуллариини олтин куйма стандартга қирувчи мамлакатларнинг девизларига (яъни валюталарига) алмаштирилишини мулжалланган эдилар. Бу бир мамлакат валютасининг иккинчи давлат валютасига бокдиқарини қелтириб чиқарар эди.

Пул ситемасининг бу қуриниши олтин девиз стандарт номини олди. 1929-33 йиллардаги эжаҳон кризисидан кейин барча мамлакатларда олтин девиз стандартнинг баъзи элементларини олтин доллар стандарт узида олиб қолди. Бу стандартнинг узига ҳос ҳусусияти шунда эдики; биринчидан, бу стандартдан фойдаланиш ҳуқуқи фақатгина чет эл эмиссион банқлари учунгина сақлаб қолинган эди, иккинчидан, бу стандартда фақатгина **А1дШ** долларигина олтин билан алоқасини сақлаб қолган эди ҳолос. 1971 йил декабрь ойидан бошлаб долларнинг олтин паритети бекор қилиниши билан олтин стандартнинг барча қуринишлари уз қучини йуқотди.

Олтин стандарти барбод бўлиши ва иқтисодиётгаи давлат иштироқида бошқарилишига билан металл пул назариясининг урни бошқа назария билан алмаштирилади. Неометализм оимининг асосий қамчилиги шундаки, улар иқтисодни давлат томонидан бошқарилиши билан олтинга алмаштирилмайдиган кредит пуллар орасида ички боглигини эътиборга олмадилар.

Номинализм кулдорлик тизими давридаги файласуфлар таълимотида юзага келган булиб, бу илк номинализмдир. Биринчи номиналистлар танга таркибини бузиш (танганинг огирлик микдори камайтириш)ни кур-курона мадҳ этувчилар булганлар. Емирилиб кетган тангаларни тенг кийматли тангалар билан муомалада бир хилда юрганлигига асосланиб, улар пулнинг металл микдори эмас балки унинг номинал муҳимдир деб даъво килиб чикдилар.

Номинализм. XVII-XVIII асрларда пул муомаласи тула кимматга эга булмаган тангалар билан тўлган даврда шаклланди. Худди шу тула кимматга эга булмаган тангалар (когоз пуллар эмас) илк номинализмнинг асосида ётар эди.

Худди металлизм назарияси сингари илк буржуа номинализм вакиллари ҳам Англиядан чикди. Булар епископ, файласуф-идеалист Дж.Беркли (1683-1753й.) ва иктисодчи Дж-Стюарт (1712-1780 и.) лардир.

Номиналистлар куйидагича хулосага келдилар: пулни давлат бунёдга келтиради; пулнинг киймати унда курсатилган номинали билан аникланади. Худди шу билан бу назария номинализм деб атала бошланди. Ноасийализмнинг асооий хатоси* шундаки, бу назария буйича пулю:

киймати даалат томонидан аникланар эмиш. Дж. Беркли пул аслини олган марка, унияг кандай матерйалдан ясалганлигининг ва нимани аке эттиришини:

канака аҳамияти бор деган рояни олдинга сурди. Худди шу билан у моддий киймат назариясини ва пулнинг товарлик табиатини рад этди. Пулнинг умуми-киймат эквиваленти сифатида объектив равишда пайдо булиш моҳиятин;

тушунмай, номиналистлар унинг киймати давлатнинг субъектив ҳохиши иродасига боғлиқдедилар.

Номиналистлар пулнинг киймат улчовини ва баҳолар масштабини аралаштириб юбордилар. Дж-Стюарт пулни тент булган булаклардан иборат масштаб деб аниклади. Шу билан биргаликда географик масштабни тушуниш ва ишлатиш мумкин агар, бунинг асосида масофа мавжуд булса; маҳсулот огирлигини Ёдчаш мумкин, агар у кандайдир оуирликка эга булса; шу каби пул ҳам киймат улчови функци-ясини бажаради, агар у товар билан кандайдир ҳамжинсликка эга булса, деб уктирди.

Номинализмнинг кейинги ривожланиши (асосан Германияда) XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошига тутри келади. Бу давр номиналист-тарнинг асосий намоёндаларидан бири Г.Кнап (1842-1926 и.) эди. Г.Кнап узининг “Давлат пул назарияси” (1905) асарида айтишича пулнинг давлат томонидан белгиланадиган сотиб олиш қоблияти мавжуд. Шу сабабли ҳам пул давлат томоайдан яратилади. Бу назарияни эса у давлат пул назарияси деб атаиди.

Кнапп ва унинг издошлари олдинги номинистлардан фаркли уларок уз назарияларни тўла кимматга эга булмаган тангаларга эмас балки когоз пулларга асослаган эдилар. Кнапп пул массасини таҳлилқилишда давлат хазина билетлари ва алмашинадиган тангаларнигина эътиборга олди. Кредит пуллари (вексел, чек, банкнота) ни у алоҳида категория деб қараб уз изланишларидан уларни чиқариб ташлайди. Бу уларнинг катта хатоси эди. Номиналистларнинг асосий камчилиги шундаки улар пулнинг моҳиятини унинг ҳукукий асосидан изладилар.

Микдорий назария XVI-XVIII асрларда меркантилистларнинг концепциясига реакция сифатида пайдо булди. Бу назариянинг бошловчиси *француз* иктисодчи ЖБрден (1530-1596) эди, У биринчи булиб Европада уша даврда юз берган “баҳолар революцияси”ни очиб беришга ҳаракат қилди. Баҳоларнинг сакрашига сабаб Европага Америка китъасидан оқиб келган кимматбаҳо металла? булганлигини тушунтирди. XVI-XVIII асрларда Европада олтин микдори 1500 йилда булган олтин микдоридан 16 марта купайиб кетган эди. Ж.Боден баҳоларнинг узгариши мурмаладаги пул микдори биланданикланди деб тушунтирди. Шу сабабли ҳам бу назария микдорий назария деб ном олди. Аммо илк микдорий назария тарафдорлари пул микдорининг баҳога буладиган таъсирини ва буни кандай йуллар билан ва қайси ҳолларда булиҳлигини аниқ очиб бера олмадилар.

XVIII асрга келиб бу назарияни инглизлар Д.Юм (1711-1726) ва Дж-Мидль (1773-1836)

ҳамда француз Шарль Монаскё (1689-1755) ривожлантирдилар. Инглиз иктисодчиси, файласуф, психолог ва тарихчи Д.Юм узининг субъектив" идеалистик карашлари билан киймат субстанцияси тушунчасини рад этди. Америкадан кимматбаҳо металлнинг оқиб келиши ва баҳоларнинг ошиши орасидаги тугри пропорционал боғланишни курсатмокчи булиб, у: “пул кийматини унинг микдори белгилайди” деган фикрини илгари сурди. Юм фикрича товарларнинг баҳоси ва пулнинг киймати муомалада булган товар ва пул хажми билан аникланади. Муомала пулнинг купайиши олдин бир товар баҳосининг ошишига, кейин иккинчи товарнинг ва охир оқибатида барча товарларнинг баҳосининг муомаладаги пул микдорига пропорционал равишда ошишига олиб келади. Мана шу пулнинг микдорий назариядаги пул массаси уртасидаги боғлиқликни курсатади ва муносабат

Пул массаси Баҳолар даражасининг узиш суъратлари = узиш суръатлари.

Демак, товарлар баҳоси ҳақиқатда пул микдорига турри пропорционал булади. Ҳақиқатда эса янги олтин ва қумуш конларининг очилиши билан бу металл? қамрок ижтимоий меҳнатни Ўзларида акс эттира бошладилар. Шундай қилиб, микдорий назария вакиллариининг фикрлари шунда эдики:

пулнинг сотиб олиш қобилияти худди баҳо қаби (янги товар баҳоси қаби) бозорда аникланади; муомалада барча чиқарилган пуллар булади; пулнинг сотиб олиш қобилияти пул микдорига тесқари пропорционал ва баҳолар Ўзгариши пул микдорига турри пропорционал.

1. Микдорий назария ҳулнинг-фадатмуомадаваситаси эканлиги виқурад]долди холос. Улар та-ъқидлашича пул -в” товар массаларининг тукнашиши |-унатижасида баҳолар белгиланади ва пулнинг киймати анииланади. КМаркс 1 дЮмни тадқид қуплиб, унинг асосий хатоси шундаки, у “пул муомалага t қираётганда кийматга эга эмас а, товар эса баҳога эга эмас” деган нотугри д тахминда эди” деб ёзган эди.

Уларнинг иккинчи хатоси шунда эдики, улар ҳамма пул массаси фақат ^т муомалада булади деб қарашган. Аслида киймат қонунига мувофиқ муомала учун зарур бЫ-яган пул микдорини аниқловчи иктисодий қонун мавжуд. Муомалада булган ҳақиқий нақд пулга, ҳар қандай пул микдори эмас балки, шу давр учун зарур булган, тулов муддати узайтирилган, ҳисоб-қитоблар ва пул бирикларининг айланишида банд булган пуллар қиради. Микдорий назария хазинанинг металл пул муомаласида стихияли регулятор эканлигини рад этади.

Замонавий микдорий назария қогоз пуллар муомаласига асосланади. Бу назария А. Маршалл, америкалик И. Фишер, шведлар Г. Нассель ва Б. Хансен, иктисодчи А. Пигу, монетарист М. Фридмен тадқиқотларида уз аксини топди.

Америкалик иктисодчи, статистик ва математик И.Фишер (1867-1942ЙЙ) пулнинг микдори назариясига янги сифат қиритди. У пулнинг меҳнат кийматини рад этди ва пулнинг “сотиб олиш қуввати”га асосланди.

Микдорий назарияни математик йул билан исботламокчи, булган И. Фишер пулнинг “сотиб олиш қувватига” таъсир этувчи олти фактораи курсатди:

М-муомаладаги нақд пул массаси;

V-пулнинг айланиш тезлиги;

P-урта (тортилган)баҳо;

Q-товарлар микдори;

Мдбанк депозитлари йигиндиси;

V¹-депозит-чек муомаласи теалиги. Товарлар учун туланган пул йигиндиси, товарлар йигиндисининг товарлар баҳосига қупайтмасига тенг:

$$MV = PQ$$

Бу тенгламани Фишер “алмашинув тенгламаси” деб атади. Юқоридаги формула асосида муомаладаги пул массасини топиш мумкин.

$$PQ - \quad M = \frac{MV}{V}$$

Энди Фишер назариясининг баъзи камчиликларини куриб чиксак. Биринчидан, у товарлар баҳолари йигиндиси урнига, барча товарлар микдорининг уртача тортилган баҳоларини олади. (PQ). Унинг фикрича, товарлар бозорга баҳога эга булмаган ҳолда кириб келади. Гдиймат назариясига кура эса, товар бозорга баҳо билан киради. Демак, баҳони товардан ажратиш мумкин эмас. Иккинчидан, Фишер узок вақт оралигидаги V ва Q узгарувчиларни узгармас (бир маромли) деб олди. Бунинг натижасида эса иккита эрксиз узгарувчи - пул микдори ва баҳо қолади.

Учинчидан, бу икки узгарувчиларнинг узаро боғлиқлигидан келиб чикиб, Фишер бир томонлама хулоса килиб баҳолар қулами натижа бўлиб, у бошқа омиллар узгаришига сабаб бўла олмайди дебди. Пулнинг микдори назарияларидан бири Кембриж ёки касса колдиклари назариясидир. Бу назарияни А. Маршалл, А. Пигу кейинчалик Ж. Кейнс тарғибот қилган. Бу гоё буйича пул ҳаракатининг боши бўлиб жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг худ"алик оборотида бўлган пуллар (касса колдик пуллари) ҳисобланади. Касса колдикларидан А. Пигу фикри буйича истъёмол фондлар ташқари сугурта фонди, инвестиция буйича жамгарма фонди ташкил қилиниши керак. Пигу тенгламаси "алмашув тенгламас"дан фарқ қилади. Яъни унда янги курсаткич "жамгарма коэффициенти" қулланилган бўлиб қуйидаги қуринишида ифодаланади.

$M = K \times R \times P$ бир қисми (пул шаклида) бу ерда, K - коэффициент ёки RP нинг бир қисми (пул шаклида), касса колдиги. R - маълум давр ичида ишлаб чиқарилган реал маҳсулот ҳажми. Масалан, RP -800 млрд. доллар бўлса, K унинг 1/8 қисмини ташкил қилади. У вақтда $M = 800 \text{ млрд.} : 8 = 100 \text{ млрд. доллар}$. Демак, яратилган ялпи маҳсулотни курсатилган баҳода мўйлаштириш учун RP дан 8 марта кам бўлган пул массаси зарур.

Ҳозирги замон монетаризми. Монетаризм пул назарияси 50 йиллар уртасида пайдо бўлган. Бу оқимнинг қузга қуринган намоёнчаси МФридман ҳисобланади, у Чикаго университетининг профессори, иқтисод соҳасидаги Нобель мукофоти лауреати. Бу оқимга М. Фридмандан ташқари К. Бруннер, А. Мольцер, Д. Лейдлер, Ф. Кейген ва бошқа иқтисодчилар киради.

Пул назарияда катта мувофоқият қозанган роя - Фридманнинг пулнинг микдорий назарияси бўлиб, у муомаладаги пул микдори узгариши билан товар баҳолари узгариши уртасидаги боғлиқликни, монетар сиёсат назарияси, яъни жамият ҳолда бўлган иқтисодий тебранишлар пул массасининг узгариш туфайли бўлиши, пулнинг иқтисодий самарадорликка таъсири қабиларни ёқлаб чиқади. Ҳозирги замон монетаризмига бир гуруҳ иқтисодчилар қаламига мансуб "Пулнинг микдорий назариясига оид тадқиқотлар" (1956йил) деб номланган асар билан асос солинди. Унинг бош гоёси-иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул ҳисобланади деган хулосадан иборат. Монетаризм пулни олқишловчи назариядир. Монетаристлар иқтисодий ўсишнинг энг муҳим шартин инфляцияни даф этиш ва 'пулни соғломлаштириш, пулни ҳужалик муомаласи воситасига айлантириш деб қарайдилар. Уларнинг фикрига, давлатнинг иқтисодиётга аралашуши пул муомаласини тартибга солиш билан чекланиши керак

Монетаристлар илгаридан маълум бўлган пулнинг микдорий назариясига бориб туташидан "барқарор пул" назариясини олға сурадилар. Улар пул ва иқтисодий фаоллик уртасида ўзвий боғланиш борлигини қ-айд қилиб, иқтисодий' кризисларнинг сабабини пул муомаласидаги бузилишлардан ахтардилар:

Пулнинг етишмай қолиши иқтисодий ўсишини сусайтира бориб, туррунлик ҳолатини келтириб чиқаради, бу эса аввал юзарок тангликка, сунгра эса чуқур иқтисодий тангликка олиб келади. Бинобарин, иқтисодий цикл пул микдorigа боғлиқ, бу ўз навбатида пул эмитенти бўлган Марказий банк фаолиятига боғлиқ. Пул-кредит сиёсатини ўзгартириб тангликдан чиқиш ва иқтисодни ривожлантириш мумкин. Монетаристлар иқтисодиётда бош масала ишлаб чиқариш ва пул массасининг тенглигиги бўлиб, шу орқали макроиқтисодий мувозанат ҳосил этиш мумкин деб ҳисобланадилар.

М. Фридмен касса колдиги талаби миллий даромад, депозит баҳо қозғалар, товарлар

баҳосининг усиши ва бошка омилларга курсатади ва бошка омилларга боғлиқ эканлигини курсатади ва уни куйидаги формула буйича ифодалайди.

$M_s = f(Y \times X)$ бу ерда:

M_s - режалаштирилаётган касса колдиги, f - Y , X ларнинг узгарувчан функцияси, Y - миллий даромад, X - юкорида келтирилган жами омиллар
Б,р,у,и-бошка таъсир этувчи осиллар.

Факат монетаризм эмас, балки бошка назариялар ҳам пул массаси билан ишлаб чиқариш уртасида боғланиш мавжудлигини тан олади. Фарқ шундаки, монетаризм бу боғланишни бош масала деб қарайди. Унинг намаёндалари пул массасига таъсир этувчи чора-тадбирлар давлат инвестициясидан фарқлироқ дарҳол иқтисодий вазиятига таъсир этади деб қарайдилар.

Хулоса.

Ушбу маърузада қийматнинг пул шаклини пайдо бўлиши ва пулни ривожланиш босқичларида металл пулларнинг алмашинуви Т-П-Т шаклида олиб борилгани, пулнинг функциялари, яъни қиймат улчови, муомила воситаси, тулов воситаси, жамгарма воситаси функцияларини бажариши еритилган. Пул назариясининг йуналишлари: металл, номинал, микдорий назариялар еритилган.

Таянч сузлар:

Қиймат, пул, товар, функция, назария, монетаризм.

Назорат саволлари.

1. Пул нима ?
2. Пулнинг асосий функциялари?
3. Пулнинг қиймат улчови нима?
4. Фишернинг микдорий назарияси?
5. Пулнинг қайси назарияси асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иш олиб боради.
- 6.

Асосий адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А “Ўзбекистон по пути углубления экономических реформ” -Т.:Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Стабильность и реформы: Статьи и выступления” -М.:Палея, 1996
3. Закон Республики Узбекистан “О Центральном банке” .
4. Закон Республики Узбекистан “ О банках и банковской деятельности”.
5. Инструкции Центрального банка и коммерческих банков республики.
6. Банковское дело. Под ред. проф. Лаврушина О.И. М., Финансы и статистика, 1992.

Кушимча адабиётлар руйхати:

1. Крис Дж. Барлтроп и Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. Том2. ИЭР ВБ вашингтон Д.С.
2. Операции коммерческих банков и зарубежный опыт. Ширинская Е.Б., соколинская И.Э., М., Финансы и статистика. 1993.
3. Основы денежного обращения и кредита. Поляков В.П., Московкина Л.А., М, Инфра-М, 1995.
4. Дж К. Ван Хорн. “Основы управления финансами” –М.: “Финансы и статистика”, 1997.

Мавзу №2.Кредит назарияси асослар

Режа:

- 1.Кредитнинг капитализмгача булган шакллари, зарурлиги.
- 2.Ссуда капиталининг моҳияти зарурлиги ва хусусиятлари.
- 3.Кредитни айрим шаклларининг тавсифи.
- 4.Пул-кредит муомласини тартибга солиш назарияси

Асосий иборалар:

Кредит, принциплар, ссуда, функция, назариялар, хусусиятлари.

Иктисодий назарияда ссуда капитали деганда фоиз тулаш шарти билан вақтинча фойдаланишга бериладиган ялпи пул маблағлари тушунилади. Ссуда капиталининг моҳиятини тунда тушуниш учун аввало уни айланма ва савдо капиталларидан фарқини, характерли хусусиятини аниклаш керак. Ссуда капитали капитал бозорида муҳим урин тутиб миллий иктисодиёт эҳтиёжларини кондиради. Ссуда капиталининг узига хос хусусиятлари, унинг кредитордан карз олувчига булган ҳаракатида ва аксинча булган жараёнида купрок куринади. Бу хусусиятлар куйидагилардан иборат: 1. Ссуда капитали капитал сифатида - бу мулк, унинг эгаси карз олувчига капиталини доимий эгаликка эмас, балки вақтинча фойдаланиш учун берадк. Бу ҳолда капиталга булган эгалик капитал ҳаракатидан ажралади. Капитал корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишнинг бошидан охиригача катнашиб, унинг ҳажми ортиб борсада, белгиланган капитал микдори охир оқибатда уз эгаси - кредиторга қайтиб туланиши лозим. 2. Ссуд-з капиталининг узига хос хусусияти, унинг товар сифатида эканлигидир. Кредитор томонидан пул маблағлари карздор корхонага “сотилади”, Корхоналар бу капитал ҳисобидан чиқариш воситалари ва иш қучини сотиб оладилар. Ссуда капиталининг товар сифатидаги истёъмол қиймати - карз олувчи томонидан унинг самарали ишлатилиши натижасида карздор оладиган фойда ҳисобланадй. Ссуда капиталининг истёъмол қиймати оддий товарнинг истёъмол қийматидан фарқ қилади. Ссуда • капитали буйича олинган фойданинг бир қисми ссуда фоизини тулаш учун ишлатилади. 3. Ссуда капиталининг яна бир хусусияти, кредитор ва карз олувчи уртасидаги муносабатнинг узок; давом қилишидир. Ссуда капиталининг кредитордан карз олувчига утиш жараёни даврлар буйича тарқатилган гулов механизмининг босқичларида ифодаланади. Масалан, оддий савдо сотик жараёнида сотилган товарнинг нархи шу захотиёк; туланади. Кредит ресурслари ва улардан фойдаланганлик учун туловлар одатда маълум вақт утгандан кейин туланади.

4. Ссуда капитали ҳаракатининг узига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, ссуда капитали ҳаракати саноат ва савдо капитали ҳаракатидан фарқ; қилиб, “сотувчи” (кредитор) ва “ҳаридор” (карз олувчи) уртасидаги муносабат, яъни капитал ҳаракати, пул (П-ГУ) қуринишида булади.

Судхурлик капиталидан фарқли уларок ссуда капитали аввало давлат, юридик ва жисмоний шахслар, кредит ташкилотларидан жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобига шаклланади (бу эса банкларнинг ссуда капитали бозорида ихтисослашган воситачилик ролини аниқлаб беради). Молиявий ресурсларнинг ссуда капиталига айланишининг икки асосий манбасини қурсатиш мумкин.

*Кредит муносабатлари ривожланишининг биринчи босқичда ссуда капитали шаклланишининг ягона манбаи сифатида давлат, юридик ва жисмоний шаклларининг вақтинчалик буш пул маблағлари манба сифатида намоён булди. Улар молиявий воситачиларга ихтиёрий равишда вақтинча фойдаланишга, мавжуд маблағки кейинги капитализация қилитга ва улардан фойда олишга берилади. Бу маблағлар кредит ташкилотларига тегишли булган депозит счётларда қайд қилиниб, узларининг биринчи эгаларига шу қуйилмалар буйича фоиз қуринишидаги даромад қелтиришни таъминлайди. Бу манба узининг аҳамиятини ҳозирги, ривожланган давлатлар шароитида ҳам йукотган эмас.

*Нак;д пулсиз шаклидаги ҳисоб китобларнинг банк оркали утишида ишлатиладиган маблағлар кам ссуда капитали шаклланишининг янги манбаи булиб, бу маблағлар айланма маблағларнинг доиравий айланиш жараёнида юзага келади. Корхоналарда молиявий ресурсларнинг вақтинча буш. булиб р;олишининг куйидаги асосий сабабларини курсатиб утиш мумкин.

-ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш вақти билан олинган хом ашё, материаллар, ишчиларга иш хақи ва бошқа туловларни амалга ошириш вақтининг мое келмаслиги;

-асосий фондларнинг эскиришини коплаш учун мулжалланган пул ажратмаси, яъни амортизация фондининг шакллантирилиши.

Амортизация фонди маблағлари ҳам ссуда капитали манбаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Корхоналарда фаолияти натижасида юзага келувчи таксимланмаган фойда ёки унинг ишлатилиш жараёнида пайдо булган буш маблағлар (масалйн, йил охирида туланадиган дивиденд шаклида) ҳудудий шахсларнинг

уларга хизмат курсатувчи кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб счётларида

Бу маблағлар:д банк томонидан корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларига булган эҳтиёжини кондиритишга, маълум муддатга туловлик асосида йуналтирилади.

Ссуда капитали бозорининг таркиби. Ссуда капитали бозори молиявий бозорнинг таркибий қисми ҳисобланади ва унинг ҳолати ссуда капиталининг доиравий айланиш жараёни билан боғлиқ. Ссуда бозорининг асосий иштирокчилари булиб:

*дастлабки инвенторлар, яъни турли банкларда сақланувчи, ссуда капиталига айланувчи буш молиявий ресурсларнинг эгалари;

*ихтисослаштирилган воситачилар, пул маблағларини бевосита жалб қилувчи, уларни ссуда капиталига айлантирувчи ва фойиз қуринишида ҳақ тулаш ва қайтариш шарти билан вақтинчалик фойдаланишга қарз олувчига берувчи кредит-молиявий ташкилотлари булиши мумкин.*молиявий ресурсларда етишмовчилик ҳис қилувчи ва ихтисослашган воситачиларга уларнинг буш маблағларини вақтинчалик ишлатиб турганлиги учун. тулов тулашга тайёр булган давлат ташкилотлари, ҳукукий ва жисмоний шахс қуринишидаги қарз олувчи.

Банклардан бериладиган кредит ресурсларнинг мақсадли йуналишидан келиб чиққан ҳолда ссуда капитали бозори куйидаги асосий сегментларга бўлиниши мумкин:

пул бозори - айланма маблағларнинг ҳаракатини таъминловчи қисқа муддатли кредит операцияларнинг йигиндиси;

капитал бозори - асосий маблағлар ҳаракатини таъминловчи қисқа ва узок муддатли операциялар туплами;

фонд бозори - қимматбаҳо қозғалар бозорига хизмат қилувчи кредит операциялар туплами;

ипотека бозори - қучмас мулк бозорига хизмат қилувчи кредит операциялар туплами ва бошқалар.

Х;ар бир санаб утилган бозор сегментлари уни ташкил этиш ва вазифаларини бажаришда узига хос хусусиятларга эга. Бу эса амалиётда молия-кредит институтларининг махсус тури ихтисослаштирилган тижорат банкларининг ташкил топишига олиб келади.

Замонавий ссуда капитали бозори асосий икки бурин кредит тизими ва қимматбаҳо қозғалар бозори (бирламчи ва иккйламчи бозорлар) булишини тақозо қилади. Ссуда капитали бозорининг таркибини куйидаги схемада қелдтириш мумкин.Қелтирилган схемадан қуриниб турибдики, кредит тизими ҳар хил кредит молия институтларининг йигиндисидан иборат. Қимматбаҳо қозғаларнинг бирламчи бозорида янги муомалага чиқарилган қимматбаҳо қозғалар сотилади ва сотиб олинади. Иккйламчи бозорда (фонд биржасида) олдиндан муомалага чиқарилган қимматбаҳо қозғалар сотилади ва сотиб олинади. Биржадан ташқарида қимматбаҳо қозғаларнинг сотилиши ва сотиб олиниши одатда нобиржа савдо деб вдритилади.

Қимматбаҳо қозғалар бозори ва кредит тизимининг мавжудлиги ҳамда ривожланиш даражасига қараб ссуда капитали бозорининг ривожланиши тугрисида ҳулоса қилиш мумкин.

Жаҳон амалиётида капитал бозори АКШ, Гарбий Европа мамлакатларида ва Японияда юксак тараккий килган.

Бу босқичнинг асосий белгиси - иқтисодиётда кредит муносабатларини давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишидир. Давлат микёсида кредит муносабатларининг марказлашуви ҳар бир давлатнинг Марказий банки ёрдамида амалга оширилади. Дастлабки умумиллий давлат кредит институтларининг пайдо булиши нақд пулсиз дўстона кўтооларни олиб бориш учун кул келди, ҳамда тижорат банкларининг операциялари ва хизмат кўрсатиш куламининг кенгайишига олиб келди. масалан, фонд бозорига хизмат курсатиш буйича. Кейинчалик Марказий банклар фаолияти бозор иқтисодиётини барқарорлаштиришнинг самарали омили булган кредит дастаглари ишлатиш буйича йуналтирилди. Бу эса давлатники булмаган кредит тагикилотларини назорат килишни кучайтиришни талаб килди. Шунингдек, иқтисодиётда информацион технологиянинг ривожланиши, глобал банк тармокларининг компьютер коммуникациялари ва маълумотлар базаларининг шаклланиши кредит муносабатларини янги сифатли даражага, яъни миждозга хизмат курсатиш билан бирга уларнинг молиявий фаолиятининг ?;амма жабҳаларига, шунингдек халқаро бозорга ҳам тарқалитишга олиб келди. Жамият фаолиятининг ута муҳим жиҳати - бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш тараёнида иқтисодий ресурслар ишлатилади, махсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётини неъматлар яратилади.

Ишлаб чиқариш тараёнининг узлуқсизлигини моддий ва меҳнат омиллари таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг бу омиллар билан бир текисда таъминланиши муаммодир.

Кредит орқали жамиятимизда куйидаги иждобий натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, фондлар айланиши тараёнида четга чиқиб, буш колган мабалгларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олдин олинади;

иккинчидан, такрор ишлаб чиқаришқи кенг доирада узлуқсиз давом эттиришга имкониёт яратилади.

Кредитнинг вужудга келиши реалликка айланиши учун муайян шароитлар булиши зарур. Шу масала буйича баъзи иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрларни таҳлил килиб, иқтисодчилар томонидан кредитнинг юзага келишининг куйидаги шартларига купрок эътибор берилганини курсатиб утиш мумкин. Кредит муносабат булиши учун:

биринчидан, кредит муносабат иштирокчилари - карз берувчи ва карз олувчи - ҳуқуқий жиҳатдан мустакил субъект булиши керак. Мустакил субъект сифатида ҳар иккала томон бир-бири билан узаро алоқалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришини моддий жиҳатдан кафолатлай олиши керак. Маясбуриятларни бажара олиш кобилиятини ҳисобга олган ҳолда мустакил ҳуқуқий субъект сифатида томонлар иқтисодий муносабатга киришишлари керак.

иккинчидан, карз берувчи ва карз олувчи манфаатлари бир-бирига мое тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади. Бу манфаатлар авваламбор, объектив тараёнлар, узаро манфаатларни такозо этувчи аниқ д вазият билан боглик.

Кредитор(карз берувчи) томонидан пул маблагларини карзга бериш буйича, карз олувчи томонидан эса шу маблагларни олиш буйича кизикиш д тугилган тақдирдагина кредит юносабатлари вужудга келади.

Кредитнинг вужудга келиши кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг йуналишига боглик, Томонлар манфаатларининг мое келиши кредит шартномаси тузилишини таъминлайди. Лекин, кредит муносабатлари иштирокчилари манфаати нафакат вақт ва фазо жиҳатдан, шунингдек сифат жиҳатдан ҳам мое тушган тақдирдагина бу муносабатлар реалликка айланади. Шу билан бирга кредитнинг бу муҳим сифатлари кредит муносабатлари содир оулишининг асосий сабаби булолмайди. Кредит вужудга келиши учун, юкорида айтилгандек, аниқ бир иқтисодий асос -фондлаонинг доиравий айланиши ва шунта ухшаш бошка аниқ шароитлар оулиши зарур. Факатгина ана шу таъсир этувчи омиллар булган тақдирдагина кредитнинг вужудга келиши реалликка айланади.

Баъзи иктисодий адабиётларда кредитнинг зарурлиги хусусида бир неча бошқа фикрлар ҳам учрайди. Масалан, кредит корхоналар фаолиятини назорат қилгани амалга ошириш учун зарур деб таъкидланади. Агар бу фикр тугри деб қарайдиган бўлсак, кредитнинг зарурлиги фақат кредитор учун тушунарли бўлади, чунки у қарз бериш орқали қарз олувчи фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундай шароитда кредитнинг чегараси ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишига асосланган объектив жараёнларга эмас, балки банкюшт кредит операциялари орқали қарз олувчининг фаолиятини назорат в?лиш истагига боғлиқ бўлиб қолади.

Бу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, **кредитнинг объектив зарурлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фондларнинг доиравий айланиши қонуниятларига асослангандир.**

Бизга маълумки, пул маблағларига қўй ҳолларда кредитларни, корхоналарнинг ҳисоб варақасидаги маблағларни ва нақд пулларни, оборот маблағларини ва молиявий ресурсларни қиритадилар.

Кредит - бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳақ тулаш шарти билан

қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иктисодий муносабатлар йиғиндисидир. Кредит ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқарит маҳсули, қийматнинг ҳаракати, қарз берувчи ва қарз олувчи уртасидаги иктисодий муносабатларни ифодаловчи категориядир. Кредитнинг моҳияти унинг ички белгиларияи очиқ беришга қаратилган. Кредитнинг моҳиятини очиш - бу унинг сифатларини, кредитнинг муҳим томонларини, уни иктисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида қўриқувчи асосларини билиш демакдир.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда кредитнинг баъзи муҳим томонлари аниқланади:

биринчидан, унинг ижтимоий маҳсулот яратиш, миллий даромад ва пул ресурсларини қайта тақсимлашга боғлиқлиги;

иккинчидан, кредитнинг ҳаракат шаклига (товар ёки пул тарзида) эга эканлиги;

учинчидан, такрор ишлаб чиқаришдаги ҳаракатнинг асосий ҳал этувчи белгиси (қарз) эканлиги **ва ҳ. қ.**

Берилган кредит қайтариб беришлик характериға эға. У ҳудди шу сифати билан молиядан фард қилади.

Қсуда қапители манбаларининг таҳлили кредитнинг иктисодий категория сифатидаги моҳиятини аниқлашга асос бўлиб ҳизмат қилди.

Бир қатор иктисодчиларнинг фикрича, **кредит** жамиятдаги вақтинча д "уш пул маблағларини йиғиш ва уларни тақсимлаш шаклидир.

Кредитнинг моҳиятини янада аниқлаштириш учун унинг таркибини, дақат босқичларини, иктисодий категория сифатидаги муҳим белгиларини аниқлаш - иктисодий характеристикасини қўриб чиқамиз.

Ҳар қандай иктисодий категория узининг функцияларига эға бўлгани қабиди кредит ҳам узининг бир қатор функцияларига эға. Ижтимоий иктисодий тизимда кредитнинг урни ва роли у бақараётган функциялари билан аниқланади. Кредитнинг функцияси - бу кредитнинг иктисодиётда фаолиятининг қонқрет равишда намоён бўлишидир.

Кредитни таҳлил қилишда, функция, унинг моҳияти ва роли уртасидаги оралик звено сифатида қўриб чиқилади.

Кредитнинг функциялари ҳақида олимлар уртасида яғона изқиллик йуу,.

И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг функцияларини таҳлил қилишда иққита

ечилмаган муаммо мавжуд:

- 1) функцияни тутунишнинг услубий асослари;
- 2) функцияларнинг таркиби ва структураси.

Кредитнинг таркибий қисмидан келиб чиққан ҳолда унта қуйидаги муносабатларга хос функциялар тааллуқли:

- а) кредиторнинг қарз олувчи ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;
- б) қарз олувчининг кредитор ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;
- в) қарзга берилувчи қиймат билан кредитор ва қарз олувчининг муносабати орқали.

Пул оборотининг асосий қисмини нақд пулсиз оборот, яъни корхона, ташкилотлар уртасидаги, уларнинг давлат бюджети, кредит ташкилотлари билан нақд пулсиз бир счётидан иккинчи счётга маблар Ы^{тказиш} йули билан амалга ошириладиган оборот ташкил қилади.

Пул обороти таркибида нақд пулсиз оборот салмогининг юқори бўлишининг сабаби, аввалам бор корхона, ташкилотлар уртасида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни юксалтириш зарурлиги, баъзи бир тармоқларнинг ихтисослашуви, кредит системасининг такомиллашуви ва бошқалардир.

Товарларни сотиш жараёнидаги ҳисоблар моддий бойликлар айланиши билан боғлиқ бўлиб, улар асосан корхона, ташкилотлар уртасида олиб борилади.

Нотовар характердаги ҳисоб-китобларга миллий даромадни тақсимлаш, қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган туловлар, даромаддан туловлар, ҳар хил бадаллари солиқлар, кредитларни тулаш, уй жой, ҳар хил хизматлар учун туловлар ва бошқалар қиради.

Товарлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз утқазилиши, моддий бойликларни етказиш ва курсатилган хизматлар учун тулов муддатини яқинлаштиришга ёрдам беради. Товар моддий бойликлар ва хизматлар учун туловларнинг уз вақтида утқазилмаслиги корхоналар маблагларининг хужалик оборотидан чиқиб кетишга, қузланган режаларни бажаришга маблагларнинг етишмаслигига олиб келади. Туловнинг товарларни олишдан олдин амалга оширилиши мол сотиб олувчи корхона маблагларининг хужалик оборотидан чиқиб кетишига олиб келади. Шунинг учун товарлар ҳаракати ва туловлар бир-бирига мое қилиши катта аҳамиятга эга.

Накд пуллик оборот - бу накд пул ёрдамида амалга ошириладиган туловлар йигиндисидир. Бу оборот пул узининг тулов ва муомала воситаси функцияларини бажаришида юзага келади.

Накд пуллар муомала воситаси сифатида аҳоли билан корхона, ташкилотлар уртасида, аҳоли билан аҳоли уртасидаги товарлар сотиб олишда ва сотишда қўлланилади. Пул тулов воситаси сифатида иш хаки, нафакалар, мукофотлар, яққа тартибдаги қурилиш учун бериладиган кредитлар, сугурта туловларни тулашда намоён бўлади. Ундан ташқари накд пуллик оборотга:

- коммунал хизматлар учун туловлар;
- маиший хизматлар учун туловлар;
- сугурта ташкилотларига пайларни тулаш;
- соликнинг баъзи турларини тулаш;
- банк кредитини тулаш;
- матбуот ижтимоий пайлар тулаш;
- акционерлик жамиятлари билан аъзолари уртасидаги туловлар ва бошқа туловлар киради.

Баъзи иктисодчилар пул оборотини накд пуллик ва накд пулсиз оборотларга бўлиб урганишга зарурат йук деб ҳисоблайдилар.

Биз чет эл иктисодчиларининг тадқиқотларини олиб қарайдиган бўлсак, албатта, юқоридагидек пул оборотини иккига бўлиб урганиш йук- Бунинг асосий сабаби, иктисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ҳисоб-китоблар асосан накд пулсиз олиб борилади. Ҳисоб-китобларни бу турларда олиб бориш қулай ва шароитга мўъассас келади. Лекин, ҳали ривожланган иктисодга эга бўлмасдан туриб, биз хорижий давлатларнинг ҳозирги ҳисоб-китобларнинг мавқеи билан уз ҳисоб-китоб тизимимизни тенглаштира олмаيمиз. Ундан ташқари бозор иктисодига босқичма-босқич утиш, миллий пул бирлигини барқарорлаштириш, муомаладаги пул массасини ва пул эмиссиясини камайтириш масалалари долзарб турган бир шароитда биз пул оборотини накд пуллик ва накд пулсиз оборотларга бўлиб урганишимиз, уларнинг таркибини такомиллаштиришимиз, самаралик йулларни қўллаб жамиятимизда тулақонли пул оборотини яратишимиз ва уни жамият ривожланиши учун хизмат қилдиришимиз зарур. Мана шу шароитгина ривожланган хорижий малакатларга ухшаб пул оборотини таркибий қисмларга бўлмасдан таҳлил қилишимиз мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, пул оборотининг икки қисми бир- бири билан узвий боғлиқ, чунки пул накд пул обороти дан накд пулсиз оборотга ўтади ва аксинча айланиб доимий ҳаракатда бўлиб, умумий пул оборотини юзага келтиради.

Корхона, ташкилотларнинг банкдаги ҳисоб рақамидаги пул маблаққари қуйидаги йуллар билан накд пулга айланади:

- ишчи, хизматчиларга иш хаки бериш;
- курсатилган хизматлар, меҳнат учун туловлар;
- нафакалар тулаш;
- ҳар хил мукофотлар;
- аҳолидан қишлоқ, хўжалиқ маҳсулотлари, товарлар сотиб олишда;
- давлат заёмлари ва лоторея билетлари бўйича туловлар;
- аҳоли банклардан жамғармаларини олганда;
- аҳолига **сурур**та туловларини тулаганда **ва ҳақозо**;

Накд пуллар чекланган миқдорда муомалага чиқарилади. Накд пулларнинг муомалага чиқарилиши ўстидан банк назорат олиб боради. Накд пул-нар қуйидаги йуллар билан накд

пулсиз оборотга тушади.

-уй-жой ва коммунал хизматлар учун тулаганда;

-алока ташкилотларига тулаганда;

-хар хил соликлар ва лайлар тулаганда;

-давлат заёмлари ва лоторея билетлари сотиб олингандаги тушумлар оркали;

-якка тартибдаги курилиш учун олинган кредитларни тулаганда;

-хар хил божлар **ва** жарималарни тулаганда;

-болалар богчалари ва боша муассасалар учун тулаганда;

-дам олиш уйлари ва бошка соғломлаштириш муассасаларни йуланмалари учун тулаганда **ва** бошка ҳолларда;

Пулнинг нақд пулсиз оборотга утгаяидан нақд пуллик оборотга купрок утиши пул муомаласи учун хатарлирок ҳисобланади. Шунинг учун ҳам пулнинг нақд пуллик оборотга утиш жараёни давлатнинг Марказий банки томонидан назорат қилиб борилиши керак.

Пул **обороти** булимлари уртасида юзага келадиган номуносивблик иқтисодий **чоралар** ишлаб чиқдиш ва амалга ошириш йули билан йукотилиши керак.

Бунинг учун муомалага халқ эҳтиёжига учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш, аҳолига хизмат курсатувчи ташкилот ва муассасалар сонини ва хизмат турларини яхшилаш нақд пулларнинг нақд пулсиз оборотга утиш жараёнини тезлаштиради. Бу уз навбатида бу маблағлар ҳисобидан ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришга имкон беради.

Баъзм адабиётларда нақд пул обороти ва пул муомаласи тушунчалари бир хил моҳиятга эга деган хато фикрларни ҳам учратиш мумкин. Пул муомаласининг узига хос хусусияти шундаки, бир пул белгиси бир неча марта туловларни амалга оширишда ишлатилиши мумкин. Муомалада бўлган нақд пул массаси маълум бир давр (ой, квартал, йил)да узгармас бўлиб турган ҳолда, нақд пул обороти пул бирлигининг айланиш тезлигига қараб муомаладаги нақд пул миқдоридан бир неча марта кўп бўлиши мумкин ва аксинча.

Ўзбекистонда муомалага пул Марказий банк томонидан чиқарилади. Аҳоли томонидан иш хақи ва бошка туловлар шаклида олинган пулларнинг бир қисми қолхоз бозоридан товарлар сотиб олишга сарфланади. Қолхозчи бу пулларга савдо ташкилотларидан товарлар сотиб олади. Савдога тушган пуллар савдо тушуми сифатида банкларга топширилади. Қуриниб турибдики, банкдан чиққан пуллар бир неча туловларга ишлатилади, нақд пул оборотининг ҳажми кўпайишларни амалга ошириши учун муомалага чиқарилган пуллар миқдоридан бир неча марта қўпдир. Нақд пул обороти нақд пуллар билан амалга ошириладиган туловлар йиғиндиси бўлиб, у сонларда ифодаланади.

Пул муомаласи муомаладаги пул массасини, банк томонидан муомалага чиқарилган пулларнинг банкга қайтиб келиши тезлигини ифодалайди.

Пул оборотини қуриб чиқишда биз тулов обороти билан нақд пулсиз оборотлар уртасида фарқ мавжудлигини таъкидламоқчимиз. Тулов обороти деб пулнинг тулов воситаси сифатида ҳаракати туфайли вужудга келган пул оборотига айтилади. Тулов оборотининг таркибий қисми бўлиб тулик нақд пулсиз оборот ва нақд пул оборотининг пулнинг тулов воситаси функцияси туфайли юзага келувчи қисми ҳисобланади.

Қиймат қонуни ва унинг муомала доирасида юзага чиқиш шакли - пул муомаласи қонуни товар-пул муносабати мавжуд бўлган барча ижтимоий формацияларга хосдир. 1-дймат шакллари ва пул муомаласи тараккиёт йулини 'аҳли қилаётди, К.Маркс пул муомаласининг қонунини очди. Бу қонунга асосан уюмада воситаси функциясини амалга ошириш учун керак бўлган пул миқдори қўланади. Металлик пул муомаласида муомаладаги пул миқдори стихияли тарзда, 'ларнинг ҳазина функцияси ёрдамида тартибга солиб турилган: агар пулга гиёж қамайса, ортиқча пуллар (олтин танга) муомаладан ҳазинага оқиб 1-ши қўзатиш ва аксинча. Шундай қилиб, муомаладаги пул миқдори 'ақли қаражада ушлаб турилган.

Кейинчалик муомалага банкноталар арилиши ва уларнинг металла? (олтин ёки кумуш)га эркин алмашилиши муомалада пулнинг ортикча миқдори бўлишини инкор этади.

Агар муомалада олтинга алмашилмайдиган банкноталар ёки коғоз •ар (ҳазина билетлари) амал қилса, у ҳолда нақд пул муомаласи пул аласи қонунига асосан амалга ошади.

Рдогоз пуллар миқдори муомала учун керак бўлган олтин пулларнинг ий миқдорига тенг бўлганда пул муомаласида ҳеч қандай салбий •нлар юз бермайди. Юқорида қўрсатилган талаб пулнинг барқарорлигини қилади, шунингдек, пул муомаласи мавжуд бўлган барча ижтимоий қияларда уз қўчига эга.

Пул муомаласи қонуни муомаладаги товарлар масаси, уларнинг нарх си ва пул муомаласи тезлиги орасидаги иқтисодий алоқадорликни акс эттиради. Бу қонунга асосан муомала учун зарур бўлган пул миқдорини қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

Реализация	Кредитга	Мажбуриятлар	Бир-бирини қўп-
1у1	линадиган	сотилган	бўйича
товарлар	нархи	— товарлар	тулов-
суммаси	нархи	суммаси	суммаси

Пулнинг муомала ва тулов воситаси сифатида уртача айланиш тезлиги.

Шундай қилиб, муомала учун зарур бўлган пул миқдорига ишлаб чиқариш ривож ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлган турли хил омиллар таъсир қўсатади. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорига таъсир қўсатувчи асосий омил - бу товарлар ва хизматлар баҳоси ҳисобланади. Пул миқдори товарлар ва хизматлар баҳосига тутри пропорционал, яъни товарлар ва хизматлар баҳосининг ошиши муомалага қўп пул чиқаришни талаб қилади. Пул миқдорига таъсир қўлувчи иккинчи омил - бу пулнинг айланиш тезлиги ҳисобланади. Ғу омил пул миқдорига тесқари таъсир қўсатади. Одатда пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча қам талаб қилинади ва аксинча.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини бошқаришда шу муҳим омилларга алоҳида эътибор берилиши зарур.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини қамайтириш учун қуйидаги қораларни амалга ошириш муҳимдир. Булар: истеъмол қредитни ривожлантириш; қредитга қанчалик қўп товар сотилса, шунча қам миқдорда пул муомала да керак бўлади;

- нақд пулсиз ҳисоб - қитобларнинг ривожланиши;

- пулларнинг муомала тезлигини оширишга эришиш ва бошқалар.

Ҳар бир жамият пул муомаласи қонуни талабларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши зарур. Чунки пул муомаласи қонунининг бузилиши пул барқарорлигига қўтур етқазади. Бу ҳолда муомалага чиқарилган пул миқдори муомаладаги товарлар баҳосидан ошиб қетиши, яъни инфляция бўлишига, ёки пул очарчилигига (етишмовчилигига) олиб қелиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, пул муомаласини ушлаб қўриш шарт-шароитлари ва қонуниятлари икки омилнинг узаро таъсири билан, яъни:

хужалиқнинг пулга бўлган эҳтиёжи ва амадда пулларнинг муомалага қўриб қўшиши билан белгиланади. Амалиётда қўпроқ учрайдиган ҳол бу оборотда хужалиққа керак бўлгавидан қўпроқ пулнинг бўлишидир. Бу албатта, пулнинг қадрсизланишига - пул бирилигининг қарид қобилиятининг қўшушига олиб қелади.

§7 Пул массаси ва пул айланиш тезлиги.

Пул муомаласининг муҳим қўрсатқичи бўлиб пул массаси ҳисобланади. Пул массаси хужалиқ оборотидаги нақд пуллик ҳисоб-қитобларни аҳоли, қорхоналар, давлат ташқилот, муассасаларига тегишли қарид ва тулов воситаларининг ялпи ҳажминини узида ифодалайди.

Пул муомаласининг белгиланган муддат ва белгиланган давр учун миқдорий узқаришларини қилиш учун, шунингдек пул массаси ҳажми ва усиш суъратларини тартибга

солиш буйича тадбирларни ишлаб чиқариш учун турли хил курсаткичлар (пул агрегатлари) дан фойдаланилади.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг молия статистикасида пул массасини аниқлашда куйидаги асосий пул агрегатлари тупламидан (гуруҳидан) фойдаланилади:

М-1 агрегати - муомаладаги нақд пуллар (банкноталар, тангалар) ва жорий банк счётларидаги маблағларни уз ичига олади;

М-2 агрегати - М-1 агрегати ва тиясорат банкларидаги муддатли ва жамгарма куйилмаларидан (турт йилгача) таркиб топган;

М-3 агрегати - уз ичига М-2 агрегати ва ихтисослашган кредит муассасаларидаги жамгарма куйилмаларини киритган;

М-4 агрегати - М-3 агрегати ҳамда йиллик тиясорий банкларининг депозитли сертификатларидан иборат.

А1дШ да пул массасини аниқлаш учун 4та пул агрегати, Япония йй Германияда - 3та, Англия ва Францияда - иккита пул агрегатидан фойдаланилади.

Пул массаси таркиби ва динамикасини тахлил қилиш Марказий банк томонидан турри пул-кредит сиёсати олиб боришда муҳим аҳамият қасб этади.

Россия Федерацияда муомаладаги жами пул массаси ҳисоб-китоби учун куйидаги пул агрегатлари қулланилади.

М-0 агрегати - нақд пуллар;

М-1 агрегати - М-0 агрегати ва ҳисоб-китоб, жорий ва бопҳа счётлар (махсус счётлар, капитал куйилмалар счётлари, аккредитив ва чек счётлари, маҳаллий бюджет счётлари, бюджет, қасаба, уюшмалари жамоат ва бошқаташқилотларнинг счётлари, давлат сугурта маблағлари, узок муддатга кредитлаш фонди) даги маблағлар тижорат банкларига куйилмалар ва жамгарма банкларидаги талаб қилиб олинadиган депозитларнинг йигиндисига тест",

М-2 агрегати - М-1 агрегати ва жамгарма банкларидаги муддатли куйилмалардан иборат;

М-3 агрегати - -М-2 агрегати ҳамда депозитли сертификатлар ва давлат заём облигациялари йигиндисидан иборат.

Пул массаси таркибини унинг ҳаракатига қараб иккига бўлиш мумкин, яъни пул массасининг актив қисми - бу пул мабларлариниет хужалик фаолиятидаги турли хил шаклдаги ҳисоб-китобларни олиб бориш билан бог-лик қисми, ва иккинчиси пассив қиём - жамгармадаги пуллар ва счётлардаги қолдиқлар ҳисобланади.

Пул массаси нақд пуллардан ташқари муддатли счётдаги маблағ ва жамгармаларни, депозит сертификатлари, инвестицией фондларнинг акцияларини уз ичига олади. Пул' массаси ”эднғ юқоридаги элементлари “қвази”

- қарийб пуллар деб ҳам юритилади. Қвази - пуллар ликвид активлар бўлиб, улар тез орада пулга айланиши мумкин.

Ўзбекистонда пул **массаси** куйидаги таркибий қисмлардан иборат.

Мо - нақд пуллар;

Мi - MQ + счётлардаги пул қолдиғи + маҳаллий бюджет маблағлари +

*

бюджет, жамоа ва бошқа ташқилот маблағлари;

М2 -М1 + **Ҳалқ, банкидаги** муддатли **жамгармалар**;

Мз - М2 + сертификатлар + мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + ҳазина мажбуриятлари.

Пул агрегатлари М1 ва М2 нинг бир-биридан фарқи М2 нинг Ыз таркибига яқин орада пулга айланиши мумкин бўлган “қвази” - қарийб пулларни олишдадир.

"Ўзбекистонда охириги йилларда пул агрегатлари ҳисоб қилинадиган бўлди.

1995 йилда номинал пул массаси М2 пул массасининг 1994 йилдаги узиш даражасидан 1,5 марта кам булган. Марказий банк томонидан инфляцияга карши олиб борилаётган чора - тадбирлар натижасида пул массасини узиш суръатлари кискариб бормокда. 1996 йилнинг биринчи яримида пулмассасининг узиши 1995 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 7,6% ҳисобида ва 1994 йил даражасидан 2 барабарга кам булган.⁵

1996 йил бошида муомалага нақд пул чиқариш ҳажми 1995 йилдаги 20,7% урнига 15,8% ни ташкил қилган.

Пул массасининг турли хил курсаткичларини ишлатиш пул муомаласи ҳолатини таҳлил қилишга турли томонлардан ёндашишга имкон беради.

Мамлакат миқёсида пул массаси ҳажмининг узғариши муомаладаги пул массасининг узғариши натижаси, ва пулнинг айланиш тезлашганлиги натижаси булиши мумкин.

Пулнинг айланиш тезлиги - пул муомала воситаси ва тулов воситаси сифатида амал қилгандаги унинг ҳаракат курсаткичидир. Уни миқдори ҳисоблаш қийин, шунинг учун уни ҳисоб-китоб қилишда билвосита маълумотлардан фойдаланилади.

Саноати ривомсланган мамлакатларда асосан пул айланиш тезлиги узишининг икки курсаткичи ҳисобланади:

- даромадлар айланма оборотида пулнинг муомалада булиш тезлиги курсаткичи. Бу курсаткич ялпи миллий маҳсулот (ямм) ёки миллий даромаднинг пул массасига, аниқроғи М-1 ёки М-2 пул агрегатида нисбати билан аниқланади. Бу курсаткич пул муомаласи ва иқтисодий ривожланиш жараёни орасидаги узаро алоқадорликни курсатади;
- тулов оборотида пулнинг айланувчанлик курсаткичи. Бу курсаткич жорий банк счётлари бўйича утқазилган мабларлар йигиндисининг пул массаси уртача қийматига нисбати сифатида аниқланади.

Пулнинг айланиш тезлигининг узғариши умумиқтисодий (иқтисодиётнинг циклик ривожланиши, иқтисодий узиш, нархлар суръатлари), ҳам туда монетар (тулов обороти таркиби, кредит операциялари ва узаро ҳисоб-китобларнинг ривожланиши, пул бозорида фоиз ставкаларнинг даражаси ва ҳ. к. лар) омилларига боғлиқ.

Пул айланишининг тезлашувига металл пулларнинг кредит пуллар билан алмаштирилиши, узаро ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланиши, банклар ишига ЭҲМ нинг қиритилиши, пуллик ҳисоб-китобларда электрон воситаларининг ишлатилиши ёрдам беради.

Пул қадрсизланган ҳолларда истеъмолчилар пулларининг • тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун товарлар қупрок; харид қиладилар. Бу эса пул айланишини тезлаштиради. Бошқа курсаткичлар узгармас булганида пул айланишининг тезлашиши пу. " массаси ошишини билдиради ва инфляцияга олиб келуёти бир омил сифатиде майдонга чиқади.

§8 Пул муомаласини тартибга солиш усуллари.

Ҳар давлатда пул муомаласи маълум қонун қоидалар асосида тартибга солиб турилади.

Олдинги марказлашган, режали бошқарувга асосланган иқтисодий тизимда пул муомаласи режалаштириш асосида бошқариб қелинган. Аҳолининг даромади ва ҳаражатларини давлат томонидан мувофиқлаштириб турилган. Товар ишлаб чиқаришни қенгайтириш, аҳолига кредитга товар бериш, баҳолар тизимини узгартириб туриш ва ҳақозолар. Барча жараёнлар давлат томонидан бошқарилгани учун пул муомаласи қону ни бузилганда давлат уз вақолати ;оирасида нархларни узгартириш йули билан, пул реформаси билан пул уомаласини тартибга солиб қелган.

Бозор иқтисоди шароитида пул муомаласи маълум усуллар ёрдамида 5тибга солиб турилади.

Бизнинг давлатимизда пул муомаласини тартибга солишда Ўзбекистон тубликаси Марказий банки қуйидаги усуллардан фойдаланади.

1. Мажбурий резерв ставкаси нормасини белгилаш.

2. Тижорат банкларини очик бозорда қатнашиши.

3. Марказлашган кредитлар учуя кайта молиялаштириш ставкасини урнатиш.

Ҳозир купгина давлатларда пул муомаласини тартибга солишда очик бозорда операциялар утказиш усулидан фойдаланилмоқда.

Ёу ҳозирги куп кулланадиган монетар сиёсатнинг бир усули ҳисобланади. Бу усул тижорат банкларининг ликвидлик даражасига тезда таъсир утказа оладиган эшилувчан (мосланувчан), амалий ва оператив усул ҳисобланади. Бу усулни бошқаларидан фарқи шундаки, уни заруриятга қараб ва ҳоҳлаган миқдорда утказиш мумкин. Бу механизм бозорни ривожланиш тенденциясига қараб пул муомаласини барқарорлаштириши мумкин. Марказий Банкнинг очик бозорда операциялар утказиш ҳуқуқи қонунда белгиланган. Бунда олди - сотди объекти бўлиб давлат қийматбаҳо қозғалари ва Р арқазий Банк узи чиқарган қарз мажбуриятлари бўлиши мумкин. Ҳозиргача муомалада Марказий Банкнинг уч ой муддатда сундириладиган депозит сертификатлари юрган бўлса, 1996 йил март ойи охирида ГКО (қиска муддатл

и давлат облигациялари (К,МДО) чиқарилади. Бу тижорат банклари ва корхоналарининг маблағларини хавар-хатардан сақлаш ва даромад олиши имконини беради.

Давлат қийматбаҳо қозғалар бозори Ўзбекистон учун янги ҳодиса ҳисобланади. 1дМДО ни киритиш биринчидан, Молия вазирлигига Ў³ ясорий ҳаражатларининг бир қисмини инфляциядан ҳоли манба ҳисобидан қоплашга, иккинчидан, ҳужалик юритувчи субъектлар узларининг бўш маблағларини фойда олиш эвазига инвестиция қилиш мумкинлигига имконият яратди.

Хулоса.

Ушбу маърузада қозғал пулларнинг қелиб қиқишива моҳияти, қозғал пулларнинг муомила қонунлари ва қозғал пулларнинг функциялари, уларнинг қиймат қурсатқичлари. Қозғал пулларнинг қадрсизланиш сабаблари ва уни қелтириб қиқарувчи омиллар. Қредит пулларнинг қазонавий шакллариурганиб қиқилган. Пул тизими тушунқаси ва унинг элементлари. Пул тизимининг асосий типлари бўлган монометализм ва биметализмга таъриф берилган.

Таянч иборалар.

Қозғал пул, қредит пул, банкнота, тизим, монометализм, биметализм, инфляция.

Назорат саволлари.

1. Қозғал пулларнинг пайдо бўлиши?
2. Қозғал пулларнинг қиймат қурсатқичлари?
3. Қредит пулларнинг қайси қазонавий шакллари биласиз?
4. Пул тизимининг элементлари?
5. Монометализм ва биметализмга таъриф?

Асосий адабиётлар руйҳати:

1. Қаримов И.А “Ўзбекистон по пути углубления экономических реформ”-Т.:Ўзбекистон,1995.
2. Қаримов И.А. Стабильность и реформы: Статьи и выступления”-М.:Палей,1996
3. Закон Республики Узбекистан “О Центральном банке” .
4. Закон Республики Узбекистан “ О банках и банковской деятельности”.
5. Банковское дело. Под ред. проф. Колесникова В И. М., Финансы и ссатистика, 1995.
6. Банковское дело. Под ред. проф. Лаврушина О.И. М., Финансы и статистика, 1992.
- 7.

Қушимча адабиетлар руйҳати:

1. Қрис Дж. Барлтроп и Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. Том2. ИЭР ВБ вашингтон Д.С.

2. Операции коммерческих банков и зарубежный опыт. Ширинская Е.Б., Соколинская И.Э., М., Финансы и статистика. 1993.
3. Основы денежного обращения и кредита. Поляков В.П., Московкина Л.А., М, Инфра-М, 1995.
4. Дж К. Ван Хорн. “Основы управления финансами” –М.: “Финансы и статистика”, 1997.

Мавзу №7.Инфляция.

Режа:

1.Инфляциянинг моҳияти ва қуриниш шакллари, инфляция жараёни, қонуниятлари, инфляция турлари.

2.Инфляциянинг иқтисодга таъсири.

3.Пул ислохотлари, валютани барқарорлаштириш усуллари.

Асосий иборалар:

Инфляция, пул ислохотлари, девальвация, ревальвация, инкироз.

Инфляция латинча “inflatio” суздан олинган бўлиб “иш”, “буртиш”, “купчиш” деган маънони англатади. Бу суз XIX асрнинг урталаридан бошлаб иқтисодчилар томонидан иқтисодий термин сифатида ишлатилгунча қадар, у тиббиётда хавфли усма касалини ифодалашда қулланилган.

Тарих ҳақиқатда ҳам бу сузнинг ҳар томонлама хавфли эканлигини қурсатди. Чунки инфляция қандайдир алоҳида олинган бозорда товарлар ва хизматлар нархининг ўсишидангина иборат бўлмасдан, бу умумиқтисод учун хавфли ҳодисадир. Инфляция сузнинг иқтисодий ўғиртмаси - муомалада мавжуд бўлган товарлар ва уларнинг баҳосига нисбатан қуп пул чиқариш деган маънони англатади.

Иқтисодда инфляциянинг якуни товарлар баҳосининг ўсишига, қониктирилмаган, лекин қисман туланиши мумкин бўлган талабларнинг вужудга келишга олиб келади. Одатда инфляциянинг бу тури - классик инфляция деб юритилади. Инфляция сузи Пул муомаласи соҳасида АдШ нинг Шимолий ва Жанубий штатлари уртасида гражданилар уруши бўлганда муомалага жуда қуп миқдорда (450 млн. грин бек) қоз доллар чиқарилган вақтдан бошлаб қулланила бошлаган. Уларнинг сотиб олиш қобилияти икки йилдан кейин 5Q қозларгача тушиб қетган. Агар тарихга эътибор берадиган бўлсак, уруш ва бошқа офатлар сабабли давлат харажатларнинг ошиб қетиши, инфляция билан ўзвий қоглик. Масалан, Англияда қучли инфляция XIX асрнинг бошида Наполеон билан уруш даврида, Францияда - француз революцияси даврида, Россияда XIX асрнинг урталарида қомоён бўлган. Германияда жуда юқори суръатлардаги инфляция 1923 йилларда бўлиб, муомаладаги пул массаси 496 қвинтиллион қаркача етган ва пул қирлиги триллион қарта қадрсизланган. Бу тарихий миқоллар қурсатадики, инфляция ҳозирги давр жараёни бўлмасдан, тарихан мавжуд бўлган жараёндир.

Инфляция ва унинг қивожланиши алоҳида олинган мамлақатда маълум хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Ҳозирги давр инфляцияси, ўтган давр инфляциясидан қарқ қилувчи хусусиятларга эга. Олдинти инфляциялар вақтинчалик бўлиб, улар одатда уруш вақтида ҳарбий харажатларни қоплаш учун қоз пуллар чиқарилиши натижасида юзага қелган. Қирор қаромад олмасдан туриб, яъни ишлаб чиқариш ва товароқорот суръатларини оширмасдан, ёки бу қурсатқичлар қамайиб қетган қолда давлат томонидан бўладиган харажатларни қолиялаштиришнинг асосий йулларидан қири қоз пулларни муомалага қик;аришдан иборат бўлган. Натижада муомалага қикарилган пуллар, муомала учун зарур бўлган олтин миқдоридан ошиб қетган ва пулнинг қеал қиймати унинг қоминал қийматидан тушиб қетган, яъни, ҳақиқатда пул қирлиги ўзида қурсатилганидан қам олтин миқдорни ифода қила бошлаган.

Олдинги инфляцияларнинг яна қир хусусияти шундаки, улар маълум даврда қомоён бўлган. Ҳозирги давр инфляцияси эса одатда доимий (қроник) қарактерга эга бўлиб ҳужалик ҳаётининг қарча соҳаларини қамраб олиши билан, пул омилларидан ташқари бошқа иқтисодий

омилларга таъсир килиши билан фаркланади.

Охирги йилларда инфляция тез-тез учраб турадиган жараён булиб сифати ҳам узгариб бормокда. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги кунлардаги инфляция: биринчидан, узлуксиз баҳоларнинг ошишига; иккинчидан пул муомаласи конунининг бузилиши натижасида умумхужалик механизмининг ишдан чиқишига олиб келади. XX аср инфляциясининг асосий сабаби товар

камёблигигина булиб колрдасдан, ишлаб чиқариш ва кайта ишлаб чиқаришда кризислар мавжудлиги билан ифодаланадоқ; ҳозирги давр инфляцияси биринчидаш; пул талабининг товар таклифидан қошиши натижасида пул муомаласи конунининг бузилиши; иккинчидан; - ишлаб чиқаришга **кетадиган харажатлар салмогининг** ўсиши натижасида **товарлар** баҳосининг ошиши ва шу сабабли пул массасининг ортиб бориши билан ифодаланади.

Инфляциянинг асосий сабаби - бу халқ хужалигининг турли соҳалари уртасида вужудга келган номутаносибликдир. Бу аввалам бор жамгарма ва истеъмол уртасидасидаги, талаб ва таклиф, давлатнинг даромаддари ва харажатлари уртасидаги муомаладаги пул массаси ва хужаликларнинг нақд пулга булган талаби уртасидаги номутаносибликлардан иборатдир.

Инфляцияни юзага келтирувчи омилларга қараб унинг сабабларини ички ва ташқи сабабларга бўлиш мумкин.

Инфляциянинг ички омиллари монетар-пул сиёсати билан ва хужалқ фаолияти билан боғлиқ турларига бўлинади. Хужалиқ фаолияти билан боғлиқ омиллар бу хужалиқдаги ва иқтисоддаги мутаносибликнинг бузилиши, ишлаб чиқаришда яққа ҳукмронликка йўл қўйиш, иқтисоднинг циклик ривожланиши, инвестициялашда номутаносиблик, баҳоларни ташкил қилишда давлатнинг яққа ҳокимлиги, кредит сиёсатининг нотўғри олиб борилиши ва бошқалар ҳисобланса, пул билан боғлиқ омилларга давлат молияси соҳасидаги кризислар; давлат бюджетнинг дефицити, давлат қарзларининг ўсиши, пул эмиссияси, пул муомаласи конунининг бузилиши, кредитлашда автоматизмга йўл қўйиш за бошқалар қиради.

Инфляциянинг ташқи омилларига жаҳон иқтисодида булган кризислар, (ҳом-ашё, ёкилги, валюта бўйича) давлатнинг валюта сиёсати, давлатнинг бошқа давлатлар билан ташқи иқтисодий фаолияти, олтин ва валюта захиралари билан бўладиган ноқонуний операциялар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишида юзага келувчи диспропорциялар сабабли товарлар ва хизматлар баҳосини умумий ёки тўхтовсиз ўсиши ва натижада пул муомаласи қонуникинг бузилиши оқибатда пул бирилигининг қадрсизланишига инфляция деб айтилади. Инфляция қўйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Товар ва хизматлар баҳосининг узлуксиз ва тартибсиз ўсиб бориши натижасида пулнинг қадрсизланиши ва унинг сотиб олиш қобилиятининг тушиб бориши;
2. Чет эл валютасига нисбатан миллий валюта курсининг тушиб кетиши;
3. Миллий пул бирлигида олтин нархининг ошиб бориши ва бошқалар. Баъзи бир иқтисодчиларимизнинг фикрича инфляция - бу барча товарлар баҳоларининг ошишини билдирмайди. Инфляция жуда тез ўсган тақдирда ҳам айрим товарлар баҳоси барқарор булиб қолиши, бошқаларники тушиши ҳам мумкин экан. Бизнинг фикримизча, бундай ҳулосалар 70-80 йилларнинг инфляциясига мўлелиши мумкин.

Албатта, инфляция даврида баҳоларнинг ошиши доим бир хил суръатларда бўлмасдан, сакраб турадиган бўлиши мумкин. Лекин, баъзи товарлар баҳосининг тушиши ёки барқарор булиб туриши XX асрнинг инфляцияси учун мўлелиб қолган ишонч билан ўқитиш олмаймиз. Баъзида давлат аралашуви билан аҳоли истеъмоли учун зарур булган айрим бир товарлар баҳосининг маълум даврда барқарор ўшлаб туриш мумкин, аммо инфляциянинг қучайиб бориши шу товарлар баҳоларининг ҳам охир оқибатда ошишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, баҳолар ошиши тўғрисида гапирганда, инфляция даражасида баҳолар ошиши ва умуман баҳолар ошиши тушунчаларини тўғри талқин қила олиш керак. Масалан, ҳамма вақт

ҳам баъзи товарлар баҳосининг ошиши инфляцияни англатмаслиги мумкин. Товарлар баҳоси ошиши *инфляция* булмаган даврда, олтин пул муомаласи шароитида ҳам булиши мумкин.

Халқаро амалиётда бозорда товарлар **ва** хизматлар баҳосининг усиб боришига қараб инфляцияни бир неча турларга бўлиб қаралади:

- судралувчи инфляция. Баҳоларнинг уртача йилдик усиши 5-10% дан ошмайди. Инфляциянинг бу тури купрок ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, мамлакат иктисодий ривожланиш даражасига қараб баҳолар ошиши 3-4% атрофида ҳам булиши мумкин. Бу инфляция аксинча ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни рағбатлантирувчи омил сифатида намоён булиши мумкин. Пулнинг қиймати барқарорлигидаги узғариш сезилмаслиги мумкин.
- шиддатли инфляция. Баҳоларнинг уртайиллик усиши **10-100% (баъзида 200% гача)** булиши мумкин. Инфляциянинг бу тури ривожланаётган мамлакатларда купрок учрайди.
- гиперинфляция. Баҳоларнинг усиш суръатлари йилига 200% дан ошиб кетади. Бу инфляция мамлакатлар иктисодий ривожланишининг инкирозли даврига мўл келади ва у иктисодиёт таркибий қисмларининг узғариши билан боғлиқ. Ҳозирги даврда ХВФ баҳолар ойига 50% дан ошган вақтда бу гиперинфляция деб қабул қилган. Гиперинфляция даврида баҳолар кун сайин ошиб боради ва баҳолар билан иш ҳақи уртасидаги фарқ жуда юқори бўлади. Аҳолининг яшаш шароити қийинлашади, корхоналар фаолияти ёмонлашади. Хужалиқ фаолияти, бозор фаолиятида натураллаштириш авж олади.

Инфляциянинг келиб чиқиш сабабларига қараб унинг икки *тоифасини* курсатиш мумкин: талаб инфляцияси ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ инфляция (таклиф инфляцияси).

Талаб инфляцияси. Инфляциянинг бу анъанавий тури талаб ошиб кетганда юзага келади. Ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг талабини тула қондира олмайди, таклифга нисбатан талаб ошиб кетади. Натижада товарлар баҳоси усади. Кам миқдордаги товарларга қуп пул массаси тугри келади.

Талаб инфляциянинг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат.

а) ҳарбий харажатларнинг усиши ва иктисоднинг милитарлашуви.

Ҳарбий техника сотиб олиш ва бошқа ҳарбий харажатларни қоплаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар муомалага қарагидан ортиқча пул чиқаришнинг омили ҳисобланади.

б) давлат қарзларнинг усиши ва бюджет дефицитининг мавжудлиги.

Бюджет дефицити одатда заёмлар чиқариш *ёки банкноталар эмиссия* қилиш йули билан қопланади. Бу уз навбатида қушимча муомала воситалари булишига, қушимча талаб юзага келишига олиб келади. Ўзбекистонда бюджет дефицитини қоплаш юқорилардагидан ташқари 1996 йилдан бошлаб давлат қиска муддатли мажбуриятларини (Д1дМ) сотиш орқали ҳам қопланмоқда.

в) Халқ хужалигига ортиқча кредитлар бериш натижасида муомалада кредит билан борлиқ муомала воситалари юзага келади. Булар товар ва хизматларга бўлган талабни оширади.

г) Чет эл валютасининг мамлакатга қириб келиши ва унинг миллий валютага алмашинуви натижасида, муомалада пул массаси ортиб боради, миллий пулга нисбатан чет эл валютанинг қадри ошади.

д) Халқ хужалигининг етакчи тармоқларини қарагидан ортиқча инвестициялг ҳам оборотга қушимча пул эквивалентларини чиқаришига олиб келади. Ц

Шундай қилиб, талаб инфляцияси умумий талабнинг усиши натижасида

' • "д-баҳолар усиши билан намоён бўлади.

•"

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ (таклиф) инфляцияси.

д Бу инфляциянинг сабаблари

қуйидагилар булиши мумкин:

а) ҳар хил жараёнлар ва таркибий узғаришлар туфайли меҳнат унумдорлигининг пасайиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ошади. Умуман халқ хужалиги

буйича ишлаб чиқариш ҳажми, бинобарин, товарлар буйича таклиф кискаради ва товарлар баҳоси ошади. Корхоналарнинг фойда ҳажми кискаради.

б) ҳар хил янги хизмат турлари пайдо булади ишлаб чиқаришга нисбатан кам меҳнат унумдорлигида юқори иш ҳаки олишга имконият тугилади. Натижада товар ва хизматларга булган **баҳо** ошиб боради,

в) аҳолини социал жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида иш ҳакининг ошиши, товарлар баҳосининг ошишига олиб келади ва яна иш ҳаки ошади. ва ҳ.к. бу занжир узлуксиз давом килиш мумкин.

Р1нфляцияда нафакат чакана баҳо, балки улгуржи баҳо ҳам ошиб боради. Парб мамлакатларида инфляциянинг асосий курсаткичи килиб чакана баҳоларнинг узгариши (ошиши) қабул килинган. Агар маълум даврда баҳолар икки марта ошса, пул ҳам икки марта кадрсизланган деб ҳисобланади.

Чакана баҳолар усишини ҳисоблаш махсус давлат органлари томонидан аникланадиган баҳолар индексига асосланади. Баҳолар индексини ҳисоблашнинг бошлангич нуқтаси килиб (юз фоиз деб) базис йили олинади ва жорий йилда баҳолар узгариши, уртача йиллик усиши суръати ҳисобланиши мумкин.

Баҳолар индекси бу жорий йилдаги товарлар ва хизматлар баҳоси йигиндиси, яъни, товарлар бозор савати баҳосининг шу товар ва хизматларнинг базис йилдаги умумий баҳоси, яъни бозор савати баҳосига нисбати сифатида аникланиши мумкин. Юқоридаги фикрни куйидаги формула орқали ифода килиш мумкин.

жорий (1997) йилда жорий (1997) йилда бозор савати баҳоси $\times 100$

баҳолар индекси базис йилда айнан бозор сават баҳоси

(масалан 1990 йил)

S

Баҳолар индексини ҳисоблашда истеъмол товарлар баҳосининг индекси ? катта аҳамиятга эга. Баҳолар индекси турли усулларда баҳолар даражасини д солиштиришга имкон беради. Жорий йилдаги баҳолар индексининг базис йилдаги баҳолар индексига нисбатан ошиши - инфляция - “Баҳолар даражасининг ошиши” дан, баҳолар индексининг камайиши-дефляция-“Баҳолар даражасининг камайиши” дан далолат беради.

Айталик , базис давр 1990 йил булсин (Баҳолар даражаси 100% деб оламиз) ва 1997 йилда баҳо даражаси 350. Демак 1990 - 1997 йилларда баҳолар 3,50 марта ёки 250% га ошган, ёки 1990 йилда бирор товар 100 сум турган булса, 1997 йилда шу тоавар 350 сум туради.

Истеъмол товарлар баҳоси индексидан ташқари баъзи гуруҳ товарлар ва хизматлар масалан, кипим, оёк кийимлар, транспорт, уй жой хизматлари ва бопҳалар буйича баҳолар индексларини ҳисоблаш мумкин.

Баҳолар индексига асосланиб инфляция суръатларини аниклаш мумкин. Бунинг учун жорий йил баҳолар индексидан базис давр баҳолар индексини чегириб, базис давр баҳолар индексига буламиз. Масалан, 1990 йилда истеъмол товарларнинг баҳо индекси 110, 1997 йилда 140 булса, 1997 йилда инфляция суръти куйидагича аникланади:

Инфляция 140-110

$$== \frac{140 - 110}{110} \times 100 = 27,27\%$$

суръати 110

Демак, 1997 йилда инфляциянинг усиш суръатлари тахминан 27,3% тенг булади.

Инфляциянинг усиш суръатлари тугрисида гапирганда, унинг ривожланишини сон жиҳатдан аникланишнинг бошка йули ҳам мавжуд. Бунинг усул “70 лар коидаси” деб аталади. Агар ҳар йили инфляция даражаси маълум булса, баҳолар икки карра ошиши учун неча йил керак эканлигини аниклаш мумкин. Бунинг учун “70” ни ҳар йилги инфляция даражасига булиш керак. Масалан, инфляциянинг ҳар йиллик даражаси 5% булса, баҳолар даражаси 14 йилдан кейин, икки карра ошиши керак. Агар ҳар йиллик инфляцияси даражаси 20% булса, баҳолар даражаси 3 йилдан кейин икки карра ошиши керак.Шуни таъкидлаш керакки, бу усул ҳамма вақт ҳам, масалан, инфляциянинг усиши суръатлари юқори, (ҳар куни, ойда узгариб

борадиган) булса, кулай ҳисобланмайди “70 лар коидаси” аҳоли жамғармаларининг, реал ёки миллий маҳсулот ҳажмининг икки марта ошиши учун неча йил керак эканлигини тутри аниқлаб беришга имкон беради.

Пулнинг кадрсизланиш даражаси алоҳида олинган мамлакатда ҳар хил булиши мумкин. Инфляция даражаси ривожланган мамлакатларда пастрок; ва у тез утиши, иктисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларда унинг даражаси юкори, сурункали ва “даволаш” ҳам купрок вақт талаб килиши мумкин. Масалан, 1971 - 1984 йилларда баҳолар усиши суръатларни оладиган булсак, у ривожланган мамлакатларда 4,9% дан (Германия), 71% (Жазоир) гача булса, ривожланаётган мамлакатларда 8,5% дан (Хиндистон), 153% га (Аргентина) етган. Инфляциянинг намоён булиши ҳар бир мамлакат иктисодининг ривожланиш даражасига, миллий хужалик фаолиятига ва хусусиятига, миллий анъналарига, минтакавий, иктисодий ва сиёсий ривожланиш хусусиятларига боглик.

Ривожланган мамлакатларда инфляциянинг шароит ва омиллари ҳар хиллигини ҳисобга олиб уни куйидаги гуруҳларга булиш мумкин.

Биринчи гуруҳга ривожланаётган Лотин Америка мамлакатлари -Аргентина, Бразилия, Перу кабилар киради. Бу давлатларга сурункали давлат бюджета дефицити, иктисодий мувозанатнинг йуклиги асосий ва оборот фондлар кийматининг доимо индексация килиниши, миллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан тушиб бориши пул кадрсизланишининг омиллари ҳисобланади.

Бу мамлакатларда сурункали бюджет дефицитини эмиссия йули билан молиялаштириш натижасида йиллик пул кадрсизланиши бир неча минг фоизга етиши кузатилган.

Аргентина, Чили каби мамлакатларда инфляция пул кадрини емириб ташлаши натижасида оддий бирор товарни сотиб олиш учун бир кеча миллион пул бирлиги зарур булган.

1983 йилда июнгача, яъни муомалада эски песо булганда Аргентинада бир жуфт туфли етти миллион песо, енгил машина сотиб олиш учун бир неча миллиард песо керак булган. Бу ҳол ҳисоб-китобларни олиб боришда, пул муомаласида жуда катта кийинчи.-тек тугдирган. Бир неча **марта** утказилган деноминациялар пул кадрсизланишини тухтатишга асос була олмаган. Лотин Америкаси мамлакатларида булган инфляция дараяасини баҳолар индексдан ҳам куриш мумкин. Бу мамлакатларда баҳолар индекслари бир неча сонлардан иборат булган. Масалан, Чилида 1971-1984 йилларда баҳодар индекси 842162 ёки бу курсаткич шу йилларда баҳолар 8,4 минг марта ошганинк, Аргентина учун шу индекс 436432250, бу баҳолар 436 минг марта ошганини билдиради. Юкоридаги жадвал маълумотлари курсатиб турибдики, 1990 иилда Никарагуада товарлар баҳоси 8500%, Перуда - 8291,5%, Бразилияда - 2359,9% га ошган.

Иккинчи гуруҳ мамлакатлар: Колумбия, Эквадор, Венесуэла, Эрон, Сурия каби мамлакатларда ҳам иктисодий мувозанатнинг йуклиги, молиявий сиёсатдаги камчиликлар - дефицитни молиялаштириш, халк-хужалигига КУП кредитлар ажратиш инфляцияни булишини таъминламокда. Бу мамлакатларда инфляция шиддатли характерга эга булиб, баҳоларнинг йиллик усиши 30-40%. атрофида, баъзида ундан юкори булади. Инфляция суръатига караб жамрармалар, туловлар буйича индексация **утказиб** борилади, ишсизлик ошиб бормокда. Учинчи гуруҳга: Хиндиетон, Индонезия, Пакистон, Таиланд, Филиппинлар каби мамлакатлар киради. Бу мамлакатларда чекланган иктисодий мувозанат мавжуд будиб, экспортдан валюта тушуми анча юкори. Йиллик инфляция суръати 5-20% атрофида ва кisman индексация утказилиб турилади.

Туртинчи гуруҳ давлатлар - Сингапур, Малайзия, Жанубий Корея, Бахрейн, Арабистонда - иктисодий мувозанатнинг мавжудлиги, инфляция суръатаарининг сустлигини курсатади. Бу мамлакатлардаги инфляция 2-6% ташкил килади **ва** уни судралувчи инфляция деб карат мумкин. Бу мамлакатларда товарлар ва хизматлар баҳоси ошиши устидан каттик назорат олиб борилди. Ишсизлик бошка мамлакатларга нисбатан кам, иктисоди ривожланган

бозор шароитида бошқарилади. Экспорт ҳажми ва чет эл валютаси тушумининг юқорилиги, инфляциянинг олдини олишда катта роль уйнайдиган омил ҳисобланади.

Ўзбекистондаги инфляция бу мураккаб Ўзбекистон заминида вужудга келган инфляция эмас. Тарихан бу инфляция собик СССР да юзага келган. Бу инфляциянинг умумий иқтисодий сабаби давлат бошқарувида иқтисодга нисбатан сиёсатга куп эътибор берганидир. Натижада ишлаб чиқариш сурътлари тушиб кетди. Товар камёблиги яширин жараён бўлиб, товарларни ишлаб чиқариш учун куп харажат килинсада (хом-ашёларнинг нархи юқорилиги туфайли) товарлар паст баҳода сотилган. Фарқ давлат бюджетидан коплана борган. 1992 йилнинг бошидан эркин баҳоларга ўтиш натижасида (озик; овқат ва ёқилғи ресурслардан ташқари) инфляция юзага отилиб чиқди ва тез суръатлар билан ривожланиб кетди.

Шу туфайли Ўзбекистондаги инфляция собик СССР даврида юзага келган инфляциянинг қолдигидир ва уни даволаш узок вақтни талаб қилади. Собик СССР да, жумладан Ўзбекистонда 90 - йиллардаги инфляциясининг асосий сабаблари - иқтисодий мувозанатнинг йуклиги, ишлаб чиқариш суръатларининг тушиб кетиши натижасида режали иқтисодиётдаги инкироз;

-махсулотлар сифатининг, меҳнат унумдорлигининг пастлиги;

-ишлаб чиқаришда харажатлар салмогининг ошиб кетиши, беҳуда сарфлар, иқтисод принципларига риоя қилмаслик ва бошқалар ҳисобланади..

Ундан ташқари ривожланган бозор шароитига ўтмасдан туриб баҳоларнинг эркинлашуви, товар массаси ўстидан баъзи бўлимларининг яқка ҳукмронлик ўрнатиши, баҳоларни хоҳлагача бошқариш, кредит, молия сиёсатларининг нотўғри одиб бориш, иқтисоднинг “долларлашуви”, “рубль зона” сининг емирилиши, валюта тушумлари ва миллий бойликнинг четга оқиб кетиши ва бошқалар инфляция жараёнининг яна ривожланишига олиб келган.

Инфляция жамиятнинг ривожланишига салбий таъсир қўрсади. 1. Мамлакат иқтисодий аҳволини танг қолга олиб келади:

-ишлаб чиқариш ҳажми тушиб кетади баҳоларнинг ошиб бориши ишлаб чиқариш истикболларига тўғноқ бўлади.

-капиталнинг асосий қисми ишлаб чиқаришдан савдо (муомала) соҳасига, воситачилик соҳасига оқиб ўтади. Чунки ишлаб чиқаришдан қўра савдо соҳасидаги капитал тезроқ ва купроқ фойда қўлтиради;

баҳоларнинг ўзгариб туриши олиб-сотарликни ривожлантиради, арзон вақтида олиб, қиммат бўлганда сотиш жараёни, товар захираларини яшириш жараёнлари авж олади;

-кредит бериш жараёнлари чекланган бўлади. *Тўғри* олувчилар қўпаяди-ю, қарз берувчилар сони қисқаради, чунки қарз берган ютқазиши мумкин;

-давлатнинг молия ресурслари қадрсизланади ва ҳ.к. 2. Аҳолининг қам қаромад олувчи қисмининг социал жиҳатдан аҳволи ёмонлашади. Уларнинг реал қаромадлари қамаяди. Номинал қаромаднинг баҳолар ўсишидан тушиб кетиши натижасида аҳолининг ҳаёт қаражаси қамаяди. Айниқса, нафақа, давлат ташкилотларидан маош олувчиларнинг аҳволи қийинлашиши мумкин. Инфляция аҳоли қамқармаларининг қадрсизланишига олиб келади. Баъзида инфляция аҳоли баъзи қатламларининг (савдо-сотиқ соҳасида) бойлишига олиб келади.

Давлат аҳолининг қаромадлар қаражасини тенглаштириш мақсадида қаромад ва солиқларни индексация қилиб қаради.

Инфляциянинг ҳар томонлама авж олиб кетиши мамлакатда социал ва иқтисодий жиҳатдан қарама қаршилиқлар юзага қилишига олиб келади. Шунинг учун давлат инфляциянинг олдини олиш, пул муомаласини барқарорлаштириш чора - тадбирлари ишлаб чиқади. Инфляцияга қарши қўрашнинг асосий шакллари: пул ислоҳоти ва инфляцияга қарши сиёсат ҳисобланади.

Пул ислоҳоти деб пул муомаласини барқарорлаштириш мақсадида давлат томонидан пул тизимини ўзгартиришга айтилади. Пул ислоҳоти металл пул муомаласи даврида, иккинчи

жахон урушидан кейин - олтин девиз, олтин доллар муомаласи даврида утказилди.

Собик СССРда пул ислоҳоти 1922 - 24 йилларда, 1947 йилларда утказилди.

Ўзбекистонда пул ислоҳоти 1994 йилда утказилди ва республика мустақил давлат сифатида узининг миллий пул бирлигига эга булди.

Пул муомаласини баркарорлаштиришга пул ислоҳотини утказмасдан ҳам эришиш мумкин. Пул муомаласини баркарорлаштиришнинг куйидаги усуллари мавжуд: ревальвация, девальвация, деноминация. Мамлакатнинг иктисодий ривожланиш даражасига, иктисодиётнинг ҳолатига, пулнинг кадрсизланиш даражасига, давлат сиёсатига караб давлат пул ислоҳотини утказиши, пулни ревальвация, деноминация килиши мумкин.

Пул кучли кадрсизланган шароитида факат пул ислоҳотини утказиш йули билан пул тизимини баркарорлаштириш мумкин. Пул ислоҳоти, яъни нулфикация да кучли кадрсизланган пул бирлиги бекор килинади ва урнига янги пул бирлиги киритилади. Масалан, Собик СССРда -1922-24 йилларда совзнакларнинг кучли кадрсизланиши натижасида 1 рубл 50 млрд. совзнакга алмаштирилган. Урушдан кейинги Гермаияда гиперинфляция натижасида 1924 йилда муомалага янги немис маркалари киритилган. Эски рейхсмаркалар кучли кадрсизланиши натижасида муомалага чиқарилган янги маркалар 1 марка : 1 триллион эски рейхсмарка нисбатида алмаштирилди. Рейхсмаркалар муомаласи бекор килинди.

Ревальвация - бу пул бирлигининг олтин кийматини тиклашдан иборат. Масалан, биринчи жаҳон урушидан кейин 1925-1928 йилларда утказилган пул ислоҳоти туфайли фунт стерлингнинг урушгача булган олтин киймати белгиланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ревальвация натижасида долларнинг валюта курси кутарилди. Германия Федератив Республикасида 1961, 1969, 1971 йилларда ревальвация утказилган.

Девальвация- бу милдий *валюта* курсининг чет эл валютасига нисбатан тушишидир. Пул бирлигининг олтин миқдори белгиланган шароитда девальвация пулниинг олтин миқдорининг тушиб кетишини аниқлаган. Масалан, 1971 йилда АБ;Ш долларининг олтин миқдори 7,89 % га , февраль 1973 йилда 10% га камайтирилган. Сузувчи валюта курсларига утгандан кейин девальвация бошқариладиган валюта курслари асосида олиб борилади.

Деноминация - баҳолар масштабни йириклаштириш, яъни пул бирлигидаги “О” ларни кискартиришдан, пул бирлигида курсатилган номинални камайтиришдан иборат. Совет пул тизими қарор топа бошлаган давр - 1921 -1922 йилларда икки марта деноминация утказилган. Биринчи деноминацияда муомалага “1922 йил пул бирликлари” чиқарилган ва улар олдинги пул бирликларига 1000 : 1 нисбатда алмаштирилган. Иккинчи деноминацияда муомалага “1923 йил пул бирлиги” чиқарилган ва 1922 йил пул бирлигига” 100 : 1 нисбатда алмаштирилган. Пул деноминацияси инфляция суръатлари паст булган шароитда қулай булиши мумкин. Агар инфляция суръатлари юқори булса, деноминация утказиш ҳеч қандай самара бермаслиги мумкин-Факат пул ислоҳотини утказиш йули билан пул тизимини баркарорлаштириш мумкин булади.

Пул ислоҳотини утказиш қуйидаги йулар билан амалга оширилиши мумкин.:

Муомаладаги пул массасини камайтириш мақсадида, дефляция курси бўйича и пулларни янги пулларга алмаштириш:

аҳоли ва қорхоналарнинг банклардаги жамғармаларини вақтинча (тулик i қисман) ҳаракатсиз ушлаб туриш (қотириб қуйиш):

[ққала усулни биргаликда қуллаш йули орқали пул ислоҳотини утказиш: бу ул халқаро амалиётда “шок йули” билан даволаш номи билан машҳурдир. f усул 1948 йилда Ғарбий Германияда ҳарбий давлат бошқарувидан бозор стисодиға утишда қулланилган. “Шок йули” билан даволашда иш ҳақини улашни тухтатиб қуйиш, ишлаб чиқаришни кискартириш , пул ислоҳотини тказиш, иш уринларини кискартириш каби каттик қоралар қулланилиши мумкин. Масалан, Ғарбий Германияда 1948 йилнинг июнь ойида утказилган пул 'Еслоҳ.атида аҳолининг нақд пуллари ва жамғармалари 6,5 янги немец марксига 100 эски рейхсмарка қилиб алмаштирилди. Аҳолининг пул жамғармаларини тулаш вақтинча тухтатилган, кейинчалик факат 30 фоиз атрофида туланган ва ҳар бир кишиға 60 немец маркаси миқдорида

нафака ажратилган. Натижада давлатнинг рейхе маркасидаги карзи, мамлакатда бу,тган дисбаланс тугатилган ва шу йул билан инфляциянинг усиш темплари тухтатилган.“Шок йули” билан даволаш Японияда 1949-50 йилларда утказилган ва у “Додж режаси” деган номни олган.Бу режага асосан Японияда инфляцияга карши жуда каттик чора-тадбирлар амалга оширилган.Эркин баҳога утиш билан бир вақтнинг узида ер ислодоти утказилди, бюджет камомadini йукотиш йуллари ишлаб чикилди. Японияда мавжуд зарар билан ишловчи корхоналарга давлат томонидан бериладиган субсидия бекор килинди, корхона, ташкилотларга кредит бериш шартлари мукамаллаштирилди, аҳоли жамгармалари ишлатилмасдан котириб куйилди.Иқтисодни “шок йули” билан даволаш Шаркий Европа мамлакатлари -Югославия, Польша каби мамлакатларда ҳам кулланилган. “Шок йули” билан даволаш иқтисодий сиёсати 1989 йилнинг охириларида Польшада кулланилган бўлиб, иш ҳақи вақтинчалик котириб куйилган ҳолда, баҳолар эркинлаштирилган. Натижада 1990 йилнинг бошларига келиб Польшада товарлар мул-кулчилиги вужудга келиб бошлади ва товарлар баҳосининг бир неча барабор ошиши натижасида инфляция суратлари секинлашишига эришилди. Польшада бу иқтисодий тадбирнинг утказилиши аҳолининг яшаҳ шароитини анча кийинлаштирди ва ишсизлар сонини купаитирди.

Адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А.“Узбекистан по пути углубления экономических реформ”-Т.:Узбекистан,1995.
2. Каримов И.А. Стабильность и реформы: Статьи и выступления”-М.:Палей,1996
3. Закон Республики Узбекистан “О Центральном банке” .
4. Закон Республики Узбекистан “ О банках и банковской деятельности”.
5. Инструкции Центрального банка и коммерческих банков республики.
6. Коммерческие банки. Рид Э., Каттер Р., Тилл Э., Смит Р. М., Прогресс. 1992.
- 7.

Мавзу №8.Халқаро валюта,хисоб ва кредит муносабатлари. Валюта тизими

Режа:

- 1.Халқаро валюта тизими тушунчаси ва элементлари.
- 2.Халқаро хисоб-китоблар.
- 3.Халқаро хисобларнинг кредит курулларини тавсифи.
- 4.Тулов баланси ва унинг таркибий қисмлари тавсифи.
5. Халқаро кредитлар. Хозирги пайтда халқаро кредитнинг хусусиятлари.

Асосий иборалар:

Халқаро валюта, халқаро хисоб-китоблар, халқаро кредит, тулов баланси, валюта тизимлари.

Бозор иқтисоди шароитида тижорат банклари нафакат мамлакат ичкарисида, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам турли хил операцияларни олиб борадилар. Тижорат банкларининг бошқа мамлакатлар билан олиб боровчи операциялари уларнинг халқаро операциялари деб юритилади.Тижорат банкларининг халқаро операциялари уз ичига халқаро савдода иштирок килувчилар уртасидаги муносабатларни, ссуда капитални бозорида инвестиция фаолиятини юритувчи, туризм, хорижий кимматбаҳо коғозларни сотиб олиш ва сотиш, валютани айирбошлаши чек, ведс&л, инкассация учун банк акцептларини қабул қилиш билан шугулланувчи миқозлар томонидан талаб қилинадиган хизматларни уз ичига олади.

Халқаро операциялардан банкка тушадиган даромаднинг энг асосий қисмини кредит беришдан тушадиган *даромадлар* ташкил қилади. Халқаро савдони банк томонидан кредитлаш товар ва товар хужжатларини гаровга олиш асосида кредит бериш, вексель - буйича ва акцепт кредитларни, банк ссудаларини бериш шаклида амалга оширилади. Ташки савдони кредитлашнинг *янги* шаклларига лизинг, факторинг ва форфетирлат қабиларни қиритиш

мумкин. Урта ва узок муддатли халкаро банк кредитлари евро-кредит шаклида ҳам берилади.

Банкларнинг халкаро операцияларининг яна бир тури бу банкяарнинг валюта операциялари хисобланади. Банкнинг бир валютани бошка валютага алмаштириш билан боглик халкаро операциялари валюта операциялари дейилади. Уларни амалга ошириш зарурияти мавжудлигининг асосий сабаби халкаро савдо, халкаро кредит ва хизматлар буйд-гча хисоблашишларда ягона тулов воситасига эга булиш зарурлиги хисобланади.

Турли хил валюта операциялари йигиндиси жахон ссуда капитали бозорининг асосий қисмларидан бири булган валюта бозорини ҳосил қилади. Валюта бозорида хорижий валютага талаб ва таклиф мужасамлаштирилади. Таклиф сотилган товар ва хизматлари учун даромад олган экспортёрдан, талаб эса сотиб олинган товар ва хизматларни тулаш учун хорижий валютага мухтож импортёрлардан қилиб чиқади. Валюта операциялари асосини товарлар ва хизматлар, капитал ва кредитларнинг халкаро ҳаракати ташкил- этади.

Россиянинг "Урта Осиёга юриши натижасида, 1865 йилда Ташкент руслар кулига утган. Кейинчалик Бухоро давлатининг Ура-Тепа, Жиззах, Самарканд, Каттакургон, Ургут каби шаҳарлари Россия қарамоғига утган. Бухоро амири Россия билан дустлик шартномасини тузган ва ярим мустакил давлат булиб узининг мустакил пул тизимини саклаб колган, ҳамда мустқил пул сиёсатини олиб борган. Уша даврда муомалага олтин, кумуш, мис тангалар чиқарилган. 1 тилло Россиянинг 6 рубль 80 копеек, 1 танга (кумуш) 15 копеекга, 1 мис танга - (мира) 4 копеекга, пул 1/4 копеекга тенглаштирилган. Муомалада купрок кумуш танга ишлатилиб, унинг курси 1 тангага 12 копеекдан 20 копеекгача узгариб турган. Утган асрнинг 90-йилларида Россия, Тошкент, 1дуконда кейинчалик Бухорода уз банкларини очган. Муомалага рус олтин, кумуш тангалари ва кредит билетлари кириб келган. Бухорода рус олтин, кумуш тангасидан кура кредит билетлари жуда машхур булган. Бухоро беклари амирга тулайдиган солик ва бошка тулов, инъомларини кумуш тангада карвонларда олиб келгандан кура, кредит билетларда олиб келиши уларга арзон ва осон булган. Шунинг учун кумушлар рус кредит билетларига алмаштирилган. Рус банкларига шу йул билан ва бошка йуллар билан тушган кумуш тангалар кайтиб муомалага чикмаган. Улар Россияга жунатилгак ва Петербургдаги зарбхонада кайта ишлатилиб рус кумуш тангаси булиб муомалага чиқарилган. Бухоро тангаси 84 фоизли пробадаги кумушдан тайёрлангани учун рус кумуш тангасидан анча сифатли булган ва у кайта ишланганда бир Бухоро тангасидан бир неча рус тангаси зарб килинган. Бу эса Россия хазинасига жуда катта фойда келтирилган. Ҳисоб-китобларни олиб боришда, тиллони рублга айлангиришда кийинчиликлар булгани учун Россия давлати Бухоро давлати пул тизимини Россияга бирлаштириш тугрисидаги масалани куйган, Россия Молия Вазирлиги томонидан Бухоро давлати пулининг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унга асосан чиқариладиган пул 15 копеекгача тенг булиб, унинг бир томонида Россия ҳукумат белгиси тасвири иккинчи томонида Бухоро давлати белгиси тасвири булиши керак эди. Лекин, Бухоро амирнинг хизмати туфайли бу иш амалга оширмасдан колиб кетган. 1923-24 йилларгача Бухоро узининг пул бирлигининг саклаб колган. Туркистоннинг Россияга қошилиши натижасида,

XX асрнинг бошларида Туркистонда рус кредит билетлари, маҳаллий векселлар, кейинчалик совзнаклар, "Туркбон"лар, червонецлар муомалада булган. 20 йилларнинг урталаридан бошлаб ягона пул тизими барпо килиниб, Собик СССР ҳудудида рубль пул бирлиги сифатида қабул килинган ва мустакилликгача пул муомаласи шу пул бирлигида олиб борилган.

Адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А “Узбекистан по пути углубления экономических реформ”-Т.:Узбекистан,1995.
2. Каримов И.А. Стабильность и реформы: Статьи и выступления”-М.:Палей,1996
3. Закон Республики Узбекистан “О Центральном банке” .
4. Закон Республики Узбекистан “ О банках и банковской деятельности”.
5. Инструкции Центрального банка и коммерческих банков республики.
6. Кредит. Абдуллаев Ё.А., Бобокулов Т. Т., 1996.

Глоссарий

Pul – bu maxsus tovar, umumiy ekvivalent bo`lib, abstrakt mehnat xarajatlarni o`zida aks ettiradi va tovar xo`jaligidagi ijtimoiy ishlab chiqarish munosabatlarni ifodalaydi.

**Qog`oz pullar** - to`laqonli pullarni taqdim etuvchi pul belgilaridir.

Kredit pullar. Xo`jalik yuritish amaliyotida tovar munosabatlari umumiy tus olgan sharoitda tijorat va bank krediti qo`llanilishining kengayishi shunga olib keldiki, o`z funktsiyalari, muomala sohasi (chegaralari), kafolatlari va shu kabilarga ko`ra oddiy pullardan farq qiladigan va mutlaqo boshqacha qoidalar bilan boshqariladigan kredit pullar umumiy tovar bo`lib qoladi. Kredit pullar ijtimoiy-iqtisodiy jarayonning birmuncha rivojlangan, oliy sohasiga xosdir.

Kredit pullari evolyutsiyasi: veksel`, banknota, elektron pullar, kredit kartochkalari.

**Veksel`** - qarzdorning yozma majburiyati (oddiy veksel`) yoki kreditorning qarzdorga vekselda yozilgan summani muayyan muddatdan keyin to`lash to`g`risidagi buyrug`i (o`tkazma veksel` – tratta).

**Oddiy va o`tkazma veksellar** – bular tijorat vekseli, ya`ni savdo bitimi asosida vujudga keladigan qarz majburiyatining turlaridir

Moliyaviy veksellar - muayyan summadagi pullarni qarzga berishda kelib chiqadigan qarz majburiyatlari ham amal qiladi

**G`azna veksellari** - moliyaviy veksellar bir turidir. Bunday veksel` hukumatning qisqa muddatli qog`ozi bo`lib, uning amal qilish muddati bir yildan oshmaydi (odatda 3-6 oy bo`ladi). Bu yerda davlat qarzdor rolini bajaradi.

**Do`stona veksellar** – pulsiz, real tijorat bitimi bilan bog`liq bo`lmagan, kontragentlar tomonidan bunday veksellarni banklarda hisobga olish yo`li bilan pullarni olish maqsadida bir-biriga yozib beradigan veksellardir.

Vekselning o`ziga xos xususiyatlari quyidagilardir:

- a) abstraktlik (vekseldagi bitimning aniq turi ko`rsatilmagan);
- b) munozarasizlik (notariusning norozilik haqidagi dalolatnomani tuzganidan keyin to majburlovchi choralarni qo`llashgacha qarzning majburiy ravishda to`lanishi);
- v) aylanishlik (vekselning to`lov vositasi sifatida uning orqa tomonida berish haqidagi yozuvni yozib (jiro yoki indossament) boshqa shaxslarga berilishi. Bu veksel majburiyatlarining o`zaro hisobga olinish imkoniyatini yaratadi).

Banknota – bu bankning qarz majburiyatidir. Hozirgi vaqtda banknota markaziy bank tomonidan veksellarni qayta hisoblash, turli kredit tashkilotlari va davlatni kreditlash yo`li bilan chiqariladi.

CHek – bu omonatchining tijorat yoki markaziy bankka yozib beradigan o`tkazma vekselining bir turidir.

Elektron pullar – bu banklarning komp'yuteri xotirasidagi hisobvaraqlardagi pullar bo'lib, ularning tasarruf qilinishi maxsus elektron qurilma yordamida amalga oshiriladi

Plastik kartochkalar hisob-kitoblarning naqd pullar va cheklarning o'rnini bosadigan, shuningdek, uning egasiga bankdan qisqa muddatli ssudani olishiga imkon beradigan vositasidir.

Pullar quyidagi beshta funktsiyani bajaradi: qiymat o'lchovi, muomala vositasi, to'lov vositasi, to'lash va jamg'arish vositasi, jahon pullari

Pulning qiymati o'lchovi sifatidagi funktsiyasi. Pullar umumiy ekvivalent sifatida hamma tovarlarning qiymatini o'lchaydi. Tovarlarini ishlab chiqarish uchun sarflangan ijtimoiy zarur mehnat ularni tenglashtirish uchun sharoit yaratadi. Hamma tovarlar ijtimoiy zaruriy mehnat mahsuli hisoblanadi, shuning uchun o'zi qiymatga ega bo'lgan haqiqiy pullar (kumush, oltin) boshqa barcha tovarlar qiymatining o'lchovi bo'lishi mumkin. Bunda tovarlar qiymatining pullar vositasida o'chanishi ideal tarzda yuz beradi, ya'ni tovar egasida naqd pullarning bo'lishi shart emas.

Narx - tovarning pullarda ifodalangan qiymati.

Narx tovarlarni ishlab chiqarish va sotish uchun zarur ijtimoiy mehnat xarajatlari bilan belgilanadi. Tovarlarining narxi va ularning harakati negizida **qiymat qonuni** yotadi. Tovarining narxi bozorda shakllanadi va tovarlarga talab va taklifning teng bo'lganida bunday narx tovarning qiymati va pullarning qiymatiga bog'liq bo'ladi.

Metall pullar muomalasida **narxlar masshtabi** deb ushbu mamlakatda pul birligi qilib qabul etilgan va boshqa barcha tovarlarning narxlarini o'lchash uchun xizmat qiladigan pullik metallning vazni miqdoriga aytiladi.

Pullarning muomala vositasi sifatidagi funktsiyasi. Pullardan tovarlar va xizmatlarni xarid qilish va sotishda foydalanish mumkin. Pullar muomala (yoki ayirboshlash) vositasi sifatida jamiyatni barterli (mavozali) ayirboshlashning noqulayliklaridan xalos qiladi. Pullar hamma joyda va osonlik bilan to'lov vositasi sifatida qabul qilinadi. Ushbu ijtimoiy ixtiro resurslarning egalariga va ishlab chiqaruvchilarga alohida «tovar» (pullar) bilan haq to'lashga imkon beradiki, bunday alohida tovar keyinchalik bozorda mavjud bo'lgan har qanday tovarni sotib olish uchun ishlatilishi mumkin.

Pullarning to'lov vositasi sifatidagi funktsiyasi. Pullarning bu funktsiyasi kapitalistik xo'jalikda kredit munosabatlarining rivojlanishi tufayli vujudga keldi. Pullar tovarlarning kreditga sotilishida to'lov vositasi sifatida foydalaniladi, buning zarurligi tovarlarni ishlab chiqarish va sotishning shart-sharoitlari bir xilda emasligi, ularni ishlab chiqarish va muomalasi muddatining turli xilligi, ishlab chiqarishning mavsumiy tusdaligi, shuningdek, ishchilar va xizmatchilarga ish haqining to'lanishida foydalaniladi.

Kredit kartochkalari - to'lovlarning naqd pullar bilan bajarilishini qisqartirishga yordam berib, naqd pullar va cheklarning o'rnini bosadigan hisob-kitoblar vositasi bo'lib xizmat qiladi.

Jahon pullari funktsiyalari. Tashqi savdo aloqalari, xalqaro qarzlar, tashqi sherikka xizmatlar ko'rsatilishi jahon pullarining paydo bo'lishini taqozo etdi. Ular umumiy to'lov vositasi, umumiy xarid qilish vositasi va ijtimoiy boylikning umumiy moddiylashtirilishi sifatida faoliyat yuritishadi.

Pul aylanishi - naqd pullik va naqd pulsiz shakllardagi pul belgilarining uzluksiz harakat jarayonidir.

Naqd pulsiz pul aylanishi – banklarda pul mablag`larini to`lovchilar va oluvchilarning hisobvaraqlari bo`yicha yozuvlar yordamida yoki o`zaro talablarni hisobga olish yo`li bilan amalga oshiriladigan pul aylanishidir. CHek, veksel`, bank trattasi va pul o`tkazmasi naqd pulsiz to`lovlarni amalga oshirishning asosiy vositalaridir

**To`lov topshiriqnomalari orqali hisob-kitoblar** – naqd pulsiz hisob-kitoblar shakli bo`lib, bunda to`lovchi unga xizmat ko`rsatadigan bank muassasasiga o`zining hisobvarag`idan mablag`larni oluvchining hisobvarag`iga muayyan summani o`tkazish haqidagi topshiriqni o`z ichiga oladigan hisob-kitob hujjatini taqdim qiladi.

**To`lov talabnomalari-topshiriqnomalari yordamidagi hisob-kitob** iqtisodiy kontragentlar o`rtasidagi naqd pulsiz hisob-kitoblarning yana bir uslubi hisoblanadi. Ushbu hisob-kitob shakli kamida uchta sub`ekt: yetkazib beruvchi, xaridor va ushbu sub`ektlar o`rtasidagi hisob-kitobni amalga oshiradigan bankning mavjud bo`lishini nazarda tutadi

**Inkasso bo`yicha hisob-kitob** - naqd pulsiz hisob-kitoblarning eng ko`p qo`llaniladigan shakli bo`lib, kamida uchta iqtisodiy kontragent: xaridor, sotuvchi va ushbu operatsiyani amalga oshiradigan tijorat bankining mavjud bo`lishini nazarda tutadi.

Oddiy inkasso to`lovning shunday tizimiki, unda to`lovning undirilishi inkasso shartlari asosidagi bitimning tuzilganligini tasdiqlaydigan moliya hujjatlari olinganida amalga oshiriladi.

Hujjatli inkasso to`lovning oluvchiga haqi to`langan tovarning yetkazib berilishi yuzasidan ayrim kafolatlar beriladigan tizimga kiradi. Bunday kafolatlar to`lovning o`tkazilishi amalga oshirilishida faqat inkasso shartlari asosidagi bitimning tuzilganligini tasdiqlaydigan tegishli hujjatlar va yuk bilan birga yuboriladigan tijorat hujjatlari olinganida beriladi.

Pul muomalasi qonuni muomaladagi tovarlar massasi, ularning narx darajasi va pul tezligi orasidagi iqtisodiy bog`liqlikni aks ettiradi.

Naqd pul aylanishi, odatda, tovarlar va xizmatlarga haq to`lanishi ehtiyojlari bilan bog`liq bo`lib, boshqa tijoratchilik bitimlarining tuzilishi va ularga haq to`lanishi jarayonlari bilan bog`liq emas

Pul agregatlari pul massasini o`lchovchilardan (ko`rsatkichlaridan) iborat. Pul agregatlari statistikada pullar harakatining muayyan sanaga bo`lgan yoki muayyan vaqt davridagi o`zgarishini tahlil etish uchun qo`llaniladi.

**Moddiy ne`matlarning likvidligi** deganda ushbu ne`matlarning tez va unchalik ko`p zararalarsiz pulga aylanishi qobiliyati tushuniladi. Moddiy ne`matlarning likvidligi vaqt bilan o`lchanadi.

Pul massasi tijorat banklari tizimidagi pul bazasining oshishi natijasida vujudga keladi va muomaladagi naqd pullardan va mijozlar hisobvaraqlaridagi pullar qoldiqlaridan iborat bo`ladi.

Pul massasi agregatlari, iqtisodiyot monetizatsiyasi koeffitsientini hisobga olish yordamidagi hisob-kitob eng namunali hisob-kitobdir

Majburiy zaxiralar deganda tijorat banklarining Markaziy bankdagi omonatlari (depozitlari)ning qonuniy tartibda belgilab qo`yiladigan eng kam normasi tushuniladi.

**Majburiy bo`lmagan (ixtiyoriy, ortiqcha) zaxiralar** deganda tijorat banklarining Markaziy bankdagi vakillik hisobvaraqlarida majburiy zaxiralarning belgilangan normasidan ortiq miqdorda saqlanayotgan mablag`lari tushuniladi.

Bank mul'tiplikatori pullarning bir tijorat bankidan boshqa tijorat bankiga harakati davrida tijorat banklarining depozit hisobvaraqlaridagi pullarning ko`payishi jarayonidan iborat.

Pul mul'tiplikatori - pul massasi bilan pul bazasi o`rtasidagi nisbatdir.

$$\text{Pul multiplikatori} = \frac{\text{Pul massasi}}{\text{Pul bazasi}}$$

Kredit mul'tiplikatori - tijorat banklarining o`z mijozlariga (iqtisodiyotga) kreditlari bilan Markaziy bankning tijorat banklariga kreditlari o`rtasidagi nisbati.

Tijorat banklari tomonidan

$$\text{Kredit multiplikatori} = \frac{\text{beril gan kreditlar}}{\text{Markaziy bank tomonidan tijorat banklariga beril gan kreditlar}}$$

Pul tizimi pul muomalasini tashkil etishning tarixiy jihatdan qaror topgan va qonun bilan mustahkamlab qo`yilgan shaklidir. Boshqacha aytganda, bu pul muomalasining aniq bir mamlakatda muayyan vaqt ichida qo`llaniladigan qoidalari va normalari majmuidir.

Bimetallizm – pul tizimining bir ko`rinishi bo`lib, ikki metallning umumiy ekvivalent sifatida (oltin, kumush) muomalada bo`lishi va uning davlat qonunlari bilan mustaxkamlangan holatidir. Oltin va kumushdan qilingan tangalar davlat tomonidan xo`quklari teng asosda belgilangan va nazorat qilingan. Bozor esa bu ikki metall uchun ikki xil bahoni belgilagan.

Monometallizm – bitta pul metalning umumiy ekvivalent sifatida, hamda pul muomalasi asosini tashkil etuvchi tizimdir.

Milliy valyuta tizimi pul tizimining tarkibiy qismi hisoblanadi

Zamonaviy pul tizimining xususiyatlari

- Pul birligining oltin tarkibi, banknotlarni oltin bilan ta`minlash va unga almashishning bekor qilinishi;
- Oltinga almashmaydigan, keyinchalik qog`oz pul va kredit pullarga o`tish;
- Pulni muomalaga nafaqat xo`jaliklarni banklar tomonidan kreditlash, balki davlat harajatlarini qoplash uchun ham chiqarish;
- Pul muomalasida naqdsiz pul aylanishining ustunligi;
- Pul muomalasini davlat tomonidan tartibga solishning kuchayishi.

O`zbekiston Respublikasining pul tizimi elementlari quyidagilardan iborat:

- Pul birligining nomi;
- Pul birligining turlari;
- Ularni muomalaga chiqarish qoidalari;
- Pul, kredit va valyuta boshqaruvini amalga oshiruvchi davlat organlari;
- Naqd pulsiz to`lov aylanishi va kredit pullar muomalasini olib borishda davlat tomonidan belgilangan shartlar;

- Rasman almashtiriladigan valyutani tashqariga olib chiqish va tashqaridan olib kelish qoidalar;
- Halqaro hisob-kitoblarni tashkil qilish asoslari;
- Milliy valyutani chet el valyutasiga almashtirish tartibi va davlat tomonidan valyuta kursini belgilash.

Inflyatsiya (lotincha «inflation» soʻzidan olingan va shishish, koʻpchish, koʻtarilish maʼnosini anglatadi) oʻz mohiyatiga asosan pulning qadrsizlanishi, tovar va xizmatlarga boʻlgan baholarning muntazam ravishda oshib borishi jarayonini anglatadi.

Sokin (polzuchaya, umerennaya) inflyatsiya. Ushbu inflyatsiya iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarda mavjud boʻlib, ushbu holatda mahsulotlar, bajariladigan ishlar va koʻrsatiladigan xizmatlarga boʻlgan narx-navolar yiliga oʻrtacha 3% dan 10% gacha oshishi mumkin

Jilovlanmagan (giperinflyatsiya) inflyatsiya. Ushbu inflyatsiya holatida mahsulotlar, bajariladigan ishlar va koʻrsatiladigan xizmatlarga boʻlgan narx-navolar yiliga 1000% dan ortiq yoki oyiga 100% dan ortiq darajada oshadi. Ushbu holatda milliy iqtisodiyotda inqiroz yuzaga chiqadi. Buning natijasida ishlab chiqarish va bozor boshqaruvsiz faoliyat koʻrsataditi, narx-navo va ish haqi oʻrtasidagi farq ortadi.

Oshkora inflyatsiya. Talab tomoniga qaragan makroiqtisodiy tengsizlik doimiy ravishda narx-navoning koʻtarilib borishi bilan ifodalanadigan boʻlsa, bunday inflyatsiya oshkora inflyatsiya deb ataladi.

YAshirin inflyatsiya. Inflyatsiyaning ushbu turi shunday koʻrinishda boʻladiki, bunday holatda baʼzi bir isteʼmol mahsulotlariga narx-navo maʼmuriy tarzda davlat tomonidan oʻrnatiladi va tartibga solib turiladi.

Taklif inflyatsiyasida ishlab chiqarish xarajatlarini oshishi natijasida mahsulotlar, bajarilgan ishlar va koʻrsatiladigan xizmatlarga boʻlgan narx-navoning oʻsishi yuzaga chiqadi.

Talab inflyatsiyasi. Inflyatsiyaning ushbu turi mamlakat aholisi va xoʻjalik subʼektlarning daromadlari haqiqiy ishlab chiqarilgan mahsulotlar, bajarilgan ishlar hamda koʻrsatilgan xizmatlar miqdoridan tez oʻsadi. Bunday holatda talabnig har qanday oʻsishi narx-navoning oʻsishiga olib keladi.

Xarajatlar inflyatsiyasi. Inflyatsiyaning ushbu turi xom-ashyo va energetik resurslarga boʻlgan xarajatlarning oʻsishi tufayli ishlab chiqariladigan mahsulotlar va bajariladigan ishlarning narx-navosini oʻsishi natijasida yuzaga chiqadi.

Kredit inflyatsiyasi. Ushbu inflyatsiya turi mamakat markaziy, baʼzi mamlakatlarda milliy banklari tomonidan olib boriladigan kredit ekspansiyasi natijasida yuzaga chiqadi.

Import bilan bogʻliq inflyatsiya. Inflyatsiyaning ushbu turi aniq olingan mamlakatga tashqi omillar asosida yuzaga chiqadi.

Kutilayotgan inflyatsiya. Inflyatsiyaning ushbu turida davlat tomonidan olib borilayotgan pul-kredit va byudjet siyosati natijasida joriy yil uchun inflyatsiyaning tahliliy darajasi belgilanadi va u daraja tartibga solib turiladi.

Deflyator – bu pul ifodalangan iqtisodiy koʻrsatqiyalarni oʻtgan davrdagi baholar darajasiga

nisbatan taqqoslash maqsadida qo'llaniladigan koeffitsientdir.

Monetarizm maktabining asosiy tamoyillari quyidagilardan iborat:

- 1) «Pullar ahamiyatga egadir», ya'ni kredit – pul sohasidagi o'zgarishlar mamlakat iqtisodiyotining umumiy holatiga hal qiluvchi ta'sir ko'rsatadi;
- 2) Mamlakat Markaziy banki iqtisodiyotdagi xo'jalik holatidan qat'iy nazar pul massasining barqaror o'sishini ta'minlab turishi lozim.

Byudjet siyosati – bu davlatning asosiy iqtisodiy siyosati hisoblanadi va uning asosiy maqsadi mamlakatning aniq belgilangan muddat mobaynida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning ustuvor yo'nalishlari belgilanadi va amalga oshiriladi.

Soliq siyosati – bu davlatning iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy vazifalarini bajarishi uchun zarur moliya mablag'larini yig'ish uchun xo'jalik yurituvchi sub'ektlar va mamlakat aholisidan soliqlar, to'lovlar hamda majburiy ajratmalarni belgilash, ularni undirish yuzasidan qonun asosida belgilangan tizimdir.

Baho siyosati – bu mahsulotlar, xizmatlar va to'lovga qobiliyatli talab o'rtasidagi mutanosiblikga erishish hamda uni tartibga solib turish bilan bog'liq siyosatdir.

Kredit-moliya siyosati – bu Markaziy bank tomonidan qayta moliyalashtirish stavkasi, majburiy zahiralar me'yori va ochiq bozordagi operatsiyalar orqali mamlakat bank-kredit tizimini boshqarish hamda tartibga solib turishdan iborat.

Sanoat-investitsiya siyosati – bu yalpi ichki mahsulotning o'sishini ta'minlovchi mamlakat sanoat-texnologik qudratini rivojlantirishga qaratilgan siyosatdan iborat.

Tashqi iqtisodiy faoliyat siyosati – bu davlat tomonidan xorijiy mamlakatlar bo'lib tashqi iqtisodiy faoliyatni boj-tarif dastaklari yordamida tartibga solib turishdan iboratdir.

Emissiya siyosati – bu Markaziy bank tomonidan milliy iqtisodiyotning holatiga asosan muomalaga qog'oz pul chiqarish, ularning aylanishini tartibga solish va muomaladagi ortiqcha pullarni aylanmadan chiqarib turishdan iborat siyosatdir.

Pul islohotlari – bu mamlakatdagi pul muomalasini tartibga solish va kuchaytirish maqsadida davlat tomonidan mavjud pul tizimini to'liq yoki qisman o'zgartirishlarini amalga oshirishdir.

Reval'vatsiya o'z mohiyatiga asosan milliy pul birligini xorijiy valyutaga nisbatan kursini ko'tarib qo'yishdan iborat.

Deval'vatsiya o'z mohiyatiga asosan milliy pul birligini xorijiy valyutaga nisbatan tushirib qo'yishdan iborat.

Denominatsiya o'z mohiyatiga asosan milliy pul birligidagi ortiqcha nollarni olib tashlab muomalaga yangi pullarni chiqarishdan iborat.

Metallistik nazariya tarafdorlari – U.Stafford (1554-1612), T.Men (1571-1641), D.Nors (1641-1691) va boshqalar – tangalarning ishdan chiqishiga qarshi bo'lib, metallarning barqaror muomalada bo'lishini yoqlab chiqishdi. Ularning nazariyasi uchun davlatning boyligini pullar bilan, pullarning o'zini esa – asl metallar bilan bir xil deb tushunish xarakterli edi. Ular pullarning mohiyatini asl metallarning ijtimoiy xususiyatlari emas, balki tabiiy xususiyatlari bilan bog'lashgan,

pullarga ijtimoiy, ishlab chiqarish munosabati sifatida qarashmagan, balki ularni buyum deb bilishgan.

Nominalistlarning fikricha, pullar – bu faqat tovarlar ayirboshlashiga xizmat qiladigan ideal hisob birliklari, mahsulot, davlat hokimiyatining natijasi hisoblanadi. Bu nazariya tarafdorlari – J.Lokk (1632-1704), J.Berkli (1685-1753), J.Styuart (1712-1780) – pul birliklarining nomlari (funt sterling, taler, frank) «qiymatning ideal atomlari»ni ifodalaydi, deb faraz qilishgan.

Klassik miqdoriy nazariya uch qoidasi:

- 1) sabablilik (narxlar pullarning massasiga bog'liq bo'ladi);
- 2) mutanosiblik (narxlar pullar miqdoriga mutanosib ravishda o'zgaradi)
- 3) universallik (pullar miqdorining o'zgarishi hamma tovarlarning narxlariga bir xilda ta'sir qiladi) xos bo'lgan.

Valyuta - jahon bozorida, davlatlar o'rtasida pul vazifalarini bajaruvchi davlatlarning milliy pul birliklaridir.

Milliy valyuta - muayyan bir davlatning milliy puli. Shu davlat uchun boshqa davlatlarning milliy pul birliklari esa - **xorijiy valyutalar**dir.

Deviz - bu, xorijiy valyutadagi har qanday vositadir.

Xalqaro valyuta munosabatlari - bu, valyutani jahon xo'jaligida amal qilishi borasida shakllanadigan va milliy xo'jaliklar faoliyat natijalarining o'zaro almashuviga xizmat ko'rsatadigan ijtimoiy munosabatlar yig'indisidir.

Valyuta munosabatlari - bu, valyutani jahon xo'jaligi muomalasida amal qilish jarayonida va xalqaro aloqalar sohasiga xizmat ko'rsatishda o'ziga hos pul munosabatlarining yig'indisidir, yoki davlatlar, jahon valyuta bozorining sub'ektlari, muayyan davlatning rezident yoki norezident shaxslari o'rtasida valyutalarni sotish, sotib olish, majburiyatlarni bajarish hamda boshqa shu kabi jarayonlarda vujudga keladigan munosabatlardir.

Rezident shaxs - bu muayyan davlat hududida yashayotgan va ushbu davlat fuqarosi bo'lgan hamda mazkur davlat hududida faoliyat ko'rsatayotgan yuridik yoki jismoniy shaxsdir.

Norezident shaxs - bu muayyan davlat hududida yashab faoliyat ko'rsatayotgan, ammo shu davlat fuqarosi bo'lmagan yuridik yoki jismoniy shaxsdir.

Valyuta tizimi - bu, mamlakatlar o'rtasida valyuta munosabatlarini tashkil etish shaklidir.

Valyuta tizimi - bu, xo'jalik aloqalarini baynalmilallashuvi asosida tarixan shakllangan, valyuta amali bilan bog'liq iqtisodiy munosabatlar yig'indisidir.

Valyuta qonunchiligi - bu, mamlakat ichkarisida valyuta qimmatliklari bilan bir mamlakat tashkilotlari va fuqarolari hamda boshqa mamlakat tashkilotlari va fuqarolari o'rtasidagi shartnomalarni hamda mamlakat ichkarisidan xorijga va xorijdan mamlakat ichkarisiga milliy hamda xorijiy valyutalar va boshqa valyuta qimmatliklarini olib kirish, olib chiqish, o'tkazish yo'li bilan amalga oshirilishini tartibga soluvchi qonuniy me'yorlar yig'indisidir.

Valyuta pariteti - bu, ikki valyuta o'rtasidagi, qonuniy asosda belgilangan nisbat.

Tanga pariteti - bu, turli mamlakatlar pul birliklarini o`zidagi metall sig`imiga ko`ra o`zaro solishtirishdir.

Konvertatsiya - bu, milliy valyutani xorijiy valyutalarga almashinishidir.

Reglamentatsiya mamlakatning xalqaro hisob-kitoblarini tartibga solish.

Jahon valyuta tizimi - bu, jahon bozori (xo`jaligi) ning rivojlanishi asosida shakllangan va davlatlararo kelishuvlar bilan mustahkamlangan xalqaro valyuta munosabatlarini tashkil etish shaklidir.

Xalqaro valyuta likvidligi - bu, mamlakatning (yoki bir guruh mamlakatlarning) vaqtida o`z Xalqaro majburiyatlarini kreditor uchun muqobil bo`lgan to`lov vositalarida so`ndirilishini ta`minlashdan iborat.

Konvertatsiya - bu, milliy valyutani xorijiy valyutalarga almashinishidir.

EVI - bu, xalqaro (hududiy) valyuta tizimidir, ya`ni iqtisodiy integratsiya doirasida valyuta amali bilan bog`liq iqtisodiy munosabatlar yig`indisidir; valyuta kurslarini barqarorlashtirish va integratsiya jarayonlarini rag`batlantirish maqsadida "Umumiy bozor" davlatlari valyuta munosabatlarini tashkil etishning davlat-huquqiy shaklidir.

Valyuta kursi - bu, bir valyutani boshqa bir valyutadagi ifodasi yoki bahosidir.

Teskari kotirovka - milliy valyuta savdo qilinayotgan, xorijiy valyuta esa kotirovka valyutasi bo`lgan holdagi kotirovka turi bo`ladi.

To`g`ri kotirovkada "Bid" sotib oluvchi kursi banklar tomonidan savdo qilinayotgan valyutani sotib olish va milliy valyutani sotish kursi bo`ladi.

"Offer" kursi banklar tomonidan savdo qilinayotgan valyutani sotish va milliy valyutani sotib olish kursi hisoblanadi. "Bid" va "Offer" kurslarining farqi sifatidagi miqdor "spred" deb ataladi.

"Spot" kurslar erkin suzadigan yoki qat`iy belgilangan bo`lishi mumkin. Ular milliy valyutani mamlakat tashqarisida shartnomani amalga oshirish paytiga sotib olish qobiliyatini ko`rsatadi.

Forvardli kurs - bu, muddatli valyuta shartnomalari kursidir.

Valyuta kursining shakllanishi - bu, milliy va jahon iqtisodiyotlari hamda siyosatlarining o`zaro munosabatlari bilan asoslangan murakkab ko`p omilli jarayondir.

Xalqaro hisob-kitoblar - turli mamlakatlar fuqarolari va yuridik shaxslari o`rtasida iqtisodiy, siyosiy hamda madaniy munosabatlar tufayli vujudga keladigan pul talablari va majburiyatlar bo`yicha to`lovlarni muvofiqlashtirishdir.

Baho valyutasi bu, tovarga bo`lgan baho ifodalanadigan valyutadir.

**To`lov valyutasi** bu, importyor (yoki qarz oluvchi) majburiyatlari so`ndirilishi kerak bo`lgan valyutadir.

Bretton Vuds-(AQSH) 1944 yilning iyulida JVTga asos solindi.

Kross kurs-ikki valyuta orasidagi kursning uchinchi valyuta orqali aniqlash uslubi yordamida topilgan kursidir.

Valyuta kotirovkasi-almashtirish uchun taqdim etilgan valyutalar kursini va ular orasidagi nisbatni o`rnatish tushuniladi.

Bozor kotirovkasi-talab va taklif asosida nobirjaviy valyuta bozorida amalga oshiriladi.

SVOP-kassa va forvard operatsiyalarini muvofiqlashtiruvchi valyuta shartnomasidir.

Option-bu sotib oluvchining valyutani emas, balki uni sotib olish xuquqini sotib olish shartnomasidir.

F`yuchers-shartnomasining maqsadi valyuta operatsiyalarini xedjirlash yoki chayqovchilik asosida foyda olishidir.

Valyuta arbitraji-bu valyutani sotish yoki sotib olish bo`lib, keyinchalik teskari bitim tuzib, valyuta kurslari farqi yordamida foyda olishdir.

Valyuta intervensiyasi-Markaziy Bankning milliy valyuta kursiga ta`sir qilish maqsadida chet el valyutasini sotish va sotib olish bo`yicha o`tkazadigan operatsiyalari tushuniladi.

Tarkibiy valyuta siyosati - bu, jahon valyuta tizimida tarkibiy o`zgarishlarni amalga oshirishga yo`naltirilgan uzoq muddatli chora-tadbirlar yig`indisidir.

Joriy valyuta siyosati - bu, valyuta kursi, valyuta operatsiyalari, valyuta bozori va oltin bozori faoliyatini kunlik, tezkor muvofiqlashtirishga qaratilgan qisqa muddatli chora-tadbirlar yig`indisidir.

Diskont (hisob yuritish) siyosati - bir tomondan kapitallarni xalqaro harakatiga valyuta kursi va to`lov balansini, ikkinchi tomondan ichki kreditlar, pul massasi, baholar, yalpi talab dinamikasini ta`sir etishi orqali muvofiqlashtirishga yo`naltirilgan Markaziy bank hisob yuritish stavkasining o`zgarishi.

Deviz siyosati. - milliy valyuta kursiga davlat organlari tomonidan xorijiy valyutani (deviz) oldi-sottisi orqali ta`sir etish uslubidir.

Valyuta zahiralarining diversifikatsiyasi - davlatlar, banklar, TMKlarning Xalqaro hisob-kitoblar, valyuta intervensiyasini amalga oshirish va valyuta yo`qotishlaridan o`zini himoyalashni ta`minlash maqsadida valyuta zahiralarini tarkibiga turli valyutalarni kiritish orqali tarkibiy tuzilishini muvofiqlashtirishga yo`naltirilgan siyosatidir.

Valyuta cheklovlari - bu, rezident va norezidentlarning valyuta hamda boshqa valyuta qimmatliklari bilan operatsiyalarini qonunchilik yoki ma`muriy jihatdan taqiqlash, limitlash va cheklashdir.

Xalqaro hisob-kitob balanslari – bu bir mamlakatning boshqa mamlakatga nisbatan pul majburiyatlari va talablari, tushumlari va to`lovlari nisbatidir.

Xalqaro hisob-kitob balanslarining asosiy turlari:

1. To'lov balansi
2. Xalqaro qarzdorlik balansi
3. Hisob-kitob balansi

To'lov balansi-aniq bir vaqt mobaynidagi chet eldan kelgan tushumlar va chet elga qilingan to'lovlar miqdorining nisbatidir.

Hisob-kitob balansi-mazkur davlatning, to'lov muddatidan qat'iy nazar, boshqa davlatlarga nisbatan o'zaro talab va majburiyatlarining ma'lum vaqtdagi nisbatidir.

Xalqaro qarzdorlik balansi- u hisob-kitob balansiga o'xshaydi, ammo unda moddalari va turli davlatlardagi hisoblash uslublari bilan farq qiladi.

Uzoq va o'rta muddatli operatsiyalar bir yildan ziyod muddatga taqdim etilgan davlat hamda xususiy zayomlar va kreditlarni o'z ichiga oladi. Ushbu davlat va xususiy zayomlar hamda kreditlarning oluvchilari bo'lib odatda iqtisodiy rivojlanish bo'yicha ilg'or davlatlardan orqada qolgan mamlakatlar hisoblanadi.

Qisqa muddatli operatsiyalar milliy banklarning xorijiy banklardagi joriy hisobvaraqlari (avuarlar), pul kapitalini banklar o'rtasidagi harakati kabi bir yilgacha muddatga bo'lgan Xalqaro kreditlarni o'z ichiga oladi.

Ssuda kapitali - bu faoliyat kursatuvchi kapital aylanishiga xizmat kiluvchi va foiz keltiruvchi ssudaga (qarzga) beriladigan pul kapitalidir.

Ssuda kapitalining xususiyatlari:

1. **Ssuda kapitali kapital sifatida** – bu mulk, uning egasi qarz oluvchiga kapitalini doimiy egalikka emas, balki vaqtincha foydalanish uchun beradi.
2. Ssuda kapitalning o'ziga xos xususiyati, uning **tovar sifatida ekanligidir**. Kreditor tomonidan pul mablag'lari qarzdor korxonaga «sotiladi».
3. **Kreditor va qarz oluvchi o'rtasidagi munosabatning uzoq davom qilishidir**.
4. Ssuda kapitali harakati **sanoat va savdo kapitali harakatidan farq qilib, «sotuvchi» (kreditor) va «xaridor» (qarz oluvchi) o'rtasidagi iqtisodiy munosabat, ya'ni kapital harakati, pul (P-P')** ko'rinishida bo'ladi.

Ssuda kapitali bozorining asosiy segmentlari:

1. **Pul bozori**-aylanma mablag'larning harakatini ta'minlovchi qisqa muddatli kredit operatsiyalarining yig'indisi;
2. **Kapital bozori**-asosiy mablag'lar harakatini ta'minlovchi qisqa va uzoq muddatli operatsiyalar to'plami;
3. **Fond bozori**-qimmatbaxo qog'ozlar bozoriga xizmat qiluvchi kredit operatsiyalar to'plami;
4. **Ipoteka bozori**-ko'chmas mulk bozoriga xizmat qiluvchi kredit operatsiyalar to'plami.

Kreditning funktsiyalari:

1. **Qarzga beriluvchi qiymatni vaqtinchalik foydalanishga berish;**
 2. **Qayta taqsimlash funktsiyasi;**
 3. **Muomala xarajatlarini tejash;**
 4. **Kapital to'planishining jadallashuvi va kontsentratsiyalashuvi;**
- Muomalaga to'lov vositalarini chiqarish.**

Qarzga beriluvchi qiymatni vaqtincha foydalanishga berish funktsiyasi.

Kredit va pul mablag`lari o`rtasidagi munosabatlardan kelib chiqqan xolda, kreditning xakikiy pullarni kredit pullari bilan almashtirish funktsiya oldinga surilgan.

Qayta taqsimlash funktsiyasi. Kredit kayta ishlab chiqarish jarayonining barcha tarmoqlariga - ishlab chiqarish, taksimlash, muomala va iste`moga xizmat kursatadi.

Muomala xarakatlarini tejash funktsiyasi. Kapitalning muomalada bo`lish vaqtining tejalishi uning ishlab chiqarishda bo`lish vaqtini oshiradi va bu ishlab chiqarishni kengaytirishga, foydaning ortishiga olib keladi.

Kreditning samaradorligini ta`minlashning **5 «S» qoidasi:**

Character – qarz oluvchining xarakterini baholash, hamda bozordagi obrusi;

Capacity – qarz oluvchining boshlagan ishini oxiriga yetkaza olish, tegishli daromad olish, hamda bank kreditlarini kaytarib berish kobiliyati;

Capital – qarz oluvchining sarmoyasini yetarliligi;

Conditions – shartlar. Bunda iqtisodiy muxim va mazkur biznesni rivojlanishi nazarda tutiladi.

Collateral – garov (kafolat, kafillik, sugo`rta polisi, tovar moddiy boyliklar) va boshqalar.

Kapitalistik formatsiyaga kadar kreditning sudxurlik shakli keng tarkalgan bo`lib- bu qarz oluvchiga ma`lum foiz asosida kaytarib berish sharti asosida beriladigan pullik ssudadir.

Tijorat krediti- bu faoliyat kursatuvchilar tomonidan bir-birlariga uzaro to`lovni kechiktirish sharti bilan tovar shaklida beriladigan kreditdir.

Bank krediti - pul egalari, banklar va boshqa kredit institutlari tomonida ishlab chiqaruvchilarga, hamda boshqa qarz oluvchilarga pul shaklida beriladigan ssudalardir.

**Iste`mol krediti** - asosan tovarlarni sotish jarayonida ularni to`lovni kechiktirib tulash xukuki berilishidir.

Firma (tijorat) krediti bu, odatda bir mamlakat firmasi yoki eksportyori tomonidan boshqa mamlakat importyoriga to`lovni kechiktirish shaklida taqdim etiladigan ssudadir.

Loyihalarni moliyalashtirish xalqaro uzoq muddatli kreditning zamonaviy shaklidir.

Faktoring (iglizcha factoring, factor-vositachi) - ixtisoslashgan moliyaviy kompaniya tomonidan eksportyorning importyorga bo`lgan pul talablarini sotib olinishi hamda inkassatsiya qilinishi shaklidagi xalqaro kreditdir.

Forfeytlash (frantsuzcha "a forfait" - yalpi, umumiy summasi bilan) naqdli to`lov evaziga ma`lum bir huquqlar taqdim etilishini bildiradi. Ushbu bank amaliyotida veksellarni hamda boshqa qarz majburiyatlarini to`liq muddatga, oldindan belgilangan shartlar asosida sotib olinishidan iboratdir.

Bank - bu pul mablag`larini jamlash va ularni uz nomidan kaytarib berishlik, to`lovlilik va muddatlilik asosida tarkatish uchun yaratilgan tashkilotdir.

Bank tizimi - tashkiliy tuzilma sifatida yirik tizim bo`lib - mamlakatning iqtisodiy tizimiga kiradi. Bu shuni bildiradiki, banklarning faoliyati va rivojlanishini moddiy va nomoddiy ne`matlarni ishlab chiqarish, muomala va iste`mol kilish bilan boglik xolda kurib chikish zarurdir.

Xususiy banklar - jismoniy shaxsning pul mablag`lari hisobidan tashkil kilingan banklar hisoblanadi.

Markaziy bank - pul-kredit siyosatini emissiya jarayonlarini olib boruvchi, kredit tizimining bosh banki hisoblanadi. Markaziy bank qariyb 300 yil oldin tijorat banklarning rivojlanishi natijasida vujudga kelgan. Bular 1668 yilda tashkil qilingan SHved Risk banki, 1694 yilda tashkil qilingan Angliya bankidir.

Markaziy bank - o`z sarf xarajatlarini o`zining daromadlari hisobidan amalga oshiruvchi iqtisodiy jihatdan mustaqil muassasadir.

Markaziy bankning asosiy maqsadi - pul-kredit tizimi va valyuta barqarorligini ta`minlash asosida iqtisodiy o`sinhga erishishdan iborat.

O`zbekiston Respublikasi Markaziy bank pul – kredit siyosatining asosiy instrumentlariga quyidagilar kiradi:

- | | |
|----|--|
| 1. | Minimal majburiy rezerv me`yorlarini o`rnatish; |
| 2. | Foiz (diskont) siyosati; |
| 3. | Qayta moliyalashtirish siyosati; |
| 4. | Ochiq bozor siyosati; |

Targetirlash siyosati va boshqalar.

Pul-kredit siyosatining asosiy maqsadi milliy valyuta barqarorligini ta`minlash, valyuta kursi va foiz stavkalarini oqilona o`rnatish asosida inflyatsiya sur`atlarini kamaytirish, kreditdan foydalanishning samaradorligini oshirish va iqtisodiyotning barqaror o`sinhini ta`minlash. Pul kredit siyosati 2 yo`nalishda olib boriladi:

Birinchi yo`nalish **kredit ekspansiyasi**-bu siyosat pul-kredit emissiyasini rag`batlantirish yo`li bilan olib boriladi.

Ikkinchi yo`nalish **restriktsiya siyosati** bo`lib, u iqtisodiy o`sinh davrida pul kredit emissiyasining qisqarishiga asoslanadi.

Banklarning aktiv operatsiyalari daromad olish maqsadida bank resurslarini joylashtirish bilan bog`liq bo`lgan operatsiyalar.

Xususiy banklar – jismoniy shaxsning pul mablag`lari hisobidan tashkil qilingan banklar hisoblanadi.

Taqsimlanmagan foyda – rezerv fondiga ajratmalar va devidendlar to`langanidan so`ng qoladigan qoladigan foydaning bir qismidir.

Kontrokorrekt – bank va bank va mijoz o`rtasidagi hamma hisob – kitob va kredit operatsiyalarini amalga oshiruvchi yagona schyotdir.

Investitsiya – bu xususiy, davlat korxonalari va tashkilotlari qimmatli qog`ozlariga uzoq muddatga qo`yilgan mablag`lardir.

"Bank talablari" - bank tomonidan joylashtirilgan barcha qo`yilmalari, masalan, bank tomonidan berilgan kreditlar va boshqalar.

"Kapital zaxiralar" - soliqlar va boshqa majburiy to`lovlar to`langanidan so`ng sof foyda hisobiga shakllangan zahiralalar. Ushbu zahiralarga ajratiladigan chegirmalar miqdori ochib Me`lon qilinadigan hisobotda ko`rsatilishi lozim. Zahiralardan bank faoliyatida vujudga keladigan turli

zararlarni ular yuzaga kelishi bilan oq hech qanday cheklashlarsiz boplash uchun foydalaniladi. Bunda mazkur zahiralar hisobiga qoplanadigan barcha zararlar foyda va zararlar hisobotida aks ettirilishi kerak.

"Umumiy zaxiralar" - bank faoliyati davomida umuman yoki biror - bir faoliyat turi (kreditlash, investitsiyalash) natijasida yuzaga kelishi mumkin bo`lgan zararlarni qoplash uchun, lekin MMayrim muayyan operatsiyalar bo`yicha zararlarni qoplashga zahiralar yaratish mo`ljallanmagan. Masalan, "yaxshi" kreditlarga doir zararlarni qoplash yoki milliy valyutani deval`vatsiyalash uchun mo`ljallangan zaxiralar.

"Maxsus zaxiralar" - "standart", "substandart", "shubhali" va "umidsiz" deb tasniflangan kredit va lizing operatsiyalari yoki boshqa alohida muayyan aktivlar bo`yicha yuzaga kelishi mumkin bo`lgan zararlarni qoplash uchun yaratilgan zaxiralar.

"Nomoddiy aktivlar" - moddiy va jismoniy shaklga ega bo`lmagan nomonetar, identifikatsiyalanadigan aktivlar. Nomoddiy aktivlarning juda ko`p turlari mavjud, jumladan, dasturiy ta`minot, foydalanish xuquqi, marketing va texnik ma`lumotlar. Biroq, bank faoliyatida eng ko`p tarqalgan nomoddiy aktiv gudvildir.

"Gudvill" - xaridor tomonidan bank sotib olinayotganda uning sof aktivlari qiymatidan yuqori to`lanadigan summa sifatida ta`riflanadi (barcha aktivlarning bozor narxi va barcha majburiyatlarning bozor narxi o`rtasidagi farq). Bu xaridorning bankni sotib olishda bankni xarid qilish o`z ichiga bank ham qarzidor, ham depozitor bo`lgan mijozlar bilan ko`p yillardan beri o`rnatgan munosabatlari ham kirishini tushunib etishini anglatadi.

Leveraj - bu bank jami aktivlarining kapital bilan ta`minlanganlik darajasini aks ettiruvchi ko`rsatkich. U birinchi darajali kapitalning nomoddiy aktivlar qiymati, jumladan, gudvillni chiqarib tashlagan holda umumiy aktivlar summasiga nisbati sifatida aniqlanadi.

Likvidlik - bu bank majburiyatlarini bajarish va aktivlar o`rnatishini moliyalash bilan birgalikda depozitlar va qarz mablag`lari darajasining pasayishini samarali boshqarishni bildiradi.

**Doimiy bo`lmagan majburiyatlar** istalgan vaqtda bankdan chiqib ketishi ehtimoli yuqori bo`lgan yirik bdepozitlar qarzlaridir. Bunday majburiyatlarga odatda quyidagilar xosdir:

- " nisbatan katta miqdorda bo`lishi;
- " so`ndirish muddatining qisqaligi;
- " majburiyatlar egalari bank bilan mazkur majburiyatlardan boshqa hech qanday bitimlar bilan bog`lanmagan bo`ladi.

Zahiralarning ortiqcha qismi - majburiy zahiralar fondiga ajratmalar miqdoridan oshadigan bank mablag`lari - bankning Markaziy bankdagi vakillik hisobvarag`idagi mablag`lar qoldig`i.

Likvid aktivlar - ularning yaxshi ma`lum bo`lgan bozor narxini shakllanishini ta`minlaydigan doimiy ravishda sotiluvchi va sotib olinuvchi aktivlarning alohida turi bo`lib, banklar ularni qisqa muddat ichida sotib olishga tayyor bo`lgan xaridorni topishi mumkin. Bunday aktivlar qatoriga naqd pullar, davlat qisqa muddatli obligatsiyalari, qisqa muddatli (etti kungacha) banklararo kreditlar. Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkiloti (OESR) davlatlari hukumatlari hamda fond bozori rivojlangan davlatlarining mashhur trans milliy kompaniyalarining qimmatli qog`ozlari ham yuqori likvidlikka egadir.

Nolikvid aktivlar - bu bozor narxini kotirovka bo`yicha aniqlash mumkin bo`lmagan va bu turdagi aktivlarning xarid narxi sotuvchi va xaridor o`rtasidagi kelishuv natijasida xususiy tarzda

aniqlanadigan aktivlarga aytiladi. Bunday aktivlarning qiymati katta miqdordagi o'zgarishlarga uchrab turishi taqqoslashni qiyinlashtiradi. Bu turdagi aktivlarga, masalan, Mkreditlar, qimmatli qog'ozlar bozorida kotirovkaga ega bo'lmagan yoki kotirovkasi qiyin bo'lgan qimmatli qog'ozlar, asosiy vositalar va boshqalar kiradi. Tezda naqd pul miqdorini oshirish uchun nolikvid aktivlarni sotish zarur bo'lgan holda bank ularni zarar ko'rgani holda sotishi mumkin.

Tijorat banklari faoliyatini baxolashning iqtisodiy ko'rsatkichlari

1. Bank kapitalining yetarlilik koeffitsienti – bank kapitalining o'z aktivlari bo'yicha riskni hisobga olgan holda o'rtacha tortilgan summasiga nisbati bilan aniqlanadi:

$$M_1 = K / Ar \quad (\text{min } 0.08)$$

Bunda K – bank kapitali,

Ar – risklarni hisobga olgan holda o'rtacha tortilgan aktivlar miqdori.

2. Bank kapitalining yetarlilik koeffitsienti - bank kapitalining o'z majburiyatlariga nisbati

$$M_2 = K / M \quad (\text{min } 0.10)$$

Bunda M-bank majburiyati

3. Lahzali likvidlik koeffitsienti-bankning yuqori likvid mablag'larining joriy majburiyatlariga nisbati sifatida aniqlanadi:

$$M_3 = LA / JM \quad (\text{min } 0.25)$$

Bunda LA-bankning pul shaklidagi aktivlari;

JM-bankning talab qilib olinguncha bo'lgan varaqalar bo'yicha majburiyatlari

4. Joriy likvidlik koeffitsienti – likvid shakldagi bank aktivlarining talab qilib olinguncha bo'lgan varaqalari bo'yicha va muddati 30 kungacha bo'lgan majburiyatlarga nisbati sifatida aniqlanadi:

$$M_4 = LA(1) / OV(1) \quad (\text{min } 0.3)$$

Bu yerda LA(1) – likvid aktivlar va bankning to'lash muddati 30 kungacha bo'lgan quyilmalari;

OV(1) – talab olinguncha bo'lgan mablag'lar va to'lash muddati 30 kungacha bo'lgan majburiyatlar.

5. Qisqa muddatli likvidlik koeffitsienti- to'lov muddati 30 kundan bir yilgacha bo'lgan bank aktivlarining bankning muddati 30 kundan bir yilgacha bo'lgan depozitlari va kapitalining yig'indisining nisbati bilan aniqlanadi:

$$M_5 = A / D + K \quad (\text{min } 1.0)$$

Bunda A-to'lash muddati 30 kundan bir yilgacha bo'lgan bank aktivlari;

D- muddati 30 kundan bir yilgacha bo'lgan depozitlar va jalb qilingan mablag'lar;

6. Bir qarz oluvchiga to'g'ri keladigan maksimal risk miqdori

$$M_6 = Yk / K \quad (\text{maks } 0.25)$$

Bu yerda Yk-bir mijozga berilgan eng yirik kredit miqdori qo'shilgan depozitlar bilan ta'minlanganligini chegirgan holda, shu mijozga bank tomonidan berilgan majburiyatlarning 75%i

7. Yirik kreditlar uchun maksimal risk miqdori- jami berilgan yirik kreditlar miqdorining bank kapitaliga nisbati bilan aniqlanadi:

$$M_7 = JYk / K \quad (\text{jami berilgan yirik kreditlar}$$

miqdori bank kapitalining 3

barovaridan ko'p bo'lmasligi kerak)

bu yerda JYk –jami yirik kreditlar

1. **Bir kreditor (jamg`armachi)ga to`g`ri keluvchi maksimal risk miqdori**-u olingan kredit, depozit, jamg`armalarning maksimal miqdorini bank kapitaliga nisbati sifatida aniqlanadi:

$$M_8 = M_m / K \quad (1.0 \text{ ga teng})$$

Bu yerda M_m - bankning jamg`armalar, olingan kreditlar, depozit varaqalari bo`yicha bir mijozga to`g`ri keluvchi jami majburiyatlari.

**Амалий машғулотларнинг материаллари
(масалалар, кейслар, team work, курс**

ишлари, лойиҳалар, семинарлар ва ҳ.к.).

1-масала.

Жадвал маълумотлари асосида қуйидагилар ҳисоблаб чиқилсин:

1) йиллик ўсиш суръати:

а) пул базаси;

б) муомаладаги нақд пуллар (агрегат М0);

в) пул массаси (агрегат М2);

г) кенг пуллар (агрегат М2Х);

2) пул мультипликатори миқдори;

3) нақд пулларнинг пул массасидаги (агрегат М2) улуши, %да.

Жадвал

	01.01.07й.	01.01.08й.	01.01.09й.
Захира пуллар (млрд сўм)	164,9	210,4	269,7
жумладан, банкдан ташқари пуллар	103,8	130,4	187,8
Талаб қилиб олинadиган депозитлар	87,3	162,5	149,5
Муддатли ва жамгарма депозитлар	97,2	81,2	111,0
Хорижий валютадаги депозитлар	69,4	80,5	190,9

Ечим.

1а. Пул базасининг йиллик ўсиши 2007 й. 27,6% (210,4: 164,9); 2008 й. - 28,2% (269,7: 210,4) ни ташкил қилди.

1б. Муомаладаги нақд пуллар (агрегат М0) йиллик ўсиши 2007 й. 25,6% (130,4: 103,8); 2008 й. - 44,1% (187,8:130,4) ни ташкил қилди.

1в. Пул массаси (агрегат М2) йиллик ўсишини ҳисоб-китоб қилиш учун пул массаси ҳажмини аниқлаш лозим. 01.01.07й. ҳолатида агрегат М2 288,3 млрд сўм (103,8+87,3+97,2); 01.01.08й. - 374,1 млрд сўм (130,4+162,5+81,2); на 01.01.09й. - 448,3 млрд сўм (187,8+149,5+111,0) бўлган. Бундан келиб чиқадики, 2007й. агрегат М2 ўсиш суръати 29,8%

(374,1: 288,3); 1998й. - 19,8% (448,3:374,1)ни ташкил этган.

1г. Кенг пуллар (агрегат М2Х) йиллик ўсишини ҳисоб-китоб қилиш учун кенг пуллар ҳажмини аниқлаш лозим. 01.01.07й. ҳолатида агрегат М2Х 357,7 млрд сўм (288,3+69,4); 01.01.08й. -454,6 млрд сўм (374,1+80,5); 01.01.09й. - 559,3 млрд сўм (448,3+111,0)га тенг бўлди. Бундан келиб чиқадики, агрегат М2Х ўсиш суръати 2007 й. 27,1% (454,6:357,7); 2008й. - 23,0% (559,3: 454,6)ни ташкил қилди.

2. Пул мультипликатори 01.01.07й. 1,75 (288,3: 164,9); 01.01.08й. - 1,77 (374,1: 210,4); 01.01.09й. -1,66(448,3:269,7)ни ташкил қилди.

3. Пул массасида (агрегат М2) нақд пуллар салмоғи 01.01.07й. - 36% (103,8: 288,3); 01.01.08й. -34,9% (130,4: 374,1); 01.01.09й. - 41,9% (187,8:448,3)ни ташкил қилган.

2-масала.

Жадвал маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилсин:

- 1) пул массасининг (агрегат М2) олдинги даврга нисбатан ўсиш ёки пасайиш суръати;
- 2) умумий пул массасида (агрегат М2) нақд пул (агрегат М0) салмоғи, сўнгра бу жараёндаги динамика.

	Жадвал			
	2008 й.		2009 й.	
	1.01	1.04	1.01	1.04
Жами (млрд сўм)	374,1	360,4	448,3	473,8
жумладан:				
нақд пуллар	130,4	119,1	187,8	174,1
талаб қилиб				
олинадиган, муддатли ва	243,7	241,3	174,1	299,7
жамғарма депозитлар				

3-масала.

Германия бўйича келтирилган маълумотлар асосида қуйидагилар аниқлансин:

- 1) турли агрегатлар бўйича пул массасининг ўсиш суръати;
- 2) пул массасининг айрим агрегатлари ривожланишида ижобий ёки салбий тенденциялар.

	Агрегат М1	Агрегат М2	Агрегат М3
2006 й. (млрд евро)	916,9	1315,9	2181,8
2007 й. (млрд евро)	938,0	1330,9	2259,7

2008 й. (млрд евро)	1042,1	1454,3	2425,7
2009 й. (млрд евро)	1089,0	2583,2	2777,6
февраль 2010 й. (млрд евро)	1102,5	2559,1	2758,5

Ечим. Нақд пул айланмасининг пул массасидаги салмоғи МО/МЗ нисбати билан аниқланади: $984,7 / 2540,6 = 6,39$.

Пул мультипликатори $0,639 (6,39:10)$ га тенг бўлади.

4-масала.

Маълумки, 2010 йил январиди нақд пул айланмаси (агрегат МО) 1093,1 млрд ДМ, пул агрегати (МЗ) — 2746,9 млрд ДМ, МБ мажбурий захиралар ставкаси — 10%га тенг. Аниқлаш керак:

- 1) пул массасида (агрегат МЗ) нақд пул айланмаси улуши;
- 2) пул мультипликатори.

Пул муомаласининг муҳим тавсифномаси пул базасини ҳисоб-китоб қилиш ҳисобланади. *Пул базаси* нақд пул, тижорат банклари корреспондентлик счетларидаги маблағлар ва марказий банкдаги мажбурий захиралар йиғиндисини ифодалайди.

Пул базасини ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формула аниқланади:

$$ДБ = Н + К + О,$$

бу ерда:

Н – нақд пул,

К – тижорат банклари корреспондентлик счетларидаги маблағлар,

О – марказий банкдаги мажбурий захиралар.

5-масала.

Маълумки, 2006 й. Германияда муомаладаги нақд пуллар 246,8 млрд ДМ, тижорат банкларининг корреспондентлик счетларидаги маблағлар — 2745,0 млрд ДМ, марказий банкдаги мажбурий захиралар — 39522 млрд ДМни ташкил қилди.

Ечим. 2006 йил учун пул базасини ҳисоблаб чиқамиз.

$$ДБ = 246,8 + 2745,0 + 39\,522 = 42\,513,8 \text{ млрд ДМ.}$$

6-масала.

Жадвал маълумотларидан фойдаланиб:

- 1) ҳар бир йил учун пул базасини ҳисоблаб чиқинг;

- 2) пул базаси динамикасини ва унинг бутун мамлакат пул муомаласи учун аҳамиятини аниқланг.

Жадвал

Й иллар	Нақд пул, млрд ДМ	Тижорат банкларининг корреспондентлик счетларидаги маблағлар, млрд ДМ	Марказий банкдаги мажбурий захиралар, млрд ДМ
2007	241\$	2903,3	41721

008	2	242,6"	3043,8	46432
-----	---	--------	--------	-------

7-масала.

Маълумки, 2006 й. ялпи миллий маҳсулот ҳажми 3549,6 млрд ДМ, пул массаси (агрегат М1) - 916,9 млрд ДМни ташкил қилган. Пул муомаласи тезлигини аниқлаш талаб этилади.

Ечим. Келтирилган формуладан келиб чиқиб, пул муомаласи тезлиги қуйидагича бўлади: $5,87 = 3549,6:916,9$.

8-масала.

Жадвал маълумотлари асосида аниқланг:

- 1) ҳар йили пул муомаласи тезлиги қандай;
- 2) пул муомаласи тезлиги ўзгаришида қандай тенденция кузатилмоқда?

Бунда шуни эътиборга олиш керакки, пул муомаласи тезлигининг ўсиши пул массаси ортишига тенг, бу эса инфляция жараёнларининг кучайишига хизмат қилади.

Жадвал

Йиллар	Йил	ЯММ млрд ДМ	Пул массаси (агрегат М1), млрд ДМ
07	20	3601,1	938,0
08	20	3678,6	1042,1

Реал ЯММни (ёки ЯММ ўзгармас нархларида ялпи ички маҳсулот) тавсифлаш учун дефлятордан фойдаланилади. *Дефлятор* бу – нарх ўсиши индексларидан бири бўлиб, у ўзгармас нархларга қайта ҳисоблаш коэффициентини ифодалайди.

бу ерда

T – жорий нархдаги ЯММ (ЯИМ);

H – ўзгармас нархларда ЯММ (ЯИМ).

9-масала.

Маълумки, 2007 й. ялпи миллий маҳсулот (ЯИМ) жорий нархларда 3624,0 млрд ДМ, 2001 йилги ўзгармас нархларда 3101,4 млрд ДМни ташкил қилган. ЯММ дефляторини аниқланг.

Ечим. 2007 й. ЯММ дефлятори қуйидагига тенг бўлади:

$$3624,0:3101,4 = 1,17.$$

10-масала.

Йил давомида ойлик инфляция даражаси 3%га тенг. Йил давомидаги инфляция даражасини аниқлаш талаб қилинади.

- 1) йил давомида инфляция индексини аниқлаймиз:

$$In = (1 + r_n)^n = (1 + 0,03)^{12} = 1,47;$$

- 2) йил давомида инфляция даражаси қуйидагига тенг бўлади:

$$r = In - 1 = 1,47 - 1 = 0,47 = 47\%.$$

Жавоб: йил давомида инфляция даражаси 47%ни ташкил этади.

11-масала.

Ойлик инфляция даражаси 10%. Йил давомидаги инфляция индекси ва йиллик инфляция даражасини аниқлаш лозим.

1) йил давомида инфляция индекси қуйидагига тенг:

$$In = (1 + 0,1)^{12} = 3,45;$$

2) йил давомида инфляция даражаси қуйидагига тенг:

$$r = 3,45 - 1 = 2,45 = 245\%.$$

Жавоб: йил давомида инфляция индекси 3,45ни ташкил қилади; йил давомида инфляция даражаси эса 245%га тенг бўлади.

12-масала.

Ойлик инфляция даражаси 6%.

Йил давомида инфляция индекси ва инфляция даражаси аниқлансин.

1) $In = (1 + 0,06)^{12} = 2,01;$

2) $r = 2,01 - 1 = 1,01 = 101\%.$

Жавоб: йил давомида инфляция индекси 2,01ни ташкил этади; инфляция даражаси 101%га тенг бўлади.

13-масала.

50 000 сўм миқдоридаги омонат банкка 3 йилга ҳар ой мураккаб фоизлар ҳисоблаш шартида қўйилган. Омонат бўйича йиллик ставка - 30%. Инфляция даражаси – ойига 4%. Аниқлаш керак:

а) фоизлар билан бирга омонат миқдори;

б) уч ой учун инфляция индекси;

в) харид лаёқати нуқтаи назаридан фоизлар билан бирга омонат миқдори;

г) харид лаёқати нуқтаи назаридан омонат кўювчининг реал даромади.

бу ерда

i_n – ҳисоблаб чиқиш даври учун ставка;

$$S = 50\,000 * (1 + 0,3/12)^3 = 55\,190 \text{ (сўм);}$$

$$In = (1 + r_n)^n = (1 + 0,04)^3 = 1,17;$$

$$Pr = S/In = 55\,190/1,17 = 47\,171 \text{ (сўм);}$$

$$Д = Pr - P = 47\,171 - 50\,000 = -2829 \text{ (реал зиён).}$$

14-масала.

350 000 сўм миқдоридаги омонат банкка ярим йилга ҳар ой мураккаб фоизлар ҳисоблаш шартида қўйилган. Омонат бўйича йиллик ставка – 35%. Инфляция даражаси – ойига 10%.

Аниқлаш керак:

а) фоизлар билан бирга омонат миқдори (S),

б) 6 ой учун инфляция индекси (In),

в) харид лаёқати нуқтаи назаридан фоизлар билан бирга омонат миқдори (Pr),

г) харид лаёқати нуқтаи назаридан омонатчининг реал даромади ($Д$).

15-масала.

Банк 6 ой муддатга 1 млн сўм миқдорида кредит берди. Кутилаётган ойлик инфляция даражаси - 2%. Операциянинг талаб қилинадиган реал даромадлилиги – йиллик 5%.

Аниқлаш керак:

а) кредит муддатида инфляция индекси (In),

б) инфляцияни ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича фоиз ставкаси (I_r);

- в) тўланадиган сумма (S),
- г) кредит бўйича фоиз миқдори (I).

16-масала.

1 млн сўм кредит 17.05.1999 й.дан 22.08.1999 й.гача бўлган муддатга берилган. Кредит беришда ҳисоблаймизки, кредитни тўлаш вақтига келиб нарх индекси 1,2ни ташкил қилади. Кредит операциясининг талаб қилинадиган реал даромадлилиги – йиллик 4%. Йил давомидаги кунлар ҳисоб-китоб сони – 360 кун.

Аниқлаш керак:

- а) инфляцияни ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича фоиз ставкаси (I_n),
- б) тўланадиган сумма (S_r);
- в) кредит учун фоиз миқдори (I).

17-масала.

Вексель банкда унинг пулини қайтариб бериш муддатидан ярим йил олдин ҳисобга олинади. Ойлик инфляция даражаси - 3%. Ҳисобга олиш операциясининг реал даромадлилиги – йиллик 5% (кредит операциялари реал даромадлилигига мос келади).

Аниқлаш керак:

- а) ҳисобга олиш санасидан пулини қайтариб бериш муддатигача бўлган муддатда инфляция индекси (I_n);
- б) инфляцияни ҳисобга оладиган кредит бўйича фоиз ставкаси (I_r);
- в) операция даромадлилиги (d).

18-масала.

Мамлакатда номинал ЯММ ҳажми 4000 млрд сўм, пул муомаласи тезлиги 4га, пул мультипликатори эса - 0,16га тенг. Қанча миқдорда пул маблағлари зарур?

19-масала.

Мижоз 10 йил муддатга йиллик 50% ставкада 1000 сўм миқдорида депозит киритди. У 10 йилдан кейин банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб этилади.

20-масала.

1000 сўм миқдорида депозит қўйилма банкка 120 кунга 6% остида қўйилди. Мижоз 120 кундан кейин банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб этилади.

21-масала.

1000 сўм миқдорида депозит қўйилма банкка олти ойга 6% остида қўйилди. Мижоз олти ойдан кейин банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб этилади.

22-масала.

Мижоз банкка саккиз ой муддатга 5% остида 15000 сўм қўйди. У қанча даромад олишини аниқлаш зарур.

23-масала.

Фирма тижорат банкига шу йилнинг 9 ноябридан 21 ноябригача 28 млн сўм маблағ киритди. “Талаб қилиб олинадиган” қўйилмага йиллик 36% ҳисобланади. Фоизлар йилдаги тахминий кунлар сони билан оддий. Киритилган маблағга олинадиган даромадни аниқланг.

24-масала.

20.05. йиллик 120% ставка бўйича жамғарма счёти очилишида 100 минг сўм маблағ қўйилган. Сўнгра бу счётга 05.07. яна 50 минг сўм қўшимча қўйилган, 10.09. эса счётдан 75 минг сўм олинган, 20.11. счёт ёпилган. Мижоз счёт ёпилган пайтга келиб олган пул умумий миқдорини аниқланг.

Ечим. Маблағларнинг счётга келиб тушиши қуйидагича бўлди:

$$100 + 50 - 75 = 75 \text{ минг сўм.}$$

Фоиз рақамларини аниқлашда ҳар бир ой 30 кундан иборат, йилдаги кунлар ҳисоб-китоб сони эса 360 кун (германияча амалиёт) деб ҳисоблаймиз.

Бу ҳолатда 100 минг сўм пулни сақлаш муддати қуйидагини ташкил этади: $12+30+5-1=46$ кун;

минг сўм пулни сақлаш муддати: $27+30+10-1=66$ кун;

75 минг сўм пулни сақлаш муддати: $21+30+20-1=70$ кун;

Рақамлар йиғиндиси =

Доимий бўлувчи = .

Фоизлар сўм

Счёт эгаси унинг ёпилишида қуйидаги миқдорда пул олади:

$$75000 + 65833,33 = 140\,833,33 \text{ сўм}$$

25-масала.

Корхона икки йил муддатга йиллик 15% ставкада 100 млн сўм кредит олди, кредит муддати тугагач, у ссудани фоизлар билан қайтариб бериши лозим. Корхона қанча пул тўлаши лозим? Фоизлар оддий.

26-масала.

Фирма бир йил муддатга йиллик 16% ставкада 300 млн сўм миқдорида кредит олди. Тўланадиган кредит миқдорини аниқланг.

27-масала.

Ёш оила банкдан уй-жой қурилиши учун йиллик 16% оддий ставкада уч йил муддатга 60 млн сўм миқдорида ссуда олди. Кредит миқдори ва фоизларни аниқланг.

Тестлар

1. Пул:

- А) Товарлар кийматини улчай олади
- Б) Муомала воситаси вазифасини бажаради.
- В) Жамгаришнинг энг кулай усули булиб, муомала воситаси вазифасини и бажаради, товарларнинг кийматини улчайдиган тулов воситасидир.
- Г) Тулов воситаси ҳисобланади

2. Пулнинг ликвидлиги деганда:

- А) Жамгарилла бориб харид қобилиятини сакловчи барча пул воситалари тушунилади
- Б) Пулнинг ҳамма ерда унда белгиланган номиналга қараб тулов учун қабул қилиниши тушунилади
- В) Пул бирлигининг харид қилиш қобилияти тушунилади
- Г) Пулнинг қадрсизланиши

3. Нима учун қийматнинг пул шаклидаги эквивалентга ўтиш зарурияти туғилди

- Чунки товар айирбошлаш жараёнида
- А) Муайян ҳудуд доирасида қенг ривожланиб кетди
- Б) Битта товар ўз қийматини фақат битта товарда ифода этишини тақозо этади
- В) Ҳалқаро миқёсда қенг ривожланиб кетди
- Г) Турли товарлар учун умумий эквивалент

4. Пул муомаласи деганда:

- А) Пулнинг товар ва хизматларни харид этиш, чет эл валюталарига алмаша олиш қобилияти тушунилади
- Б) Пулнинг товар ва хизматлар олди-сотдиси жараёнидаги ўзлуксиз ҳаракати тушунилади
- В) Пул массаси ҳажми ва таркиби тушунилади
- Г) Муомалага чиқарилган металл тангалар ва қогоз пуллар (ҳазина ва банк билетлари) нинг қами миқдори тушунилади

5. Муомала воситаси деганда:

- А) Пулнинг товарни харид этиш ёки товарни пулга айирбошлаш вазифасини бажариши тушунилади
- Б) Пулнинг ўзида ижтимоий меҳнатни муҳассамлаштириш тушунилади
- В) Пулнинг жамланган бойлик шаклига қириш тушунилади
- Г) Пулнинг мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-қитоблар, товарлар ва хизматлар учун туловларни бажариши тушунилади

6. Қайси мамлакатда пул вазифасини бугдой бажарган?

- А) Римда
- Б) Африқада
- В) Қадимги Мисрда
- Г) Ҳитойда

7. Куйидагиларнинг кайси бири айирбошлаш чогида пул вазифасини бажарган?

- А) Чорва
- Б) Кимматли чиганок, кимматбахо металллар
- В) Туз, чой, асал, Бугдой
- Г) нотугри жавоб йук

8. Пулнинг пайдо булиши :

- А) Кийматнинг оддий еки тасодифий шаклининг вужудга келиши билан боглик
- Б) Кийматнинг тула еки кенгайган шаклининг вужудга келиши билан боглик
- В) Товар ишлаб чикариш ва айирбошлаш жараенининг тобора ривожланиб бориши билан боглик
- Г) Кийматнинг умумий эквивалент шаклига утиши билан боглик

9. Нима учун оддий еки тасодифий киймат дейилади?

- Чунки дастлабки айирбошлаш:
- А) Ишлаб чикарувчилар тасодифан учрашиб колгандагина юз берган
 - Б) Ута содда тусга эга булган яъни махсулот айирбошладими еки йукми-эгаси учун хеч кандай иктисодий ахамиятга эга булмаган.
 - В) Мехнат махсулининг эндигона товарга айланганлигини ифодалайди
 - Г) Истеъмолни кондириш биринчи даражали, товарлар кийматини таккослаш эса иккинчи даражали масала булган

10. Нима учун тула еки кенгайган киймат дейилади?

- Чунки айирбошлаш жараенида:
- А) Бир товарга карама карши факат битта товар эмас, балки факат битта товарлар иштирок этади
 - Б) Бир товарга карама карши куп турдаги товарлар эмас, балки факат битта товар иштирок этади
 - В) Бир неча товарлар уз кийматини факат битта товарда ифода этади.
 - Г) Оддий товар куринишидаги умумий эквивалент урнига пул шаклидаги эквивалент келади вужудга келади

11. Миллий пулимиз- сумни жорий килиш йулининг узига хос хусусияти нимада булди ?

- А) Аввало, у бошка мамлакатлар тажрибасига таянди.
- Б) Халол ишлаб топилган пулнинг 2/3 кismi алмаштириладиган булди
- В) Янги ва эски пул нисбати 1:1000 булди
- Г) Нотугри жавоб йук

12. Куйидаги кайд килинган пул бирликларининг кайси бири Буюк Британиянинг миллий пули хисобланади.

- А) Доллар
- Б) Марка
- В) Фунт стерлинг
- Д) Франк

13. "Сўм-купон" қанча вақт муомалада бўлди?

- А) 1993-йил ноябрдан 1994-йил 1-августгача.
- Б) 1992-йил ноябрдан 1994-йил 1-июлгача.
- В) 1993-йил декабрдан 1994-йил 1-июлгача.

Г) 1994-йил январдан 1994-йил 1-ноябргача.

14. Конвертирланган сўм деганда:

А) Муайян валютанинг бошқа валютага алмашуви тушунилади.

Б) Сўмнинг бошқа валютага алмашуви тушунилади.

В) Пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланганлиги тушунилади.

Г) Сўм курсининг расмий кўтарилиши.

15. Сўмнинг эркин айланиши (конвертирланиши)ни таъминлаш учун:

А) Иқтисодиётни монополиядан чиқариш керак, хусусий секторни ривожлантириш лозим.

Б) Инфляцияни тизгинлаш керак.

В) Жаҳон нарх-навосидан келиб чиққан ҳолда тенг халқаро товар айирбошлашга эришиш керак.

Г) Ҳамма жавоблар тўғри.

16. Миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини таъминлаш учун:

А) Истеъмол бозорини хориждан келтириладиган молар билан рақобат қила оладиган ўз молимизни ишлаб чиқаришга зўр бериш зарур.

Б) Экспорт қилинадиган молларни бутун чоралар билан камайтириш.

В) Энергия манбалари ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олиш.

Г) Аҳоли ва корхоналарнинг вақтинча эркин маблағларини жалб этиш керак.

17. Қуйида қайд этилган пул шакллариининг қайси бири "банкнот" деб юритилади:

А) Товар шаклидаги пул.

Б) Танга пуллар.

В) *Қоғоз пуллар.

Г) Электрон пуллар.

18. Қуйида қайд этилганларнинг қайси бири кредит пуллари ҳисобланади?

А) Банкнотлар, Векселлар, Чеклар. Кредит карточкалари

Б) Векселлар, акциялар, облигациялар

В) Чеклар, облигациялар

Г) акция, облигация, варрант

19. Кредит пуллари:.

А) Давлат хазинасидан муомалага чиқаради.

Б) Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилади.

В) Банкларнинг олтин захиралари билан таъминланмаган.

Г) Барқарор муомала воситаси бўла олмайди.

20. Чек бу;

А) Марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган фойсиз кредит билетидир.

Б) Қўшимча маҳсулотнинг пул шакли.

В) Акционер жамият фойдасининг акция эгасига тегадиган, бинобарин, унинг даромадига айланган қисми.

Г) Имзолаганнинг жорий ҳисобида муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкга берилган ёзма фармойишни ифода этувчи ҳужжат.

21. Вексел:

- А)Сотилмайди.
- Б)Кредит шартномаси
- В)Олди-сотди битимида иштирок этмайди
- Г) Тўлов воситаси вазифасини бажариши мумкин.

22. Векселнинг амал қилиш муддатини чўзиш бу:

- А) Векселни инкассация қилишни англатади.
- Б)Векселни домисияция қилишни англатади.
- В)Векселни пролонгация қилишни англатади.
- Г)Векселни дисконт қилишни англатади.

23. Векселни банклар томонидан муддатидан илгари, номиналидан паст нархда сотиб олиниши:

- А)Векселни пролонгация қилишни англатади.
- Б)Векселни дисконт қилишни англатади.
- В)Векселни инкассация қилишни англатади.
- Г) Векселни домисияция қилишни англатади

24. Ўтказма вексел эгаси:

- А) Трассант деб номланади.
- Б) трассат деб номланади.
- В)Тратта деб номланади.
- Г)Индоссамент деб номланади.

25. Пул агрегати деганда

- А) Накд пуллар тушунилади
- Б) Маълум муддатга банкка куйилган пуллар тушунилади
- В) Маълум муддатсиз банкка куйилган пуллар тушунилади
- Г) Барча наkd пуллар, маълум муддатга ёки муддатсиз банкка куйилган пуллар, сертификатлар тушунилади

26. Куйида кайд этилган пул шакллариининг кайси бири «банкнот» деб юритилади:

- А) «Товар шаклидаги пул» (б.а.о. VII асргача)
- Б) «Танга пуллар» (б.а.о. VII-XIX аср)
- В) «Когоз пуллар» (XIX-XX аср)
- Г) «Электрон пуллар» (XIX-XX аср)

27.Узаро ҳисоб-китобларда кулланиладиган чек:

- А) Марказий банк томонидан ёзиб берилади
- Б)Тижорат банклари томонидан ёзиб берилади
- В) Сотиб олувчи томонидан ёзиб берилади
- Г) Сотувчи томонидан ёзиб берилади

28.Кредит карточкаси - бу:

- А) Марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган фойзсиз кредит билетидир
- Б) Муайян микдордаги қарзни белгиланган муддатда қатъий тулаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тулдириб

расмийлаштирилган карздорлик тилхати

В) Имзолаганнинг жорий хисобидан муайян суммани бериш ёки бошка хисобга утказиш хакида банкка берилган ёзма фармойишни ифода этувчи хужжат

Г) Банк ёки махсус кредит (савдо) муассаси томонидан бирор киши номига берилган пул хужжати

29. Электрон пул - бу:

- А) «Куйма» шаклдаги пул
- Б) «Кредит карточкаси» шаклидаги пул
- В) «Банкнот» шаклидаги пул
- Г) «Чек» шаклидаги пул

30. Куйида кайд этилганларнинг кайси бири кредит пуллари хисобланади?

- А) Банкнотлар
- Б) Векселлар
- В) Кредит карточкалари
- Г) Банкнотлар, векселлар, чеклар ва кредит карточкалари

31. Тулов жараёнларида бевосита иштирок этаётган, харакатдаги пул массаси:

- А) актив пул обороти деб юритилади
- Б) пассив пул обороти деб юритилади
- В) муқим пул обороти деб юритилади
- Г) «иссик» пуллар иштирокидаги пул обороти деб юритилади

32. Куйидагиларнинг кайси бири муомаладаги нақд пул массасининг таркибига киради?

- А) Аҳоли кулидаги нақд пуллар
- Б) Иш юритувчи барча субъектларнинг касса колдиклари
- В) Барча банкларнинг оборот кассаларидаги нақд пуллар киради
- Г) Аҳоли кулидаги нақд пуллар, иш юритувчи барча субъектларнинг касса колдиклари, жамоа ташкилотларининг касса колдиклари, барча банкларнинг оборот кассаларидаги нақд пуллар киради

33. Мол етказиб берувчи учун жуда қулай хисобланган хисоб-китоб шаклини курсатинг

- А) Хужжатлаштирилган аккредитив
- Б) Инкассо
- В)* Тулов талабномаси
- Г) Тулов-талабнома топширикномалари

34. Нақд пулсиз хисоб-китобларда қўлланувчи қуйидаги хужжатларнинг кайси бирини молиявий хужжат дейиш мумкин?

- А) Счет фактура
- Б) Тижорат вексели
- В) Сугурта полюси
- Г) Товарнинг сифат сертификати

35. Сўм қачон муомалага киритилган?

- А) 1991 йил 2 ноябр;
- Б) 1992 йил 29 декабр;
- В) 1993 йил 21 март;
- Г) 1994 йил 1 июл.

36.Пул тизимининг элементини топинг.

- А) пул бирлиги;
- Б) вексель;
- В) Марказий банк;
- Г) тўғри жавоб йук .

37.Қоғоз – кредит пул тизими нима?

- А) метал пулларнинг муомалада бўлиши
- Б) банкноталарнинг муомалада бўлиши
- В) пулни давлат томонидан бошқарилиши
- Г) тўғри жавоб йук.

38.Пул тизими деганда:

- А).Пул муомаласини қонуний ва мутаносиб равишда ташкил қилишда қўлланиладиган услублар мажмуасидир.
- Б). Параллел валюталар тизими тушунилади.
- В). Икки ёқлама валюта тизими тушунилади.
- Г). "Оқсоқланувчи" валюта тизими тушунилади.

39. Пул бирлиги деганда:

- А). Мамлакатда пул бирлигининг олтинга тенг қисми тушунилади.
- Б). Мамлакатдаги тўлов воситаси бирлиги тушунилади.
- В). Баҳо масштаби тушунилади.
- Г). Муомаладаги пул массасини тартибга солувчи бирлик тушунилади.

40.Эмиссия деганда:

- А). Товар, хизмат ва капиталларни мамлакат ташқарисига чиқариш тушунилади.
- Б). Қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ҳуқуқи берилган банклар тушунилади.
- В). Қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ҳуқуқи берилган кооперативлар, акционерлик жамиятлари тушунилади.
- Г). Муомалага банк билетлари чиқарилиши тушунилади.

41.Баҳо масштаби деганда:

- А). Махсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини пулда ифодаланиши тушунилади.
- Б).Товарлар қийматини ўлчаш ва муомала воситаси сифатида хизмат қилувчи бирлик тушунилади.
- В). Мамлакат пул бирлигининг олтинга тенг қисми тушунилади.
- Г). Мамлакатдаги тўлов воситаси бирлиги тушунилади.

42.Биметализм деганда:

- А).Олтин ва кумушга қонуний тартибда умумий эквивалент ролини бириктириб қўйилиши тушунилади.
- Б). Битта металлга барча товарлар қийматини ўзида акс эттирувчи умумий эквивалент ролини бириктириб қўйилиши тушунилади.

В). Пулни олқишловчи назария тушунилади.

Г). Олтинни пулнинг барча вазифаларини бажаришдан маҳрум этилиши тушунилади.

43.Монометаллизм деганда:

А). Параллел валюта тизимиға қонуний тартибда умумий эквивалент ролини бириктириб қўйилиши тушунилади.

Б). Икки ёклама валюта тизимиға қонуний тартибда умумий эквивалент ролининг бириктириб қўйилиши тушунилади.

В). "Оқсоқланувчи" валюта тизимиға қонуний тартибда умумий эквивалент ролининг бириктириб қўйилиши тушунилади.

Г). Битта металлға барча товарлар қийматини ўзида сақловчи умумий эквивалент ролини бириктириб қўйилиши тушунилади.

44.Параллел валюта тизимида:

А). Олтин ва кумуш тангалар қонуний тўлов воситалари ҳисоблансаларда, кумуш тангаларни ёпиқ тарзда , олтин тангаларни зарб этиш эса эркин бўлган.

Б). Олтин ва кумуш тангалар ўртасидаги нисбат давлат томонидан белгилаб қўйилган.

В). Олтин ва кумуш тангалар ўртасидаги нисбат бозор баҳоларига мос равишда стихияли тарзда ўрнатилган.

Г). "Биметаллизм ўзининг кумуш оёғида оқсаб қолган".

45. Пулнинг муомаладаги барқарорлиги:

А) пулга бўлган таклифга боғлиқ

Б) пулга бўлган талабга боғлиқ

В) нарх-наво даражасига боғлиқ

Г) нотўғри жавоб йўқ

46. Пул муомаласини барқарорлаштиришга эришиш мумкин:

А) нуллификация усули ёрдамида

Б) ревальвация усули ёрдамида

В) девальвация усули ёрдамида

Г)* нотўғри жавоб йўқ

47. Инфляция шароитида:

А) қарз берганлар ютса, қарз олганлар ютқазади

Б) пулга тенглаштирилган қоғозлар, суғурта полислари ва бошқа қимматли қоғозларнинг реал қиймати ошади

В) ишсизлар сони камайиб боради

Г) тўлов баланси тақчиллик томон ўрмалайди

48.Инфляциянинг иқтисодий танглик билан биргаликда юз бериши:

А) ўрмаловчи деб аталади

Б) сузиб юрувчи инфляция деб аталади

В) гиперинфляция деб аталади

Г)* нотўғри жавоб йўқ

49.Пулнинг қадрсизланиши ва унинг олдини олишнинг монетар усулига:

А) ижтимоий ҳимоя бўйича тадбирлар киради

Б)бюджет ва сарф-харажатларини режалаштириш бўйича тадбирлар киради

В) иқтисодий ривожланиш суръатларини ошириш сиёсати киради

Г) харажатдаги пул миқдорини белгилаш, уни қатъий назорат қилиш тадбирлари киради

50.Сузиб юрувчи инфляция шароитида:

- А) инфляция йилига 8-12фоиз атрофида бўлади
- Б) инфляция суръатлари 3-10 фоиз атрофида бўлади
- В) нархлар ойига 40-50 фоиз атрофида ўсади
- Г) ишсизлик камаяди

51. Қуйида қайд этилганларнинг қайси бири инфляцияни вужудга келтирувчи сабаблар ҳисобланади.

- А) Давлат бюджети тақчиллиги .
- Б) Кредитнинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши .
- В) Мамлакат тўлов балансининг пассив бўлиши.
- Г) Нотўғри жавоб йуқ.

52. Ортиқча таклиф таъсири остида вужудга келган инфляция одатда:

- А) Маҳсулот бирлигига кетган харажатларнинг ортиши оқибатида содир бўлади.
- Б) Муомаладаги товарларнинг жами талабдан орқада қолиши оқибатида содир бўлади .
- В) Муомаладаги хизматларнинг жами талабдан орқада қолиши оқибатида содир бўлади.
- Г) Муомаладаги товар ва хизматларнинг талабдан орқада қолиши нархдан орқада қолиш нархнинг ошиши оқибатида содир бўлади.

53. Инфляциянинг иқтисодий танглик билан биргаликда юз бериши:

- А) Ўрмаловчи, эвида бўладиган инфляция деб аталади.
- Б) Стагфляция деб аталади .
- В) Сузиб юрувчи инфляция деб аталади.
- Г) Югурувчи инфляция еки гиперинфляция деб аталади.

54.Ўрмаловчи,эвида бўладиган инфляция шароитида :

- А) Нарх-наво шиддат билан ўсади ,пул қадри ғоят тез пасаяди.
- Б) Нарх –наво тезроқ ўса бошлайди,иқтисодий ўсиш суръатлари сусаяди ,ишсизлар сони кўпая боради
- В) Нарх –наво секин аста орта бошлайди,иқтисодий ўсиш бўлиб туради, ишсизлик юқори бўлмайди.
- Г) Иқтисодий танглик инфляция билан биргаликда юз беради.

55. Нулификация деганда :

- А) Давлат томонидан расмий равишда валюта курсининг пасайтирилиши тушунилади.
- Б) Эски қадрсизланган пул бирликларидан батамом воз кечилиши муомалага янги пул бирликлари чиқарилиши тушунилади.
- В) Валюта курсининг расмий оширилиши тушунилади
- Г) Бирор ҳужжатнинг ҳуқуқий кучини барқарорлаштирилиши тушунилади

56.Девальвация усули

- А) Инфляция даражаси жуда юқорилашиб кетган ҳолларда қўлланилади .
- Б) Муомаладаги қўғоз пуллар кам миқдорда қадрсизланган ҳолларда қўлланилади
- В) Экспортни рағбатлантириш импортни эса қискартириш ва шу йўл билан тўлов мувозанатини яхшилаш учун қўлланилади
- Г) Муомалада керагидан ортиқча пул пайдо булган ҳолларда қўлланилади .

57. Давлат бюджетининг камомоди қандай кўрсаткичга нисбатан аниқланади?

- А). Бюджет харажатларига нисбатан
- Б). Миллий даромадга нисбатан
- В). Ялпи ички маҳсулотга нисбатан
- Г). Бюджет даромадларига нисбатан

58. Бюджет камомоди қандай манбаалардан қопланиши режалаштирилган? Нотўғриси кўрсатинг.

- А). Марказий банк кредити
- Б). Ҳукумат қимматли қоғози
- В). Пул эмиссияси
- Г). Давлат мулкани хусусийлаштириш

59. Ҳозирги кунда қуйидаги гаров объектларидан қайси бири Ўзбекистон Республикасининг банк амалиётида кенг қўлланилмоқда?

- А). Ер;
- Б). Ҳукуматнинг облигациялари;
- В). Тўланмаган счётлар;
- Г). Товар-моддий қимматли буюмлар ва мол-мулклар;

60. Кредитнинг таъминланганлик объектларидан қайси бири энг юқори ликвидлик хусусиятига эга?

- А). Йирик саноат корхоналарининг облигациялари;
- Б). Ҳукуматнинг облигациялари;
- В). Товар-моддий қимматликлар;
- Г). Тўланмаган счётлар;

61. Револиялаштириш сиёсати деганда нима тушунилади?

- А). Марказий банкнинг тижорат банкларига векселларни ва қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредит бериши тушунилади.
- Б). Давлат бюджетининг харажатлари молиялаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларининг берилиши тушунилади;
- В). Муддатида тўланмаган кредитларни қайтадан молиялаштириш тушунилади;
- Г). Банклардаги кредит ресурсларининг маълум қисмини марказий банкдаги % сиз счётларга олиб қўйиш тушунилади;

62. Мажбурий захиралар сиёсатини амалга оширишдан мақсад:

- А). Тижорат банкларининг кредит фаолиятига таъсир кўрсатиш;
- Б). Депозитларни ҳимоя қилиш;
- В). Банкларнинг ликвидли маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш
- Г). Марказий банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш;

63. Мажбурий захиралар ставкаси ўта минимал бўлган давлатни кўрсатинг:

- А). Америка
- Б). Ўзбекистон
- В). Япония
- Г). Россия федерацияси

64. Мажбурий захиралар счётига % тўлайдиган давлатни кўрсатинг:

- А). Германия;

- Б).Италия;
- В).АКШ;
- Г).Франция;

65.Туркумланган кредитларнинг қайси бирига нисбатан 100 % ли ажратма ставкаси қўлланилади?

- А).Субстандарт кредитлар;
- Б).Шубхали кредитлар;
- В).Зарар келтирувчи кредитлар;
- Г).Умидсиз кредитлар.

66.Туркумланадиган кредитларнинг қайси бирига нисбатан 50-70 % ли ажратма ставкаси қўлланилади?

- А).Субстандарт кредитлар;
- Б). Шубхали кредитлар;
- В).Зарар келтирувчи кредитлар;
- Г).Умидсиз кредитлар

67.Қуйидаги % ставкаларидан қайси бирини «шубхали» ссудаларга хос ставка деб ўйлайсиз?

- А).10%
- Б).20%
- В) 50%
- Г).100%

68. Кредит линия (credit line) си нима?

- А) Узок муддатли кредитлаш шаклларида бири
- Б) Банк ва мижоз уртасида кредитнинг максимал йиғиндиси тўғрисидаги келишув
- В) Бир маротабалик битимларни молиялаштириш мақсадида бериладиган кредит
- Г) Банк томонидан мижознинг тўлов ҳужжатларини тўлаш учун кредит бериш

69. Кредит карточкалари ким томонидан берилади?

- А) Марказий банк томонидан берилади
- Б) Сотувчилар ёки сотиб олувчилар томонидан берилади
- В) Фонд биржалари томонидан берилади
- Г) Тижорат банклари томонидан берилади

70.Қуйидагиларнинг қайси бири кредит пуллари бўлиб ҳисобланади:

- А) Давлат хазинасидан муомалага чиқарилган пуллар
- Б) СДР, ЭКЮ
- В) Акция ва облигациялар
- Г) Банкнот, чек ва векселлар

71.Ўзбекистон Республикасида кредит ресурслари бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган энг асосий омиллар нималардан иборат?

- А) Банклараро рақобат муҳитининг тўла шаклланмаганлиги
- Б) Векселли ва ломбардли кредитларнинг ривожланмаганлиги
- В) Очиқ бозор операцияларининг ривожланмаганлиги

Г) Кредит ресурсларига бўлган талабнинг катта эмаслиги, банклараро рақобат муҳитининг тўла шаклланмаганлиги, векселли ва ломбардли кредитларнинг ривожланмаганлиги, очиқ бозор операцияларининг ривожланмаганлиги

72.Қуйидаги сабабларнинг қайси бири сўмнинг конвертирланмаслигига олиб келиши мумкин?

- А) Валюта курси номувофик қуйилган бўлса
- Б) Товар рақобатга бардош бера олмаса
- В) Экспорт-импорт сиёсати мукамал бўлмаса
- Г) Валюта курси номувофик қўйилган бўлса, ички баҳолар тўғри ўрнатилмаган бўлса, товар рақобатга бардош бера олмаса, экспорт-импорт сиёсати мукамал бўлмаса

73.Бартер - бу

- А) Бевосита пул иштирокида содир бўладиган товар алмашувидир
- Б) Бозор иқтисоди тақозо этадиган товар-пул муносабатидир
- В) Товар топиш жуда ҳам осон бўлган шароитдаги товар алмашувидир
- Г) Товарни пулга алмаштиришдир

74.Вақтинча бўш турган маблағлар туркумига нималар киради?

- А) Амортизация ажратмалари
- Б) Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдадан ажратмалар
- В) Бюджетга ва ижтимоий суғуртага ажратилган маблағлар
- Г) Амортизация ажратмалари, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдадан ажратмалар, иш хақи фонди, бюджетга ва ижтимоий суғуртага ажратилган маблағлар

75.Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида қўлланилаётган М₀ пул агрегати таркибига қуйидагиларнинг қайси бири киради:

- А) Нақд пуллар
- Б) Трансакцион депозитлар
- В) Муддатли депозитлар
- Г) Жамғарма депозитлар

76.Ўзбекистонда неча босқичли банк тизими амал қилмоқда?

- А) 2
- Б) 1
- В) 3
- Г) 4

77. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?

- А) 1995 йил 12 декабр
- Б) 1995 йил 21 декабр
- В) 1993 йил 21 декабр
- Г) 1997 йил 12 декабр

78. Пул эмиссияси билан қайси банк шуғулланади?

- А) Ипотека банки
- Б) “Траст” банк
- В) Марказий банк

Г)Миллий банк

79. Банк фаолияти учун зарур бўлган пул маблағларини йиғиш билан боғлиқ бўлган операциялар қандай операциялар ҳисобланади?

- А)Молиявий хизмат ва операциялар
- Б)Актив операциялар
- В) Пассив операциялар
- Г)Комиссион операциялар

80.Банк институтларига қайси банклар киради:

- А)Тижорат банклари, инвестиция банклари, Ипотека банки
- Б)Жамғарма банклар, тармоқлар бўйича ихтисослашган банклар
- В)Савдо банклари, Ташқи иқтисодий фаолият банки
- Г) Барча жавоблар тўғри.

81. Нобанк кредит ташкилотларига нималар киради:

- А) *Инвестиция компаниялари, суғурта компаниялари, нафақа ва бошқа фондлар.
- Б)Шўъба корхоналар, уюшма корхоналар, таъсисчилар
- В)Кредит уюшмалари, бюджет ташкилотлари
- Г)Барча жавоблар тўғри.

82.Кредит операцияси қандай пайдо бўлган?

- А)Бир киши бошқа кишига пулни ишониб бериши натижасида
- Б)Савдогарлар бошқа давлатга бориб пул алмаштириши натижасида
- В) Бир киши бошқа кишидан қарз олиши ва қарз бериши натижасида
- Г)Бир киши бошқа кишига пул кўчириши натижасида

83.Буюк Британия валютасининг номини топинг?

- А) фунт стерлинг
- Б)евро
- В)франк
- Г)доллар

84.Ҳиндистон пул бирлиги?

- А)Реал
- Б)Рупий
- В)Песо
- Г)Дирҳам

85.Франция валютасини топинг?

- А)Фунт стерлинг
- Б)евро
- В)Франк
- Г)Реал

86.Депозит операциялари қандай пайдо бўлган?

- А)Бир киши бошқа кишидан қарз олиши ва қарз бериши натижасида
- Б)Савдогарлар бошқа давлатга бориб пул алмаштириши натижасида
- В)Бир киши бошқа кишига пул кўчириши натижасида
- Г)Бир киши бошқа кишига пулни ишониб бериши натижасида

87.Марказий банк –бу.....

- А)Пул маблағларини йиғувчи ва сақловчи тижорат муассасаси
- Б)Тижорат банклари фаолиятини бошқарувчи муассаса
- В)Ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини бажарувчи муассаса
- Г)Пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боровчи, кредит тизимининг бош банки ҳисобланади.

88.Марказий банк нимадан озод қилинган?

- А)Пулни эмиссия қилишдан
- Б)Ҳисобот олишдан
- В)Ҳисобот беришдан
- Г)Солиқ ва бож тўлашдан

89.Банкда қандай кассалар бўлади?

- А)Кириш ва чиқим кассаси
- Б)Кириш, чиқим ва қайта санаш кассаси
- В)Кириш, чиқим, кечки ва қайта санаш кассаси
- Г)Кириш, чиқим, кечки, қайта санаш ва пул алмаштириш кассаси

90.Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллариға нималар киради?

- А)«Қаттиқ консерватив», «Консерватив», «Ўртача консерватив», «Ўртача агрессив», «Агрессив»
- Б)Омонат очиш учун банк раҳбари номиға ариза, ишонч қоғози, омонат дафтарчаси, хабарнома, омонат шартномаси.
- В)Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси, мемориал ордер, ҳисоб-китоб чеки, аккредитив.
- Г)Кириш эълони, кириш касса журнали, чиқим касса журнали, чек, хазина харажат ордери, омонат дафтарчаси.

91.Мулкчилик шаклиға қараб тижорат банклари қандай турларға бўлинади?

- А)Давлат банки, кооператив
- Б)Аралаш, акциядор банклар
- В)Аралаш, акциядор банклар, хусусий
- Г)Давлат банки, кооператив, аралаш, акциядор банклар, хусусий

92.Бажарадиган операцияларига қараб тижорат банклари қандай турларға бўлинади?

- А)Универсал,
- Б)Махсус-ихтисослаштирилган, Инвестицион,
- В)Ипотека, Жамғарма
- Г)Универсал, Махсус-ихтисослаштирилган, Инвестицион, Ипотека, Жамғарма

93.Жойлашиш белгисига қараб тижорат банклари қандай турларға бўлинади?

- А)Халқаро, Минтақавий, Республика, Вилоят, Туман
- Б)Республика, Вилоят, Туман
- В)Халқаро, Минтақавий, Республика
- Г)Вилоят, Туман

94.Тармоқларға хизмат кўрсатишиға қараб тижорат банклари қандай турларға бўлинади?

- А)Саноат, Қурилиш, Қишлоқ хўжалиги, Савдо банклари.

- Б)Қурилиш, Қишлоқ хўжалиги, Савдо банклари.
- В)Ипотека, Қурилиш, Қишлоқ хўжалиги, Савдо банклари.
- Г)Инвестицион, Ипотека, Қурилиш, Қишлоқ хўжалиги, Савдо банклари.

95.Банк ресурслари банклар томонидан амалга ошириладиган қандай операциялар орқали ташкил топади.

- А)Актив операциялар
- Б)Пассив операциялар
- В)Комиссион операциялар
- Г)Молиявий операциялар

96.Банк баланси қайси қисмларни ўз ичига олади?

- А)Активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар, харажатлар, кўзда тутилмаган ҳолатлар.
- Б)Даромадлар ва харажатлар
- В)Актив ва пассив
- Г)Барча жавоблар тўғри.

97.Кредит операцияси қандай пайдо бўлган?

- А)Бир киши бошқа кишига пулни ишониб бериши натижасида
- Б)Савдогарлар бошқа давлатга бориб пул алмаштириши натижасида
- В) Бир киши бошқа кишидан қарз олиши ва қарз бериши натижасида
- Г)Бир киши бошқа кишига пул кўчириши натижасида

98.Саноат, савдо, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа банклари – бу ...

- А)Тижорат банк жойлашиш белгисига қараб
- Б)Тижорат банк тармоқларга хизмат кўрсатишига қараб
- В)Тижорат банк бажарадиган операцияларига қараб
- Г)Тижорат банк мулкчилик шаклига қараб турланади

99.Жалб қилинган маблағларга нималар киради?

- А)Устав фонди, резерв фонди, тақсимланмаган фойда, бошқа фондлар.
- Б)Мижозларнинг ҳисоб рақамидаги қолдиқлар, депозитлар
- В)Бошқа банклардан олинган кредитлар ва кредиторлар
- Г)Инвестиция, кредит, депозит.

100.Хусусий (ўз) маблағларга нималар киради?

- А)Устав фонди, резерв фонди, тақсимланмаган фойда, бошқа фондлар.
- Б)Мижозларнинг ҳисоб рақамидаги қолдиқлар, депозитлар
- В)Бошқа банклардан олинган кредитлар ва кредиторлар
- Г)Инвестиция, кредит, депозит.

101.Қарзга олинган маблағларга нималар киради?

- А)Устав фонди, резерв фонди, тақсимланмаган фойда, бошқа фондлар.
- Б)Мижозларнинг ҳисоб рақамидаги қолдиқлар, депозитлар
- В)Бошқа банклардан олинган кредитлар ва кредиторлар
- Г)Инвестиция, кредит, депозит.

102.Тижорат банкларининг актив операцияларига нималар киради?

- А)Депозит
- Б)Консалтинг

- В)Кредит
- Г)Пул кўчириш

103.... - фоизли даромадга киради.

- А)Кредит фоизи, кўчирилган маблағнинг дебет оборотидан фоиз
- Б)Пеня ва жарималар
- В)Чет эл валютасини сотишдан кўрилган фойда
- Г)Депозит фоизи

104.Банкнинг актив операциялари деб ... айтилади?

- А)Банк ресурсларини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган операцияларга
- Б)Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операцияларга
- В)Банк ресурсларини сарф қилиш билан боғлиқ бўлган операцияларга
- Г)Банк ресурсларини жойлаштириш ва сарф қилиш билан боғлиқ бўлган операцияларга

105. Банк томонидан тўланмаган векселлар, чеклар ва талабномаларни маълум скидка эвазига харид қилишига нима дейилади?

- А)Кредит
- Б)Ссуда
- В)Дисконт
- Г)Маржа

106.Ҳисобрақам очиш ва уни юритиш банкларнинг қандай операциялари ҳисобланади?

- А)Актив
- Б)Пассив
- В)Молиявий хизматлар
- Г)Комиссион

107.Пул активлари гуруҳи, асосий воситалар, капитал харажатлар банкларнинг қандай активларига киради?

- А)Даромад келтирадиган
- Б)Юқори даромад келтирадиган
- В)Даромад келтирмайдиган
- Г)Самарали

108.Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан нечта шакли мавжуд?

- А)1
- Б)2
- В)3
- Г)4

109.Депозит операцияларини амалга ошириш банкнинг қандай операцияси ҳисобланади?

- А)Банк молиявий хизмати
- Б)Актив операция
- В)Комиссион операция
- Г)Пассив операция

110.Кредит портфели нима?

- А)Банк томонидан имзоланган барча кредит шартномаларининг йиғиндиси
- Б)Банк томонидан фойда олиш мақсадида жойлаштирилган пуллар
- В)Банкнинг барча қилган инвестициялари
- Г)Банкнинг барча қимматбаҳо қоғозларининг йиғиндиси

111.Банклар қайси функцияларни бажаради?

- А)Бюджет билан ҳисоб-китоблар, ходимлар билан ҳисоб-китоблар, шўъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар, уюшма корхоналар билан ҳисоб-китоблар
- Б)Вақтинча бўш турган маблағларини йиғиш ва капиталга айлантириш, кредит муносабатларида воситачилик қилиш, тўлов жараёнларида воситачилик қилиш, муомалага кредит воситаларини чиқариш.
- В)Кредитлаш, тўлов вазифаси, жамгариш, инвестицияни режалаштириш
- Г)Иқтисодиётни пул-кредит ричаги ёрдамида бошқариш, ҳисоб-китоб ва пул ўтказиш операцияларини бажаришни йўлга қўйиш, тижорат банклари фаолиятини бошқариш, бошқа кредит муассасалари касса заҳираларини сақлаш, расмий олтин-валюта заҳираларини сақлаш.

112.Тижорат банкларининг кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

- А)Таъминланган ва таъминланмаган кредитлар
- Б)Тўлов муддати келмаган кредитлар, ҳозирги кунда тўланиши керак бўлган кредитлар, муддати узайтирилган кредитлар, тўлай олмайдиган кредитлар - воз кечилган кредитлар
- В)Яхши кредитлар, стандарт кредитлар, субстандарт кредитлар, шубҳали кредитлар, ишончсиз кредитлар
- Г)Биринчи даражали таъминланган кредитлар, бошқа таъминотга эга бўлган кредитлар, тўлиқ таъминланмаган кредитлар, таъминланмаган кредитлар

113.Банк – бу ...

- 1)Жисмоний ва ҳукукий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан тўловлилик, муддатлилик, қайтариб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажарувчи тижорат муассасага айтилади;
- 2)Кредит ва депозит операцияларини бажарувчи муассаса;
- 3)Пул маблағлари билан шуғулланувчи муассаса;
- 4)Пул маблағларини йиғувчи ва сақловчи тижорат муассасига айтилади.

114.Тижорат банкларининг актив операцияларига нималар киради?

- А)Депозит
- Б)Консалтинг
- В)Кредит
- Г)Пул қўчириш

115.Пассив операцияларга нималар киради?

- А)Депозит ва банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш
- Б)Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш
- В)Қимматбаҳо қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан ресурс йиғиш
- Г)Ҳамма жавоблар тўғри

116.Банкнинг ўз маблағлари ичида энг муҳими қайсилар ?

- А)Банкнинг устав капитали
- Б)Резерв капитали, махсус фондлар
- В)Моддий рағбатлантириш фонди, тақсимланмаган фойда
- Г)Ҳамма жавоблар тўғри

117. Пул назариялари курсатилган тугри каторни аниқланг.

- А) Номинал ва монетаризм
- Б) Микдорий, номинал, монетаризм.
- В) Металл, номинал, микдорий, монетаризм

Г) Монетаризм, номинал, металл.

118. Номинал пул назариясининг намоёндаларини курсатинг.

А) Дж. Беркли, Дж. Стюарт, Г. Кнапп, Ж. Боден

Б) Д. Юм, Ж. Боден, Дж. Милль, Ш. Монаскё

В) Дж. Беркли, Дж. Стюарт, Г. Кнапп

Г) И. Фишер, Г. Насел, Б. Хансен, А. Пигу.

119. Пул назарияси нима?

А) Пул табиати ва пулнинг ишлаб чиқаришни шакллантиришга таъсири ҳақидаги назария

Б) Жамият бойлигини қимматбаҳо металллар бажариши тугрисидаги назария

В) Мамлакатда тарихан таркиб топган ва қонунчилик билан тасдиқланган пул муомаласи

Г) Муомаладаги товарлар массаси, уларнинг нарх даражаси ва пул тезлиги орасидаги иқтисодий боғлиқлик.

120. Қандай валюта тизимларини биласиз?

А) Форвард, Жаҳон, Фьючерс.

Б) Миллий, Минтакавий, Жаҳон.

В) Минтакавий, Форвард, Жаҳон.

Г) Миллий, Фьючерс, Халқаро.

121. Валюта курсининг таърифини курсатинг.

А) Валюта билан боғлиқ миллий ва халқаро даражадаги ҳуқуқий нормалар ва муассасалар тушунилади.

Б) Валюта муносабатларини ташкил қилиш ва бошқариш.

В) Бир валютани бошқа бир валютадаги ифодаси ёки баҳосидир

Г) Икки валюта орасидаги курснинг ўзини валюта орқали аниқлаш услуги ёрдамида топилган курси.

AMALIY MASHG`ULOTLARNI O`TKAZISH TARTIBI

«Pul, kredit va banklar» fanini o`qitishda ma`ruza va amaliy mashg`ulotlarida klaster, insert, akliy hujum usullari, keys-stadidan foydalanilib, muammoli ta`lim texnologiyalari, «bumerang» texnologiyasi, kabi ilg`or texnologiyalardan foydalaniladi. Ushbu fanni o`qitish pedagogikasining g`oyaviy poydevorini milliy ta`lim taraqqiyoti va milliy qadrlar tayyorlash tizimi istiqbollarini belgilovchi hujjatlar sifatida 1997 yilda qabul qilingan O`zbekiston Respublikasining «Ta`lim to`g`risida»gi qonuni hamda «Qadrlar tayyorlash milliy dasturi» tashkil etadi.

O`zbekiston qadrlar tayyorlash milliy dasturining ikkinchi bosqichi ta`lim jarayonidagi sifat ko`rsatkichlarini yaxshilash, ya`ni jahon andozalariga mos, raqobatbardosh, yuqori saviyaga ega bo`lgan mutaxassislar tayyorlash lozimligini ta`kidlaydi. Buning uchun esa bevosita o`quv jarayonini yaxshilash, o`quv dasturlarini yanada takomillashtirish, o`qitishning zamonaviy pedagogik texnologiyalarini amalga joriy qilish, texnik vositalaridan keng foydalanish va shu asosda masofadan o`qitishni joriy qilish kerak.

Bu o'rinda shuni ta'kidlab o'tish kerakki, ta'limdagi sifat uni berishda ishtirok etadigan kishilar sifati bilan belgilansa, bilim individuallikka ega bo'ladi. Ta'limni amalga oshiradigan yoki dars beradigan kishilarning saviyasi turlicha bo'lishi mumkin. Lekin guruhdagi talabalarga beriladigan ta'lim bir xildir. O'qituvchi bilim emas, balki ta'lim beradi. Talaba esa ana shu ta'lim jarayonida bilimga ega bo'ladi. Buning uchun u mustaqil o'qiydi, tayyorlanadi, mushohada qiladi, tasavvurlarga ega bo'ladi, eshitganlari va o'qiganlarini sintez qiladi. Natijada mustaqil xulosa chiqarish qobiliyatini shakllantiradi va tafakkur sohibiga aylanadi.

O'quv jarayoni bilan bog'liq ta'lim sifatini belgilovchi holatlar quyidagilar: yuqori ilmiy-pedagogik darajada dars berish, muammoli ma'ruzalar o'qish, darslarni savol-javob tarzida qiziqarli tashkil qilish, ilg'or pedagogik texnologiyalardan va mul'timedia qo'llanmalardan foydalanish, tinglovchilarni undaydigan, o'ylantiradigan muammolarni ular oldiga qo'yish, talabchanlik, tinglovchilar bilan individual ishlash, ijodkorlikka undash, erkin muloqot yuritishga, ijodiy fikrlashga o'rgatish, ilmiy izlanishga jalb qilish va boshqa tadbirlar ta'lim ustivorligini ta'minlaydi. Ushbu aytilgan g'oyalardan kelib chiqqan holda «Pul, kredit va banklar» o'quv kursi bo'yicha ta'lim texnologiyasini loyihalashtirishdagi asosiy kontseptual yondashuvlarni sanab chiqamiz.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim. Bu ta'lim o'z mohiyatiga ko'ra ta'lim jarayonining barcha ishtirokchilarini to'laqonli rivojlanishlarini ko'zda tutadi. Bu esa ta'limni loyihalashtirilayotganda, albatta, ma'lum bir ta'lim oluvchining shaxsini emas, avvalo, kelgusidagi mutaxassislik faoliyati bilan bog'liq o'qish maqsadlaridan kelib chiqqan holda yondashishni nazarda tutadi.

Tizimli yondashuv. Ta'lim texnologiyasi tizimning barcha belgilarini o'zida mujassam etmog'i lozim: jarayonning mantiqiyliigi, uning barcha bo'g'inlarini o'zaro bog'langanligi, yaxlitligi.

Faoliyatga yo'naltirilgan yondashuv. Shaxsning jarayonli sifatlarini shakllantirishga, ta'lim oluvchining faoliyatni aktivlashtirish va intensivlashtirish, o'quv jarayonida uning barcha qobiliyati va imkoniyatlari, tashabbuskorligini ochishga yo'naltirilgan ta'limni ifodalaydi.

Dialogik yondashuv. Bu yondashuv o'quv jarayoni ishtirokchilarning psixologik birligi va o'zaro munosabatlarini yaratish zaruriyatini bildiradi. Uning natijasida shaxsning o'z-o'zini faollashtirishi va o'z-o'zini ko'rsata olishi kabi ijodiy faoliyati kuchayadi.

Hamkorlikdagi ta'limni tashkil etish. Demokratilik, tenglik, ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchi o'rtasidagi sub'ektiv munosabatlarda hamkorlikni, maqsad va faoliyat mazmunini shakllantirishda va erishilgan natijalarni baholashda birgalikda ishlashni joriy etishga e'tiborni qaratish zarurligini bildiradi.

Muammoli ta'lim. Ta'lim mazmunini muammoli tarzda taqdim qilish orqali ta'lim oluvchi faoliyatini aktivlashtirish usullaridan biri. Bunda ilmiy bilimni ob'ektiv qarama-qarshiligi va uni hal etish usullarini, dialektik mushohadani shakllantirish va rivojlantirishni, amaliy faoliyatga ularni ijodiy tarzda qo'llashni mustaqil ijodiy faoliyati ta'minlanadi.

Axborotni taqdim qilishning zamonaviy vositalari va usullarini qo'llash – yangi komp'yuter va axborot texnologiyalarini o'quv jarayoniga qo'llash.

Keltirilgan kontseptual yo'riqlarga asoslangan holda, «Pul, kredit va banklar» kursining maqsadi, tuzilmasi, o'quv axborotining mazmuni va hajmidan kelib chiqqan holda, ma'lum sharoit va o'quv rejasida o'rnatilgan vaqt oralig'ida o'qitishni, kommunikatsiyani, axborotni va ularni birgalikdagi boshqarishni kafolatlaydigan usullari va vositalari tanlovi amalga oshirildi.

O'qitishning usullari va texnikasi: ma'ruza (kirish, mavzuga oid, vizuallash), muammoviy usul, pinbord, paradokslar va loyihalar usullari, masalalar yechish, amaliy ishlash usuli.

O'qitishni tashkil etish shakllari: dialog, polilog, muloqot hamkorlik va o'zaro o'rganishga asoslangan frontal, kollektiv va guruh.

O'qitish vositalari: o'qitishning an'anaviy shakllari (darslik, ma'ruza matni, uslubiy qo'llanma)

bilan bir qatorda - komp'yuter va axborot texnologiyalari.


Kommunikatsiya usullari: tinglovchilar bilan operativ teskari aloqaga asoslangan bevosita o'zaro munosabatlar.

Teskari aloqa usullari: kuzatish, blits-so'rov, oraliq va joriy va yakunlovchi nazorat natijalarini tahlili asosida o'qitish diagnostikasi.

Boshqarish usullari: o'quv mashg'uloti bosqichlarini belgilab beruvchi texnologik xarita ko'rinishidagi o'quv mashg'ulotlarini rejalashtirish, qo'yilgan maqsadga erishishda o'qituvchi va tinglovchining birgalikdagi harakati, nafaqat auditoriya mashg'ulotlari, balki auditoriyadan tashqari mustaqil ishlarning nazorati.

Monitoring va baholash: o'quv mashg'ulotida ham butun kurs davomida ham o'qitishning natijalarini rejali tarzda kuzatib borish. Kurs oxirida test topshiriqlari va yozma ishlar yordamida tinglovchilarning bilimlari baholanadi. Har bir o'quv mashg'uloti bosqichidagi o'qitish natijalarini (o'quv topshiriqlarni bajarishi va testlarni baholash, har bir o'quv mashg'ulotdagi talabanning o'quv faoliyati reytingini baholash) hamda butun maxsus kurs davomidagi (har bir talabanning joriy, oraliq va yakuniy natijalarini reyting tizimi orqali baholash) natijalarni baholash.

Yangi vosita va usullarni qo'llash: ta'lim bosqichida komp'yuter va informatsion texnologiyalarni joriy etish orqali ma'lumotlarni ko'rgazmali shaklda yetkazib beradi. Berilgan kontseptual qoidalarga hamda «Strategik va operativ rejalashtirish» maxsus kursining maqsadi, vazifalari, hajmi va mazmuniga asoslangan holda ta'lim usuli va texnikasi; tashkil qilish shakli; vositasi; kommunikatsiya usullari; berilgan ma'lumotlarni nazorat qilish usul va vositalari; baholash va nazorat qilish tartiblari aniqlandi.



Talabalar bilimini baholashda eng asosiy ko'rsatkich mustaqil fikrlay olish qobiliyati sanaladi. Shu sababli talabani bilim va malakalarini baholashda dastavval uning mustaqil fikrlash va mushohada yuritish, shu bilan birga mustaqil ravishda xulosa chiqara olish qobiliyatlariga qaratiladi. Talabalar bilimi jadvalda ko'rsatilgan mezonlar asosida baholanadi. Yana shuni ta'kidlash kerakki, «qoniqarsiz» bahodan tashqari boshqa barcha baholarning asosi sifatida talabani xulqi va odobiga qaratiladi. Ya'ni, talaba fanni yaxshi o'zlashtirgan bo'lsada, uning qoniqarsiz xulqi fandan oladigan bahosiga ta'sir qilishi mumkin. CHunki

«Pul, kredit va banklar» alohida fan bo'lsada, institutda o'tiladigan qolgan barcha fanlar bilan birgalikda mukammal inson va yetuk mutaxassis tayyorlashning ajralmas bir bo'lagidir. «Pul, kredit va banklar» fanini o'qitishdan maqsad esa, talabaga pul, kredit va banklar faoliyati borasida ijodiy fikrlay olish hamda mustaqil xulosa chiqarib bilish bilan birga o'z bilimlarini jamiyat farovonligi yo'lida qo'llay olishni o'rgatishdir. Talabalar bilimini baholash uslublari quyidagi jadvalda batafsil ko'rsatib berilgan.

BAHOLASH USLUBLARI

Nazorat turi	Jami ball	Nazorat shakli va ballari
Joriy nazorat 1	20	Davomat 4 Amaliy ishlar 8 Mustaqil ishlar 8
Oraliq nazorat 1	15	Yozma ish.

Joriy nazorat 2	20	Davomat 4 Amaliy ishlar 8 Mustaqil ishlar 8
Oraliq nazorat 2	15	Yozma ish.
Yakuniy nazorat	30	Test. Jami 30 ta savol. Har bir savolga 1ball.

«Pul, kredit va banklar» fanining mazmuni va mohiyati

1-Modul. Pul, pul muomalasi va pul tizimi.

1-mavzu: Pulning zarurligi, mohiyati va funktsiyalari (4 soat)

Tovar ishlab chiqarish va pulning zarurligi. Pulning mohiyati va zamonaviy talqini. Pulning kelib chiqishi va rivojlanish bosqichlari. Pul tovar qiymatining umumiy ekvivalenti. Pul funktsiyalarining o'zaro bog'liqligi. Pulning turlari. Pulning xarid qobiliyati va unga ta'sir qiluvchi omillar. Pulning iqtisodiyotdagi o'rni.

2-mavzu: Pul aylanishi va uning tuzilishi (4 soat)

Pul aylanishiga tavsifnoma va uning tuzilishi. Pul aylanishining tarkibiy qismlari. Naqd pulsiz hisob-kitoblar, uni tashkil qilish tamoyillari. Naqd pulsiz hisob-kitoblarning asosiy shakllariga qisqacha tavsifnoma va ularning xususiyatlari. Naqd pul aylanishi va uning xususiyatlari.

3-mavzu: Pul muomalasini tashkil qilish va pul massasi (4 soat)

Pul muomalasi qonuni. Pul massasi va bazasi. Muomaladagi pul massasini boshqarish. Pul multiplikatori va unga ta'sir qiluvchi omillar. Pul agregatlari va ularga tavsifnoma. O'zbekistonda pul agregatlari va ularning xususiyatlari. Pul muomalasini tartibga solish va barqarorlashtirishda Markaziy bankning roli.

4-mavzu: Pul tizimining mohiyati, turlari va elementlari (4 soat)

Pul tizimi va uning asosiy elementlari. Pul tizimining turlari va ularning rivojlanish bosqichlari. Zamonaviy pul tizimi. Rivojlangan mamlakatlar pul tizimi va uning o'ziga xos xususiyatlari. Rivojlanayotgan mamlakatlarning pul tizimi va ularning o'ziga xos xususiyatlari.

5-mavzu: Inflyatsiya va pul muomalasini barqarorlashtirishning usullari. (4 soat)

Inflyatsiya, uning mazmuni, kelib chiqish sabablari va shakllari. Inflyatsiyaning ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlari. Pul muomalasini barqarorlashtirish va inflyatsiyani bartaraf qilish yo'llari. Pul islohotlari va uni pul muomalasini barqarorlashtirishdagi o'rni. Talab va taklif inflyatsiyasi. Markaziy bankning pul-kredit siyosati to'g'risida tushuncha.

6-mavzu: Pul nazariyasi va O'zbekiston Respublikasining pul tizimi. (4 soat)

Pul nazariyalari to'g'risida umumiy tushuncha. Pul nazariyalarining kelib chiqishi, turlari va namoyondalari. Pulning metallik nazariyasi. Pulning nominallik nazariyasi va uning manbalari.

O'zbekiston Respublikasida pul tizimi rivojlanishining tarixi. O'zbekiston Respublikasida mustaqil pul tizimining joriy qilinishi. 1991-1993 yillardagi pul muomalasi. So'mning muomalaga kiritilishi. 1994 yildagi pul islohoti. O'zbekiston Respublikasi pul tizimining amaldagi holati va

asosiy maqsadi. Milliy valyutaning konvertabelligini ta'minlash yo'llari.

II-Modul. Valyuta tizimi va valyuta munosabatlari.

7 - mavzu: Xalqaro valyuta munosabatlari va hisob-kitob operatsiyalari. (4 soat)

Xalqaro iqtisodiy aloqalar - valyuta munosabatlarning asosi sifatida. Valyuta tizimi va uning elementlari. O'zbekiston Respublikasining xalqaro iqtisodiy munosabatlari. O'zbekiston Respublikasida valyuta munosabatlari va uni tartibga solishning huquqiy asoslari. Valyuta kursi va uning turlari. Valyuta kurslariga ta'sir qiluvchi omillar va ularni boshqarish yo'llari. Jahon valyuta tizimlari va uning rivojlanish bosqichlari. O'zbekistonda qo'llaniladigan xalqaro hisob-kitoblar shakllari.

8-mavzu: To'lov va savdo balansi. (4 soat)

To'lov balansi va uni tuzish tamoyillari. To'lov balansining asosiy qismlari va bo'limlari. Bir tomonlama o'tkazmalar. Mamlakat tashqi savdo balansi va uning ahamiyati. Valyuta tushumlari va chiqimlari. To'lov balansining aktiv qoldig'iga erishish yo'llari.

III-Modul. Kredit tizimi, kreditning zarurligi va funktsiyalari.

9-mavzu: Kreditning zarurligi, funktsiyalari va ssuda foizi. (4 soat)

Fondlar (kapital) aylanishining o'ziga xos xususiyatlari va kredit zarurligining boshqa omillari. Kredit ob'ektlari va uning sub'ektlari. Kreditning mohiyati. Kreditning asosiy funktsiyalari va uni tashkil qilish asoslari. Kreditning tamoyillari, uning asosiy shakllari va turlari. Bank foiz stavkasi tushunchasi. Ssuda foiziga ta'sir qiluvchi omillar. Ssuda foizi normasi va uning o'zgarishi. Bozor munosabatlari sharoitida ssuda foizining roli. Xalqaro kreditning mohiyati va uning turlari.

10-mavzu: Xorijiy davlatlarning kredit tizimi. (2 soat)

Turli davlatlarning kredit tizimi, ularning umumiy jihatlar, maqsadi va vazifalarining farqli tomonlari. AQSh ning kredit tizimi. Angliyaning kredit tizimi. Germaniyaning kredit tizimi. Ayrim sharq davlatlarining kredit tizimi va ularning o'ziga xos xususiyatlari.

IV-Modul. Bank tizimi va uning operatsiyalari.

11-mavzu: Bank mohiyati va bank tizimi. (2 soat)

Bankning mohiyati va uning kelib chiqishi. Kredit tizimi va uning tuzilishi. Banklarning vazifalari va funktsiyalari. Bank tizimi va uning rivojlanish bosqichlari. Mustaqillik yillarida O'zbekiston Respublikasi bank tizimi, uning maqsadi va vazifalari.

12-mavzu: Markaziy bank va uning operatsiyalari (4 soat)

Markaziy bank va uning tuzilishi. Markaziy banklar faoliyatini tashkil qilish asoslari. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki faoliyatining asoslari, maqsadi, vazifalari va operatsiyalari. Ba'zi chet el Markaziy banklari faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari. Banklarning banki sifatida Markaziy bankning faoliyati. Markaziy bankning davlat bilan aloqalari.

13-mavzu : Tijorat banklari va ularning operatsiyalari (4 soat)

Tijorat banklari faoliyatini tashkil qilishning iqtisodiy va huquqiy asoslari. Tijorat bankini tashkil qilish va boshqarish tizimi. Tijorat banklarining tashkiliy tuzilishi. Tijorat banklarining funktsiyalariga qisqacha tavsif. Tijorat banklari faoliyatini tartibga solish usullari.

Yuridik va jismoniy shaxslarning pul mablag'larini jalb qilish bo'yicha passiv operatsiyalar. Depozitlar va ularning salmog'ini kengaytirish yo'llari. Tijorat banklarining passiv va aktiv operatsiyalarini boshqarish.

Qimmatli qog'ozlar va ularning klassifikatsiyasi. Investitsiya va uning maqsadi. Banklarning investitsion siyosati. Banklarning qimmatli qog'ozlar bilan operatsiyalari va ularning mohiyati.

14-mavzu: Maxsus moliya-kredit institutlarining funktsiyalari. (4soat)

Moliya-kredit institutlari, ularning faoliyatini tashkil qilish asoslari. Kredit uyushmalarining

vazifalari va funktsiyalari. Lombard tashkilotlari va ular faoliyatini tashkil qilish. Lizing va faktoring bo'yicha maxsus moliya muassasalari. Sug'or'ta investitsiya kompaniyalari va boshqa moliya-kredit tashkilotlari.

15-mavzu: Tijorat banklari faoliyatining barqarorligini ta'minlash. (2 soat)

Bank tizimi faoliyatining barqarorligi. Banklarning to'lovga qobiliyatligi to'g'risida tushuncha. Bank likvidligi va uni ta'minlash yo'llari. Banklar faoliyatiga ta'sir qiluvchi omillar.

Amaliy mashg'ulotlarning tarkibi

1- mavzu. Pulning zarurligi, mohiyati va funktsiyalari.

Amaliyot darslarida bajariladigan mashg'ulotlar :

Nazorat savollari

1. Pulning kelib chiqishida qanday qarashlar asosida o'rganilgan?
2. Qiymatning oddiy yoki tasodifiy shakli nima?
3. Qiymatning tula yoki kengaygan shaklini tushuntiring.
4. Qiymatning pul shakli bilan umumiy shakli qanday farqlanadi?
5. Metall pullar bilan tovarli pullar o'rtasida fark borligini aniqlang.
6. Nima sababdan qog'oz pullar kelib chiqqan?
7. Qanday ko'rinishdagi pullar kredit pullar tarkibini tashkil etadi?
8. Pulning qanday funktsiyalarini bilasiz?
9. Pulning qanday ko'rinishlari mavjud?
10. Pulning jamg'arma funktsiyasining qanday xususiyatlari bor?

Guruh topshiriqlari bajariladi.

1. Bitta gap bilan savolga javobni shakllantiring.
Pul, pulning mohiyati, pulning zarurligi, pulning turlari, pulning funktsiyalari, pulning xarid qobiliyati tushunchalari qanday bog'liqlikda namoyon bo'ladi?
2. «Pulning iqtisodiyotdagi o'rni» bo'yicha sxema tuzing.
3. Mavzuga oid 6ta test tuzing.
4. Ushbu tushunchalarning mazmunini yoriting.
Qog'oz pullarning kelib chiqish bosqichlarini tushuntiring.
Pul qiymat o'lchovi funktsiyasini qanday bajaradi?

Baholash mezonlari va ko'rsatkichlari

uruh	C	1 top shiriq	2 tops hiriq	3 tops hiriq	4 topshi riq	Ballar yig'indisi
		(1. 0)	(1. 0)	(1. 0)	(1. 0)	(4. 0)
1						
2						
3						
4						

B. B. B. usuli asosida bilimlarni sinash uchun targatma materiallar

	Tushuncha	Bilaman «+» Bilmayman «-»	Bildim «+» Bila olmadim «-»
.	Pul		
.	Ratsionalistik qarash		
.	Pulning mohiyati		
.	Pulning funktsiyalari		
.	Qiymat o`lchovi		
.	Muomala vositasi		
.	Jamg`arma vositasi.		
.	To`lov vositasi.		
0.	Pulning turlari.		
1.	Haqiqiy pullar.		
2.	Qog`oz pullar.		
3.	Kredit pullar.		
4.	Veksel`.		
5.	Banknot.		
6.	CHek.		
7.	Milliy valyuta.		

Izox: jadvalda ko`rsatilgan tayanch iboralarga yozma ravishda javob yozib, jadvalni to`ldiring.

DIAGNOSTIK TEKSHIRISH UCHUN TESTLAR:

1. Pul:

- A) Tovarlar qiymatini o`lchay oladi
- B) Muomala vositasi vazifasini bajaradi.
- V) Jamg`arishning eng qulay usuli bo`lib, muomala vositasi vazifasini bajaradi, tovarlarning qiymatini o`lchaydigan muomala vositasidir.
- G) to`lov vositasi hisoblanadi
- d) naqd pullar tushuniladi

2. Pulning likvidligi deganda:

- A) Jamg`arila borib xarid qobiliyatini saqlovchi barcha pul vositalari tushuniladi
- B) Pulning xamma yerda unda belgilangan nominalga karab to`lov uchun qabul qilinishi tushuniladi
- V) Pul birligining xarid qilish qobiliyati tushuniladi
- G) Pulning obro`sizlanishi tushuniladi
- D) Pulning qadrsizlanishi

3. Nima uchun qiymatning pul shaklidagi ekvivalentga utish zaruriyati tugildi

- CHunki tovar ayirboshlash jarayonida
- A) Muayyan hudud doirasida keng rivojlanib ketdi
 - B) Bitta tovar o`z qiymatini faqat bitta tovarda ifoda etishini taqozo etadi
 - V) Xalqaro keng rivojlanib ketdi
 - G) Turli tovarlar uchun umumiy ekvivalent
 - D) Muayyan hudud doirasida keng rivojlanib ketishi va bitta tovar o`z qiymatini faqat bitta tovarda ifoda etishini takozo etadi

4. Pul muomalasi deganda:

- A) Pulning tovar va xizmatlarni xarid etish, chet el valyutalariga almasha olish qobiliyati tushuniladi
- B) Pulning tovar va xizmatlar oldi-sotdisi jarayonidagi uzluksiz xarakati tushuniladi
- V) Pul massasi hajmi va tarkibi tushuniladi
- G) Muomalaga chiqarilgan metall tangalar va qog`oz pullar (xazina va bank biletlari) ning jami mikdori tushuniladi

5. Muomala vositasi deganda:

- A) Pulning tovarni xarid etish yoki tovarni pulga ayirboshlash vazifasini bajarishi tushuniladi
- B) Pulnin uzida ijtimoiy mehnatni mujassamlashtirish tushuniladi
- V) Pulning jamlangan boylik shakliga kirish tushuniladi
- G) Pulning mamlakatlar o`rtasidagi hisob-kitoblar, tovarlar va xizmatlar uchun to`lovlarni bajarishi tushuniladi

6. Qaysi mamlakatda pul vazifasini bugdoy bajargan?

- A) Rimda
- B) Afrikada
- V) Qadimgi Misrda
- G) Xitoyda
- D) Mo`g`ulistonda

7. Quyidagilarning qaysi biri ayirboshlash chog`ida pul vazifasini bajargan?

- A) CHorva
- B) Qimmatli chiganoq, qimmatbaho metallar
- V) Fil suyagi
- G) Tuz , choy, asal, bug`doy
- D) noto`g`ri javob yo`q

8. Pulning paydo bulishi :

- A) Qiymatning oddiy yoki tasodifiy shaklining vujudga kelishi bilan bog'liq
- B) Qiymatning tula yoki kengaygan shaklining vujudga kelishi bilan bog'liq
- V) Tovar ishlab chiqarish va ayirboshlash jarayonining tobora rivojlanib borishi bilan bog'liq
- G) Qiymatning umumiy ekvivalent shaklining vujudga kelishi bilan bog'liq

9. Nima uchun oddiy yoki tasodifiy qiymat deyiladi?

CHunki dastlabki ayirboshlash:

- A) Ishlab chiqaruvchilar tasodifan uchrashib qolgandagina yuz bergan
- B) Uta sodda tusga ega bo'lgan ya'ni mahsulot ayirboshlanadimi yoki yo'qmi-egasi uchun hech qanday iqtisodiy ahamiyatga ega bo'lmagan.
- V) Mehnat mahsulining endigina tovarga aylanganligini ifodalaydi
- G) Iste'molni qondirish birinchi darajali, tovarlar qiymatini taqqoslash esa ikkinchi darajali masala bo'lgan

10. Nima uchun to'la yoki kengaygan qiymat deyiladi?

CHunki ayirboshlash jarayonida:

- A) Bir tovarga qarama-qarshi faqat bitta tovar emas, balki faqat bitta tovarlar ishtirok etadi
- B) Bir tovarga qarama-qarshi ko'p turdagi tovarlar emas, balki faqat bitta tovar ishtirok etadi
- V) Bir necha tovarlar o'z qiymatini faqat bitta tovarda ifoda etadi.
- G)Oddiy tovar kurinishidagiumumiy ekvivalent urniga pul shaklidagi ekvivalent keladi vujudga keladi

11. Milliy pulimiz – so'mni joriy qilish yo'lining o'ziga xos xususiyati nimada bo'ldi ?

- A) Avvalo, u boshqa mamlakatlar tajribasiga tayandi.
- B) Halol ishlab topilgan pulning 2/3 qismi almashtiriladigan bo'ldi
- V) Yangi va eski pul nisbati 1:1000 bo'ldi
- G) Yangi va eski pul nisbati 1:1 bo'ldi
- D) Noto'g'ri javob yo'q

12. Quyidagi qayd qilingan pul birliklarining qaysi biri Buyuk Britaniyaning milliy puli hisoblanadi.

- A) Dollar
- V) Marka
- V) Funt sterling

D) Frank

2- mavzu. Pulning aylanishi va uning tuzilishi.

Nazorat savollari

1. Pul aylanishi deganda nimani tushunasiz?
2. Pul aylanishining strukturasini chizing va tushuntiring.
3. Pul aylanishining tarkibiy qismlari o'rtasida bog'liqlikni tushuntiring.
4. Naqd pulsiz hisob-kitoblarni tashkil qilish va olib borish qoidalarini tushuntiring.
5. To'lov topshiriqnomasi va talabnomasi qaysi to'lovlarda qo'llaniladi?
6. CHek nima va qaysi to'lov turlarini amalga oshirish uchun qo'llaniladi? Ijobiy va salbiy tomonlarini tushuntiring.
7. Akkreditiv bo'yicha hisb-kitoblar va uning ijobiy va salbiy tomonlarini tushuntiring.
8. Veksel nima? Uning qanday turlari mavjud?

Amaliyot darslarida bajariladigan mashg'ulotlar :

Guruhlar uchun topshiriqlar

1-guruh.

- Pul aylanishi deganda nimani tushunasiz?
- Veksel nima? Uning qanday turlari mavjud?

2-guruh.

Pul aylanishining strukturasini chizing va tushuntiring. .

Akkreditiv bo'yicha hisb-kitoblar va uning ijobiy va salbiy tomonlarini tushuntiring **3-guruh.**

Pul aylanishining tarkibiy qismlari o'rtasida bog'liqlikni tushuntiring.

CHek nima va qaysi to'lov turlarini amalga oshirish uchun qo'llaniladi? Ijobiy va salbiy tomonlarini tushuntiring.

«Insert usuli»

Insert – samarali o'qish va fikrlashning interfaol tizimi hisoblanib, mustaqil o'qib o'rganishda yordam beradi. Bunda ma'ruza mavzulari, kitob va boshqa materiallar oldindan talabaga vazifa qilib beriladi. Uni o'qib chiqib, «V;+;-?»belgilari orqali o'z fikrini ifodalaydi.

Matnni belgilash tizimi

(V)-men bilgan narsani tasdiqlaydi.

(+)- yangi ma'lumot.

(-)-men bilgan narsaga zid.

(?)-meni o'ylantiradi. Bu borada menda qo'shimcha ma'lumot zarur.

Insert jadvali

Tushunchalar	V	+	-	?
Pul aylanishi				
Pul tuzilishi				
Naqd pul aylanishi				
Naqd pulsiz hisob-kitoblar				
To'lov topshiriqnomasi				
To'lov talabnomasi				
CHek				
Akkreditiv				
Veksel'				
To'lov talabnoma – topshiriqnomalari				

T-sxema
To`lov topshiriqnomasi

Afzalliklari	Kamchiliklari
<i>T-sxema. Limitlangan chek daftarchalari</i>	
<i>T-sxema Akkreditiv</i>	
<i>T-sxema. To`lov talabnoma- topshiriqnomasi</i>	
<i>T-sxema. Inkasso</i>	

--	--

Test savollari

1. «So'm-kupon» qancha vaqt muomalada bo'ldi?

- a) 1993-yil noyabrdan 1994-yil 1-avgustgacha.
- b) 1992-yil noyabrdan 1994-yil 1-iyulgacha.
- c) 1993-yil dekabrdan 1994-yil 1-iyulgacha.
- d) 1994-yil yanvardan 1994-yil 1-noyabrgacha.

2. Konvertirlangan so'm deganda:

- a) Muayyan valyutaning boshqa valyutaga almashuvi tushuniladi.
- b) So'mning boshqa valyutaga almashuvi tushuniladi.
- c) Pul birligining boshqa mamlakat pul birligida ifodalanganligi tushuniladi.
- d) So'm kursining rasmiy ko'tarilishi.

3. So'mning erkin aylanishi(konvertirlanishi)ni ta'minlash uchun:

- a) Iqtisodiyotni monopoliyadan chiqarish kerak.
- b) Xususiy sektorni rivojlantirish lozim.
- c) Inflyatsiyani tizginlash kerak.
- d) Jahon narx-navosidan kelib chiqqan holda teng xalqaro tovar ayirboshlashga erishish kerak.
- e) Hamma javoblar to'g'ri.

4. Milliy valyutani mustahkamlash, uning barqarorligini ta'minlash uchun:

- a) Iste'mol bozorini xorijdan keltiriladigan molar bilan raqobat qila oladigan o'z molimizni ishlab chiqarishga zo'r berish zarur.
- b) eksport qilinadigan mollarni butun choralar bilan kamaytirish.
- c) energiya manbalari va asosiy oziq-ovqat mahsulotlarini chetdan sotib olish.
- d) Aholi va korxonalarining vaqtincha erkin mablag'larini jalb etish kerak.

5. Quyida qayd etilgan pul shakllarining qaysi biri «banknot» deb yuritiladi:

- a) Tovar shaklidagi pul.
- b) Tanga pullar.
- c) Qog'oz pullar.
- d) Elektron pullar.

6. Quyida qayd etilganlarning qaysi biri kredit pullari hisoblanadi?

- a) Banknotlar, Veksellar, CHeklar. Kredit kartochkalari
- b) Veksellar, aktsiyalar, obligatsiyalar
- c) CHeklar. obligatsiyalar
- d) aktsiya, obligatsiya, varrant

7. Kredit pullari:

- a) Davlat xazinasidan muomalaga chiqaradi.
- b) Tijorat banklari tomonidan muomalaga chiqariladi.
- c) Banklarning oltin zahiralar bilan ta'minlanmagan.
- d) Barqaror muomala vositasi bo'la olmaydi.

8. CHek bu;

- a) Markaziy emissiya banklari tomonidan chiqariladigan foizsiz kredit biletidir.
- b) Qo'shimcha mahsulotning pul shakli.
- c) Aktsioner jamiyat foydasining aktsiya egasiga tegadigan, binobarin, uning daromadiga aylangan qismi.
- d) Imzolaganning joriy hisobida muayyan summani berish yoki boshqa hisobga o'tkazish xaqida bankga berilgan yozma farmoyishni ifoda etuvchi hujjat.
- e) Hamma javoblar to'g'ri.

9. Veksel:

- a) Sotilmaydi.
- b) Kredit shartnomasi

- c) Oldi-sotdi bitimida ishtirok etmaydi
- d) To'lov vositasi vazifasini bajarishi mumkin.

10. Vekselning amal qilish muddatini cho'zish bu:

- a) Vekselni inkassatsiya qilishni anglatadi.
- b) Vekselni domisilyatsiya qilishni anglatadi.
- c) Vekselni prolongatsiya qilishni anglatadi.
- d) Vekselni diskont qilishni anglatadi.

11. Vekselni banklar tomonidan muddatidan ilgari, nominalidan past narxda sotib olinishi:

- a) Vekselni prolongatsiya qilishni anglatadi.
- b) Vekselni diskont qilishni anglatadi.
- c) Vekselni inkassatsiya qilishni anglatadi.
- d) Vekselni domisilyatsiya qilishni anglatadi

12. O'tkazma veksel egasi:

- a) Trassant deb nomlanadi.
- b) trassat deb nomlanadi.
- c) Tratta deb nomlanadi.
- d) Indossament deb nomlanadi.

3 mavzu. Pul muomalasini tashkil qilish va pul massasi.

Nazorat savollari

1. Pul muomalasi qonunining mohiyati.
2. Pul muomalasini tashkil qilish asoslari.
3. Muomala uchun zarur bo'lgan pul miqdorini aniqlash usullari.
4. Pul aylanishining tarkibiy qismlariga ta'sir etuvchi omillar.
5. Pul aylanishining strukturasi tushuntiring.
6. Muomala uchun zarur bo'lgan pul miqdori qanday aniqlanadi va u qaysi omillarga bog'liq?
7. Pul massasi nima va u nimaga bog'liq?
8. Pul agregatlarini sanang va asoslab bering.
9. Muomaladagi pul massasini qaysi yo'llar bilan tartibga solish mumkin?
10. Monetar siyosatning mohiyatini qanday tushunasiz?

Amaliyot darslarida bajariladigan mashg'ulotlar :

Masalalar

1 – masala

Realizatsiya qilingan tovarlar (ish, xizmat) narxi bo'yicha summa 4 500 mlrd. so'm. To'lov muddati kelmagan lekin kreditga sotilgan tovarlar (xizmat, ish) narxi bo'yicha summa – 42 mlrd. so'm. Muddati kelgan uzoq muddatli majburiyatlar bo'yicha to'lovlar summasi – 172 mlrd. so'm. Qarzli to'lovlarni qoplash summasi – 400 mlrd. so'm. Yil mobaynida pul aylanishining o'rtacha soni – 10.

Muomala uchun zarur bo'lgan pul miqdorini aniqlang.

2 – masala

Naqdli va naqdsiz pul massasi – 400 mlrd. so'm. YaMM – 4080 mlrd. so'm. Pulning aylanish tezligini hisoblang.

3 - masala

Pul agregatlari teng $M_0 = 120$ mlrd. so'm;

$M_1 = 360$ mlrd. so'm; $M_2 = 380$ mlrd. so'm.

Hisob rakamlarda saqlanayotgan pulning aylanishini hisoblang.

4 – masala.

Axoli 20mln. nafar, uning daromadi 4 trilion sumni tashkil etdi, shu daromad qanday taksimlanadi; soliklar va boshqa to'lovlar – 15%, iste'mol uchun sarflar -70%, jamg'arish 15% .

Axoli jon boshiga iste`mol necha sum bo`lganini hisoblang.

5 – masala.

Jaxon bozorida 1 tn bugdoy 160 dollardan sotiladi. Bir mamlakat yiliga 10 mln, bugdoy donni eksport kiladi, bugdoy mamlakatga 140 dollarga tushadi, Mamlakat kelasi yili eksportni 12 mln. tn. ga teng buladi, Shunday sharoitda mamlakat, kancha kushimcha foyda kurinishini toping.

6– masala.

Mamlakat yiliga 5 mln tn. neftni eksport kiladi, 1 tn neft` narxi 120 \$ . Mamlakat pul birligining, dollarga nisbatan 6:1. Kelasi yili valyutalar nisbati 5:1 buladi. Mamlakat neft importidan o`z pul birligida kancha yutishini hisoblab chiking.

7 – masala.

Byudjet daromadlarining milliy daromaddagi salmogini aniklang. Quyidagi ma`lumotlarga asoslanib pul jamg`armalarining byudjet daromadi va milliy daromaddagi salmogini aniklang. (mlrd. s.)

Ko`rsatkichlar	1 yil	2 yil	3 yil	4 yil	5 yil
1. Milliy daromadlar	3	4	4	5	5
2. Byudjet daromadi.	60, 5	50, 0	86, 0	00, 0	20, 0
3. Pul jamg`armalari.	1	2	2	2	2
	26, 0	15, 0	41, 0	49, 0	38, 0
	9	1	1	1	1
	8, 9	06, 3	28, 9	29, 5	16, 7

8 – masala.

Milliy daromadning YaIM dagi salmogini, byudjet daromadining milliy daromaddagi salmogini, pul jamg`armalarining byudjet daromadidagi, pul jamg`armalarining milliy daromadidagi salmogini aniklang. (mlrd. s)

Ko`rsatkichlar	1 yil	2 yil	3 yil
1. Ya M M.	460, 0	463, 9	480, 2
2. Milliy daromadlar	305, 6	312, 2	308, 6
3. Byudjet daromadi.	208, 5	213, 5	206, 2
4. Pul jamg`armalari.	120, 6	140, 8	131, 9

9– masala.

Analitik usul yordamida vinzavod misolida kelgusi yilda mahsulot sotishdan keladigan tushum mikdorini aniklang. (ming. s.)

- Kelgusi yildagi tovar mahsulot.
 - korxonaning erkin narxlarida – 140600
 - ishlab-chiqarish tannarxi buyicha – 136000
- Joriy yildagi tovar mahsulot.
 - korxonaning erkin narxlarida – 138800
 - ishlab-chiqarish tannarxi buyicha – 137600
- Ishlab-chiqarish tannarxi buyicha koldiklar.
 - kirim – 500
 - chikim – 400

10 – masala.

Quyidagi jadvalga karab, defitsiti kancha foiz bo`lganini hisoblab chiking? Defitsit uning

YaIMdagi xissasi bilan o'lchanadi.

Byudjet defitsiti

Yillar	YaIM hajmi Mlrd, sum	Byudjet defitsiti, mlrd. sum	Defitsit Darajasi %
1- yil	580	24, 0	
2- yil	720	36, 0	
3- yil	870	42, 0	
4- yil	950	45, 0	
5- yil	1070	54, 0	

4 mavzu. Pul tizimining mohiyati, turlari va elementlari.

Nazorat savollari

1. Pul tizimi nima, uning qanday elementlari mavjud?
2. Bimetalizm va monometalizmning mohiyatini tushuntiring.
3. O'zbekiston Respublikasining pul tizimi to'g'risida nimalarni bilasiz. Uning elementlarini sanab bering.
4. Rivojlangan davlatlarning pul tizimining qanday xususiyatli tomonlarini bilasiz?
5. So'm qachon muomalaga kiritilgan?
6. Qadimiy pullar to'g'risida nimalarni bilasiz?
7. Sizningcha so'mning barqarorligini ta'minlash uchun nimalarga e'tibor berish kerak?

Amaliyot darslarida bajariladigan mashg'ulotlar :

Bilim darajasini baholash uchun testlar

1. Pul agregati deganda

- A) Naqd pullar tushuniladi
- B) Ma'lum muddatga bankka kuyilgan pullar tushuniladi
- V) Ma'lum muddatsiz bankka kuyilgan pullar tushuniladi
- G) Sertifikatlar va boshqalar tushuniladi
- D) Barcha naqd pullar, ma'lum muddatga yoki muddatsiz bankka kuyilgan pullar, sertifikatlar tushuniladi

2. Quyida kayd etilgan pul shakllarining qaysi biri «banknot» deb yuritiladi:

- A) «Tovar shaklidagi pul» (b. a. o. VII asrgacha)
- B) «Tanga pullar» (b. a. o. VII-XIX asr)
- V) «Qog'oz pullar» (XIX-XX asr)
- G) «Elektron pullar» (XIX-XX asr)

3. Uzaro hisob-kitoblarda qanday hisob-kitoblar ishlatiladi:

- A) Markaziy bank tomonidan yozib beriladi
- B) Tijorat banklari tomonidan yozib beriladi
- V) Sotib oluvchi tomonidan yozib beriladi
- G) Sotuvchi tomonidan yozib beriladi

4. Kredit kartochkasi - bu:

- A) Markaziy emissiya banklari tomonidan chiqariladigan foizsiz kredit biletidir
- B) Muayyan miqdordagi karzni belgilangan muddatda kat'iy tulash majburiyati yuklangan, konun bilan tasdiklangan xolatda tuldrib rasmiylashtirilgan karzdorlik tilxati
- V) Imzolaganning joriy hisobidan muayyan summani berish yoki boshqa hisobga

o`tkazish haqida bankka berilgan yozma farmoyishni ifoda etuvchi hujjat

G) Bank yoki maxsus kredit (savdo) muassasi tomonidan biror kishi nomiga berilgan pul hujjati

5. elektron pul - bu:

A) «Kuyma» shakldagi pul

B) «Kredit kartochkasi» shaklidagi pul

V) «Banknot» shaklidagi pul

G) «CHek» shaklidagi pul

6. Quyida kayd etilganlarning qaysi biri kredit pullari hisoblanadi?

A) Banknotlar

B) Veksellar

V) CHeklar

G) Kredit kartochkalari

D) Banknotlar, veksellar, cheklar va kredit kartochkalari

7. To`lov jarayonlarida bevosita ishtirok etayotgan, xarakatdagi pul massasi:

a) aktiv pul oboroti deb yuritiladi

b) passiv pul oboroti deb yuritiladi

v) mukim pul oboroti deb yuritiladi

g) «issiq» pullar ishtirokidagi pul oboroti deb yuritiladi

8. Quyidagilarning qaysi biri muomaladagi naqd pul massasining tarkibiga kiradi?

A) Axoli kulidagi naqd pullar

B) Ish yurituvchi barcha sub`ektlarning kassa koldiklari

V) Jamoa tashkilotlarining kassa koldiklari

G) Barcha banklarning oborot kassalaridagi naqd pullar kiradi

D) Axoli kulidagi naqd pullar, ish yurituvchi barcha sub`ektlarning kassa koldiklari, jamoa tashkilotlarining kassa koldiklari, barcha banklarning oborot kassalaridagi naqd pullar kiradi

9. Mol yetkazib beruvchi uchun juda qulay hisoblangan hisob-kitob shaklini kursating

A) Hujjatlashtirilgan akkreditiv

B) Inkasso

V) To`lov talabnoma

G) To`lov-talabnoma topshiriknomalari

10. Naqd pulsiz hisob-kitoblarda kullanuvchi quyidagi hujjatlarning qaysi birini moliyaviy hujjat deyish mumkin?

A) Schet faktura

B) Tijorat vekseli

V) Sugo`rta polyusi

G) Tovarning sifat sertifikati

11. So`m kachon muomalaga kiritilgan?

a) 1991 yil 2 noyabr;

b) 1992 yil 29 dekabr;

v) 1993 yil 21 mart;

g) 1994 yil 1 iyul.

12. Pul tizimining elementini toping.

a) pul birligi;

b) veksell;

v) Markaziy bank;

g) to`g`ri javob yo`q .

13. Kog`oz – kredit pul tizimi nima?

- a) metal pullarning muomalada bo`lishi
- b) banknotalarning muomalada bo`lishi
- v) pulni davlat tomonidan boshqarilishi
- g) to`g`ri javob yo`q.

14. Pul tizimi deganda:

- a) Pul muomalasini qonuniy va mutanosib ravishda tashkil qilishda qo`llaniladigan uslublar majmuasidir.
- b) Parallel valyutalar tizimi tushuniladi.
- c) Ikki yoqlama valyuta tizimi tushuniladi.
- d) «Oqsoqlanuvchi» valyuta tizimi tushuniladi.

15. Pul birligi deganda:

- a) Mamlakatda pul birligining oltinga teng qismi tushuniladi.
- b) Mamlakatdagi to`lov vositasi birligi tushuniladi.
- c) Baho mashtabi tushuniladi.
- d) Muomaladagi pul massasini tartibga soluvchi birlik tushuniladi.

16. emissiya deganda:

- a) Tovar, xizmat va kapitallarni mamlakat tashqarisiga chiqarish tushuniladi.
- b) Qimmatbaho qog`ozlar chiqarish huquqi berilgan banklar tushuniladi.
- c) Qimmatbaho qog`ozlar chiqarish huquqi berilgan kooperativlar, aktsionerlik jamiyatlari tushuniladi.
- d) Muomalaga bank biletlari chiqarilishi tushuniladi.

17. Baho mashtabi deganda:

- a) Mahsulotlarni ishlab chiqarish va sotish xarajatlarini pulda ifodalanishi tushuniladi.
- b) Tovarlar qiymatini o`lchash va muomala vositasi sifatida xizmat qiluvchi birlik tushuniladi.
- c) Mamlakat pul birligining oltinga teng qismi tushuniladi.
- d) Mamlakatdagi to`lov vositasi birligi tushuniladi.

18. Bimetallizm deganda:

- a) Oltin va kumushga qonuniy tartibda umumiy ekvivalent rolini biriktirib qo`yilishi tushuniladi.
- b) Bitta metallga barcha tovarlar qiymatini o`zida aks ettiruvchi umumiy ekvivalent rolini biriktirib qo`yilishi tushuniladi.
- c) Pulni olqishlovchi nazariya tushuniladi.
- d) Oltinni pulning barcha vazifalarini bajarishdan mahrum etilishi tushuniladi.

19. Monometallizm deganda:

- a) Parallel valyuta tizimiga qonuniy tartibda umumiy ekvivalent rolini biriktirib qo`yilishi tushuniladi.
- b) Ikki yoqlama valyuta tizimiga qonuniy tartibda umumiy ekvivalent rolining biriktirib qo`yilishi tushuniladi.
- c) «Oqsoqlanuvchi» valyuta tizimiga qonuniy tartibda umumiy ekvivalent rolining biriktirib qo`yilishi tushuniladi.
- d) Bitta metallga barcha tovarlar qiymatini o`zida saqllovchi umumiy ekvivalent rolini biriktirib qo`yilishi tushuniladi.

20. Parallel valyuta tizimida:

- a) Oltin va kumush tangalar qonuniy to`lov vositalari hisoblansalarda, kumush tangalarni yopiq tarzda , oltin tangalarni zarb etish esa erkin bo`lgan.
- b) Oltin va kumush tangalar o`rtasidagi nisbat davlat tomonidan belgilab qo`yilgan.
- c) Oltin va kumush tangalar o`rtasidagi nisbat bozor baholariga mos ravishda stixiyali tarzda o`rnatilgan.
- d) «Bimetallizm o`zining kumush oyog`ida oqsab qolgan».

Guruh topshiriqlari

1 – guruh

1-savol. Pul tizimining yuzaga kelishi va shakllanishini yoritib bering.

2-savol. Har bir aniqlovchisi bo'yicha terminlarni tanlang.

Terminlar.

1. Monometallizm.
2. Kuyma-oltin standarti
3. Oltin-deviz standarti
4. Oltin tanga standarti
5. Bimetallizm

Aniqlovchi.

- a) oltin faqat banknotalarga almashtirilgan;
- б) turli ko'rinishdagi pul belgilari oltin tangalarga bema'lol almashtirilgan;
- в) bir metallning umumiy ekvivalent sifatida muomalada bo'lishi;
- г) quyma oltin sotib olmoqchi bo'lgan davlat quyma oltin standartiga kirgan davlatning milliy valyutalarini almashtirishi kerak bo'lgan;
- д) ikki valyutaning bir vaqtda ekvivalent sifatida muomalada bo'lishi.

3-savol. Test

Emissiya deganda:

- a) tovar, xizmat va kapitallarni mamlakat tashqarisiga chiqishi tushuniladi;
- b) qimmatli kog'ozlar chiqarish huquqi berilgan banklar tushuniladi;
- v) muomalaga bank biletlari, pul va qimmatli kog'ozlarni chiqarish tushuniladi.

2 – guruh

1-savol. Parallel valyuta tizimi

2-savol. Har bir aniqlovchisi bo'yicha terminlarni tanlang.

Terminlar

1. Oltinning tarkibi
2. Metall pulning funktsiyalari
3. Eksportli oltin nuqtalar
4. Importli oltin nuqtalar
5. Qog'oz-kredit pul tizimi

Aniqlovchi.

- a) bir xil, qiymatini saqlashi, bo'linuvchan;
- б) chet el valyutasi kursi ko'tarilganda, oltinni mamlakat tashqarisida sotib daromad olishi;
- в) to'lov vositasi;
- г) chet el valyutasi kursi mamlakat ichidagi kursdan past bo'lganda, tashqi davlatdan oltinni sotib olib daromad ko'rish.

3-savol. Test

Baho masshtabi deganda:

- a) mahsulotlarni ishlab chiqarish va sotish harajatlarini pulda ifodalanishidir;
- b) mamlakatda pul birliginig oltinga teng qismi tushuniladi;
- v) noto'g'ri javob yo'q.

3 – guruh

1-savol. MDH davlatlarining pul birligi va uning kursi harakati to'g'risida tushuncha bering.

2-savol. Har bir aniqlovchisi bo'yicha terminlarni tanlang.

Terminlar

1. Ma'muriy-buyrukli pul tizimi

2. Bozor iqtisodiyotiga xos pul tizimi
3. Oltin monometalizmi
4. Bozor davriga kadar oltin bajargan funktsiya
5. Pul tizimining elementi.

Aniqlovchi

- a) pul birligining nomi;
- b) davlat banki ma'muriy schetlarida saqlanayotgan korxona pul mablag'lari;
- v) davlatning pul-kredit boshqaruvi bozor iqtisodiyoti harakterida bo'lishi;
- g) bu tizim metall pul asosida bo'lib, u davlat tomonidan muomalaga qo'yilgan;
- d) xazinani shakllantirish va to'lov vositasi;

3-savol. Test

Oltin demonitizatsiyasi, bu:

- a) pulning barcha vazifalarini bajarishdan maxrum etilishi;
- b) erkin zarb etilishi va muomalada bemalol harakatda bo'lishi tushuniladi;
- v) oltindan tezavratsiya maqsadlarida foydalanishi tushuniladi.

5 mavzu. Inflyatsiya va pul muomalasini barqarorlashtirishning usullari.

Nazorat savollari

1. Inflyatsiyaning paydo bo'lish sabablarini tushuntiring
2. Klassik inflyatsiyaning mohiyatini tushuntiring
3. Inflyatsiyaning rivojlanishidagi xususiyatlarini tushuntiring
4. O'tgan davr inflyatsiyasi bilan hozirgi zamon inflyatsiyasining farqlarini tushuntiring
5. Inflyatsiyaning vujudga kelish sabablarini ayting
6. Inflyatsiyani yuzaga keltiruvchi ichki sabablarini gapiring
7. Inflyatsiyaning yuzaga keltiruvchi tashqi sabablarini tushuntiring
8. Inflyatsiya qanday shakllarda namayon bo'ladi
9. Inflyatsiyaning turlarini sanang va har biriga izoh bering.
10. Baholar indeksini tushuntiring.
11. Deflyatsiya va dezinflyatsiya haqida ma'lumot bering.
12. Filips egri chizig'ini tushuntiring.
13. Inflyatsiya to'g'risida nazariyotchilar qarashini tushuntiring (Keyns, Fridmen)
14. Pul muomalasining barqarorlashtirishning qanday klassik usullari bor.
15. Inflyatsiyani aholining turli qatlamiga turlicha ta'sirini tushuntiring.
16. Inflyatsiyaning iqtisodiyotga ta'sirini tushuntiring.
17. Inflyatsiyaning bank tizimiga ko'rsatadigan ta'sirini ayting.
18. Inflyatsiyaning baho indeksini tushuntiring.

Amaliyot darslarida bajariladigan mashg'ulotlar :

Guruh ishlari bo'yicha ekspert varaqalari.

1-Ekspert varaqasi

Inflyatsiya mohiyati va paydo bo'lish shakllari.

1. Inflyatsiyaning vujudga kelish sababi.
 2. Klassik inflyatsiya turi.
 3. Inflyatsiyaning rivojlanish bosqichlari.
- (Jadval, sxema, klaster va b. sh. k. ko'rinishida taqdim etilsin.)

2-Ekspert varaqasi

Inflyatsiyaning paydo bo'lish darajasiga ko'ra turlari.

1. Galoinflyatsiya turi.
2. Giperinflyatsiya turi.
3. Sudraluvchi inflyatsiya turi.

(Jadval, sxema, klaster va b. sh. k. ko`rinishida taqdim etilsin.)

3-Ekspert varaqasi

Inflyatsiyaing paydo bo`lish usuliga ko`ra turlari.

1. Talab inflyatsiyasi.
2. Taklif inflyatsiyasi.
3. Yashirin inflyatsiya.

(Jadval, sxema, klaster va b. sh. k. ko`rinishida taqdim etilsin.)

4-Ekspert varaqasi

Inflyatsiya va ishsizlik.

1. Inflyatsiya jamiyatning rivojlanishiga ta`sir ko`rsatuvchi omil.
2. Inflyatsiyaning aholi qatlamiga turlicha ta`siri
3. Filips egri chizig`ining harakati.

(Jadval, sxema, klaster va b. sh. k. ko`rinishida taqdim etilsin.)

Talabalarning faoliyatini baholash mezoni ko`rsatkichlari

Reyting bo`yicha ma`ruza mashg`uloti

- 1, 5 – 2 ballgacha - «a`lo»
1, 0 – 1, 4 ballgacha - « yaxshi »
0, 5 – 0, 9 ballgacha - « qoniqarli»
0 – 0, 4 ballgacha - « qoniqarsiz»

Bilim darajasini baholash uchun testlar

1. Pulning muomaladagi barqarorligi:

- A) uning qadr qiymatiga bog`liq
B) pulga bo`lgan taklifga bog`liq
V) pulga bo`lgan talabga bog`liq
G) narx-navo darajasiga bog`liq
D) noto`g`ri javob yo`q

2. Pul muomalasini barqarorlashtirishga erishish mumkin:

- A) nullifikatsiya usuli yordamida
B) reval`vatsiya usuli yordamida
V) deval`vatsiya usuli yordamida
G) valyuta kursining oshirilishi evaziga
D) noto`g`ri javob yo`q

3. Inflyatsiya sharoitida:

- A) qarz berganlar yutsa, qarz olganlar yutqazadi
B) pulga tenglashtirilgan qog`ozlar, sug`o`rta polislari va boshqa qimmatli qog`ozlarning real qiymati oshadi
V) ishsizlar soni kamayib boradi
G) to`lov balansi taqchillik tomon o`rmaydi
D) noto`g`ri javob yo`q

4. Inflyatsiyaning iqtisodiy tanglik bilan birgalikda yuz berishi:

- A) o`rmalovchi deb ataladi
B) stagflyatsiya deyiladi
V) suzib yuruvchi inflyatsiya deb ataladi
G) giperinflyatsiya deb ataladi
D) noto`g`ri javob yo`q

5. Pulning qadsizlanishi va uning oldini olishning monetar usuliga:

- A) ijtimoiy himoya bo'yicha tadbirlar kiradi
- B) byudjet va sarf-xarajatlarini rejalashtirish bo'yicha tadbirlar kiradi
- V) iqtisodiy rivojlanish sur'atlarini oshirish siyosati kiradi
- G) xarajadagi pul miqdorini belgilash, uni qat'iy nazorat qilish tadbirlari kiradi
- D) narx-navoni pasaytirishga ta'sir ko'rsatish chora-tadbirlari kiradi

6. Suzib yuruvchi inflyatsiya sharoitida:

- A) inflyatsiya yiliga 8-12foiz atrofida bo'ladi
- B) inflyatsiya sur'atlari 2-3 foiz atrofida bo'ladi
- V) narxlar oyiga 40-50 foiz atrofida o'sadi
- G) ishsizlik kamayadi
- D) noto'g'ri javob yo'q.

7. Quyida qayd etilganlarning qaysi biri inflyatsiyani vujudga keltiruvchi sabablar hisoblanadi.

- A) Davlat byudjeti taqchilligi .
- B) Kreditning haddan tashqari rivojlanib ketishi .
- V) Mamlakat to'lov balansining passiv bo'lishi.
- G) Davlatning ulkan noishlab chiqarish harajatlari , qurollanishga zo'r berishi
- D) Noto'g'ri javob yuq.

8. Ortiqcha taklif ta'siri ostida vujudga kelgan inflyatsiya odatda:

- A) Mahsulot birligiga ketgan harajatlarning ortishi oqibatida sodir bo'ladi.
- B) Muomaladagi tovarlarning jami talabdan orqada qolishi oqibatida sodir bo'ladi .
- V) Muomaladagi xizmatlarning jami talabdan orqada qolishi oqibatida sodir bo'ladi.
- G) Muomaladagi tovar va xizmatlarning talabdan orqada qolishi narxdan orqada qolish narxning oshishi oqibatida sodir bo'ladi.

9. Inflyatsiyaning iqtisodiy tanglik bilan birgalikda yuz berishi:

- A) O'rmonlovchi, evida bo'ladigan inflyatsiya deb ataladi.
- B) Stagflyatsiya deb ataladi .
- V) Suzib yuruvchi inflyatsiya deb ataladi.
- G) Yuguruvchi inflyatsiya yoki giperinflyatsiya deb ataladi.

10. O'rmonlovchi, evida bo'ladigan inflyatsiya sharoitida :

- A) Narx-navo shiddat bilan o'sadi , pul qadri g'oyat tez pasayadi.
- B) Narx –navo tezroq o'sa boshlaydi, iqtisodiy o'sish sur'atlari susayadi , ishsizlar soni ko'payib boradi
- V) Narx –navo sekin asta orta boshlaydi, iqtisodiy o'sish bo'lib turadi, ishsizlik yuqori bo'lmaydi.

- G) Iqtisodiy tanglik inflyatsiya bilan birgalikda yuz beradi.
- D) Noto'g'ri javob yuq.

11. Nulifikatsiya deganda :

- A) Davlat tomonidan rasmiy ravishda valyuta kursining pasaytirilishi tushuniladi.
- B) eski qadrsizlangan pul birliklaridan batamom voz kechilishi muomalaga yangi pul birliklari chiqarilishi tushuniladi.
- V) Valyuta kursining rasmiy oshirilishi tushuniladi
- G) Biror hujjatning huquqiy kuchini barqarorlashtirilishi tushuniladi
- D) Noto'g'ri javob yuq

12. Deval'yatsiya usuli

- A) Inflyatsiya darajasi juda yuqorilashib ketgan hollarda ko'llaniladi .
- B) Muomaladagi kog'oz pullar kam mikdorda qadrsizlangan hollarda ko'llaniladi
- V) eksportni rag'batlantirish importni esa qiskartirish va shu yo'l bilan to'lov muvozanatini yaxshilash uchun qo'llaniladi
- G) Muomalada keragidan ortiqcha pul paydo bo'lgan hollarda qo'llaniladi .
- D) Noto'g'ri javob yuq

Mavzuga doir masalalar

Masala №1

1994 yil aprelda Rossiyada oylik inflyatsiya darajasi 85%ga teng bo'lgan, qisqa muddatli kreditlar bo'yicha banklararo nominal stavka 16, 7%, may oyida keltirilgan ko'rsatkichlar mos holda quyidagi tarkibga ega bo'lgan, %: 69 va 15.

Bu oylarning qaysi birida haqiqiy banklararo foiz stavkasi yuqori bo'lgan

Masala №2

Umumiy talabning dinamik funktsiyasi ma'lumki:

$$Y_t = Y_{t-1} + 2000M_t - 2000P_t + 19\Delta P_t^e = 1.9\Delta A_t$$

Va umumiy taklif:

$$Y_t = Y_f + 4500P_t - 4500P_t^e$$

Iqtisodiyotning nolinch (0) yilida iqtisodiyotning dinamik tengligi $Y_0 = Y_f = 360$ va $M_t = P_t = 0$. 02 bo'yicha belgilandi.

Iqtisodchi agentlar $P_t^e = P_{t-1}$ statistik kutilayotgan inflyatsiya asosida qaror qabul qiladilar. Birinchi yildan pul taklifining o'sish darajasi 2-5% gachadir.

4 yildagi inflyatsiya darajasini va haqiqiy ND ning hajmini aniqlang.

Masala №3

Mamlakatda daromad solig'i to'lovining quyidagi shkalasi harakatlanmoqda:

Tu, %	12	25	60
U, den. ed.	$0 < U < 180$	$180 < U \leq 500$	$U < 500$

O'tgan davrlarda uchta uy xo'jaligi daromadlari 170, 400 va 800 rub. tashkil etgan. Har bir xo'jalikning haqiqiy kassa qoldig'ining optimal miqdori mos holda 20, 50 va 80 rub. ga teng bo'lgan. Joriy davrda baho darajasi ikki marotabaga o'sdi. Natijada uy xo'jaliklarining kelgusida kutiladigan narx darajasining o'sishi talabga nisbatan haqiqiy kassa qoldig'ini 20% ga kamaytirdi.

1. Inflyatsiya solig'ining umumiy summasi qancha?
2. Uchta uy xo'jaligidan har birining haqiqiy daromad hajmi qanday o'zgaradi?

6-mavzu. Pul nazariyasi va O'zbekiston respublikasining pul tizimi.

Nazorat savollari

1. Pulning barqarorligini ta'minlash uchun nimalarga e'tibor berish lozim?
2. Milliy valyutamiz kachon muomalaga kiritilgan?
3. Pul nazariyalarining kelib chiqish sabablari va ularning turlarini ayting.
4. Xozirgi zamon pul nazariyalarining qaysilarini bilasiz?
5. I. Fisher tenglamasi va uning elementlarini tushuntiring.
6. M. Fridman g'oyalari to'g'risida nimalarni bilasiz?
7. Keynes qanday g'oyani asoslagan?
8. Xozirgi zamon monetarizmi haqida nimalarni bilasiz?
9. Qimmatli metallar pulning qaysi funktsiyalarini bajargan?
10. Metallik nazariyasi namoyondalari fikrlarining kamchiliklari nimada deb o'ylaysiz?

Amaliyot darslarida bajariladigan mashg'ulotlar :

«Pul nazariyasi yo'nalishlari» mavzusi yuzasidan topshiriqlar

1. Metall pul pazariyasi: vujudga kelish sabablari, uning asoschilari, asoschilarning tutgan g'oyalari, bu g'oyalarning ijobiy va salbiy jihatlari, K. Keynsning bu g'oya bo'yicha karashlari.
2. Qimmatli metallarning pul vazifasini bajarishdagi rivojlanish davri (jadvalning) funktsiyalari» ustuni to'ldirilgan holatda talabga taqdim etadi va bu ustun talaba tomonidan to'ldiriladi)

Tarixiy bosqich	Funktsiyalari
1. Bozor davriga kadar	- xazina shakllantirish vositasi - to'lov vositasi.
2. Tovar-pul munosabatlariga o'tish va uni rivojlantirish davri	- qiymat ulchovi - muomala vositasi - xazina shakllantirish vositasi - to'lov vositasi - jaxon puli
3. Zamonaviy davr	- investitsiya va jamg'arish vositasi - to'lov vositasi - favqulodda jaxon puli
4. Qimmatli metallar tarkibi:	Bir xil, jalb etishlilik, bo'linuvchan, yaxshi saqlanadi, qiymatini saqlab kolishi.

3. Oltin standarti davrlari: ularning ko'rinishlari, yuzaga kelish sabablari, har bir davrning o'ziga xos xususiyatlari.

4. Nominal pul nazariyasi: kelib chiqish sabablari, uning asoschilari, asoschilarning tutgan g'oyalari, bu g'oyalarning ijobiy va salbiy jihatlari, D. Rikardoning bu g'oya bo'yicha karashlari.

5. Transaksion va kembrijdj usullar: qaysi nazariyalarda ko'riladi, usullarning mohiyati, farkli jihatlari, I. Fisherning fikri.

6. Pulning miqdoriy nazariyasi: kelib chiqish sabablari, uning asoschilari, asoschilarning tutgan g'oyalari, bu g'oyalarning ijobiy va salbiy jihatlari, I. Fisherning bu g'oya bo'yicha karashlari.

7. Monetarizm: kelib chiqish sabablari, uning asoschilari, asoschilarning tutgan g'oyalari, g'oyaning ijobiy va salbiy jihati, uning amaliyotda foydalanish instrumentlari, M. Fridmanning bu g'oya bo'yicha karashlari.

T-sxema

Metall pul nazariyasi

Ijobiy tomonlari	Kamchiliklari
<i>T-sxema. Nominal pul nazariyasi</i>	
<i>T-sxema. Miqdoriy pul nazariyasi</i>	

<i>T-sxema. Monetar pul nazariyasi</i>	

B. B. B. usuli asosida bilimlarni sinash uchun targatma materiallar

	Tushuncha	Bilaman «+» Bilmayman «-»	Bildim «+» Bila olmadim «-»
.	Pul nazariyasi		
.	Metall pul nazariyasi		
.	Oltin tanga standarti		
.	Quyma oltin standarti		
.	Oltin deviz standarti		
.	Nominal pul nazariyasi		
.	Miqdoriy nazariya		
.	Monetarizm		
0.	Almashuv tenglamasi		
1.	Fisher nazariyasi		
2.	M. Fridmen kassa qoldig`i		

Izox: jadvalda keltirilgan tayanch iboralarga yozma ravishda javob yozib, jadvalni to`ldiring.

7-mavzu. Xalqaro valyuta munosabatlari va hisob – kitob operatsiyalari.

Nazorat savollari

1. Valyuta tizimi va valyuta mexanizmi elementlarini tushuntiring.
2. Jaxon valyuta tizimi va uning rivojlanish bosqichlarini tushuntiring.
3. Milliy valyuta tizimi deganda nimani tushunasiz va uning elementlari nimalardan iborat?
4. Mintaqaviy valyuta tizimi nima?
5. Valyuta siyosati va uni amalga oshirish asoslarini keltiring.
6. yevropa valyuta tizimining o'ziga xos xususiyatlarini keltiring.

Amaliyot darslarida bajariladigan mashg'ulotlar :

Valyuta munosabatlarida valyuta operatsiyalarining tavsiflanishi

Valyuta tizimi	Valyuta bozorlari	Shartnoma turlari
1.	1.	1.
2.	2.	2.
3.	3.	3.
4.	4.	4.

Masalalar yechish (SPOT operatsiyalari bo'yicha)

Masala №1.

Mijoz 5 mln. funt sterlingga yevro valyutasini sotib oldi. Valyuta kurslari quyidagicha:

Dollar/ yevro 1, 3860-1, 3870

Dollar/ f. st. 5, 0000-5, 0270

1. Evro valyutasining sotish kursini toping.
2. Evroni sotishdan olingan foydani aniqlang.
3. Mijoz uchun yevro valyutasini sotish kursini va qilingan xarajatlarni aniqlang.

Masala №2.

Mijoz 5 mln yevroga yaponiya ienlarini sotib oldi. Valyuta kurslari quyidagicha:

Dollar/ yevro 1, 4902-1, 4910

Dollar/ yapon ienasi 5, 1250-5, 1260

1. Yapon ienasi valyutasining sotish kursini toping.
2. Sotishdan olingan foydani aniqlang.
3. Mijoz uchun yapon ienasi valyutasining sotish kursini aniqlang.

Masala №3.

Mijoz 10 mln. so'mga rossiya rublini sotib oldi. Valyuta kurslari quyidagicha:

Dollar/ so'm 1, 6200-1, 6400

Dollar/rubl 30, 3110-30, 3265

1. Milliy valyutaning sotish kursini aniqlang.
2. Sotishdan olingan foydani aniqlang.
3. Mijoz uchun Rossiya rublining sotish kursini aniqlang.

Masalalar yechish (Forward operatsiyalari bo'yicha)

Masala №1.

Dollar kursining rublga nisbatan kursi 31, 7844 ga teng. Bir oylik banklararo kreditlarning o'rtacha stavkasi: dollar bo'yicha – yillik 1, 5%ni, rubl bo'yicha-yillik 15, 5% ni tashkil etadi. Bir oylik forward kursi bo'yicha dollarning rublga nisbatan qiymatini aniqlang.

Masala №2.

London bankida dollar kursining yevro kursiga nisbati quyidagicha:

Sotib olish-1, 6510

Sotish -1, 6480

1. 1000 dollarni almashtirganda qancha yevro valyutasini sotib olish mumkinligini toping?
2. 1000 yevroga qancha dollar sotib olish mumkinligini aniqlang.

Masala №3.

Moskvadagi bank quyidagi valyutalar kotirovkasini e`lon qildi:

Sotib olish Sotish

Dollar/rubl 30, 45 30, 50

Evro/rubl 30, 63 30, 65

Dollar kursining yevroga nisbatan sotish va sotib olish bo`yicha Kross-kursini aniqlang.

8- mavzu. To`lov va savdo balanslari.

Nazorat savollari

1. To`lov balansining mazmunini qanday tushunasiz?
2. To`lov balansini turkumlang va ularning har biriga izox bering.
3. Davlatning valyuta siyosati deganda nimani tushunasiz. Sharxlang.
4. Xalqaro hisob-kitoblar qaysi operatsiyalarni o`z ichiga oladi?
5. Xalqaro hisob-kitoblar qanday guruhlarga bo`linadi?
6. SVIFT nima?
7. Xalqaro munosabatlarda hisob-kitoblarni amalga oshirishdagi muammolar qanday hal qilinadi?
8. Valyuta risklari nima va ular qanday shartlarni o`z ichiga oladi?
9. Qaysi tashkilotlar xalqaro moliya-kredit tashkilotlari tarkibini tashkil etadi?
10. Xalqaro valyuta fondining tashkiliy tuzilishini tushuntiring.

Amaliyot darslarida bajariladigan mashg'ulotlar :

Guruh topshiriqlari

1-guruh.

1. Forvard valyuta bitimi turlari, xarakatini grafikli organayzer usuli asosida Klaster texnikasidan foydalanib tushuntiring.
2. Mukofot va diskont tushunchalariga qisqacha xulosa bering.
3. Valyuta kurslari turlarini sanang. «Spot» kursini tavsiflab bering.

2-guruh.

1. Valyuta risklarini sug`o`rta qilish xarakatini klaster usulidan foydalanib chizib tushuntiring.
2. Valyuta operatsiyalari qanday yo`l bilan boshqariladi?
3. F'yuchers va forvard bitimlarini olib borishda qanday farqli jihatlarini borligiga qisqacha xulosa bering.

3-guruh.

1. Valyuta bozorida olib boriladigan «Svop» operatsiyalarining mohiyati, maqsadi, ahamiyatiga ko`ra klaster chizib, tushuntiring.
2. Valyuta arbitrajida operatsiyani olib borish jarayonini qisqacha tushuntiring.
3. Valyuta opsiyonining xarakatlanish jarayoni qanday?

Masalalar yechish (Forvard bitimlari bo`yicha)

Masala №1.

Rossiya firmasiga bir oydan (30 kun) keyin 100000 AQSh dollari kerak bo`ladi. AQSh dollarining rublga nisbatan quyidagicha kursi o`rnatilgan:

Spot 30, 520 – 30, 590

1 oy 50 – 70

Agar bir oydan so`ng AQSh dollari kursi quyidagicha o`zgarsa,

30, 050 – 30, 770;

30, 550 – 30, 630.

Forward bitimi bo`yicha dollarning sotib olish natijasini aniqlang.

Masala №2.

Gollandiya firmasiga 3 oydan (91kun) keyin 1 mln AQSh dollari kerak bo`ladi. AQSh dollarning yevroga nisbatan kursi quyidagicha:

Spot 1, 6920 – 1, 6950

3 oy 65 – 55

Agar uch oydan so`ng AQSh dollari kursi quyidagicha o`zgarsa:

1, 6890 – 1, 6895;

1, 6840 – 1, 6885.

Forward bitimi bo`yicha dollarning sotib olish natijasini aniqlang.

Masala №3.

Rossiyadagi firma bir oydan (30 kun) so`ng 100000 AQSh dollarini sotishni mo`ljalamoqda.

Qo`yidagi ma`lumotlar asosida Forward bitimi bo`yicha AQSh dollarini sotish natijasini aniqlang:

Sotish sotib olish

Dollar/ vengriya forinti 140 150

Dollar/rubl 30, 45 30, 50

Masala №4.

Gollandiyadagi firma 3 oydan (91kun) keyin 1 mln AQSh dollarini sotishni mo`ljallamoqda.

Qo`yidagi ma`lumotlar asosida Forward bitimi bo`yicha AQSh dollarini sotish natijasini aniqlang:

Dollar/rubl Dollar/evro

SPOT muddati 30, 450 – 30, 500

1, 5040 – 1, 5050

1 oy 40 – 60 5 - 3

2 oy 90 – 130 10 - 8

3 oy 140 – 180 16 - 13

DIAGNOSTIK TEKSHIRISH UCHUN TESTLAR:

1. Halqaro forfeyting:

a) Jo`natilgan tovarlar uchun to`lov yig`indisini kafolatlaydi:

b) Vekselda ko`rsatilgan yig`indini to`lashi bilan bog`liq xavf-xatardan eksportyorni xalos qiladi:

c) Tijorat banki vekselni importyorga murojaat qilish xuquqini beradi;

d) Faktoringga nisbatan arzonroqdir;

2. Libor nima?

a) London ssuda kapitallari bozorida yevrovalyutalardagi depozitlarga to`lanadigan % stavkasi;

b) London ssuda kapitallari bozoridagi yevrokreditlarning % stavkasi;

c) CHet el valyutalarini sotib olish va sotish kurslari o`rtasidagi farq;

d) yevrodollarli kreditning % stavkasi.

3. Germaniyalik eksportyor Gollandiyalik importyorga 1mln. AQSh dollarri miqdorida

tovar sotdi. U to'lov yig'indisini 6 oydan keyin oladi. Shu sababli eksportyor bank bilan forward valyuta bitimi tuzmoqchi. Quyidagi ma'lumotlarga asoslanib, AQSh dollarining nemis markasiga nisbatan forward kursini aniqlang.

Spot kurs-USD/DEM=1, 5310-1. 5320

Forward bitimining muddati-180 kun

yevrodollarli kreditlarning %stavkasi-5. 5%

Doychmarkadagi depozitlarning %stavkasi-7, 5%

a) 1, 5459;

b) 1, 5161;

c) 1, 1982;

d) 1, 4495;

4. O'zbekistonlik importyor Shotlandiyadan sotib olingan spirtli ichimliklar haqini to'lash uchun o'z bankidan Buyuk Britaniyaning funt sterlingini sotib olish uchun ariza beradi. Bank qanday kurs bo'yicha funt sterlingni mijozga sotadi?

Quyidagi kotirovkalar ma'lum:

USD/UZS=34, 40-40, 40

GBP/USD=1, 8520-1, 8540

Javoblar:

a) 21, 81so'm;

b) 63, 71so'm;

c) 74, 90so'm;

d) 79, 40so'm;

5. Mijoz o'z bankiga 1million funt sterling sotmoqchi. 4-test variantida keltirilgan kotirovkaga asoslanib bank tomonidan funt sterlingni sotib olish bahosini aniqlang:

a) 63, 71so'm;

b) 74, 90so'm;

c) 18, 55so'm;

d) 21, 81so'm;

6. O'zbekistonlik importyor tijorat bankidan Qirg'iziston Respublikasining so'mini sotib olish uchun ariza berdi. Quyidagi kotirovkalarga asoslanib qirg'iz so'mining bank tomonidan sotilish kursini aniqlang:

USD/UZS=36, 50-42, 50

USD/KRS=11, 50-12, 00

a) 100KRS=304, 17 UZS

b) 100KRS=354, 17 UZS

c) 100KRS=369, 57 UZS

d) 100KRS= 396, 75 UZS

7. Davlat byudjetining kamomadi qanday ko'rsatkichga nisbatan aniqlanadi?

a) Byudjet xarajatlariga nisbatan

b) Milliy daromadga nisbatan

c) Yalpi ichki mahsulotga nisbatan

d) Byudjet daromadlariga nisbatan

8. Byudjet kamomadi qanday manbaalardan qoplanishi rejalashtirilgan?Noto'g'risini ko'rsating.

a) Markaziy bank krediti

b) Xukumat qimmatli qog'ozi

c) Pul emissiyasi

d) Davlat mulkini xususiyashtirish

9-mavzu. Kreditning zarurligi, funktsiyalari va ssuda foizi.

Nazorat savollari


1. Ssuda bozori va uning xususiyatlarini tushuntirib bering.
2. Kreditning zarurligini asoslab bering.
3. Kreditning mohiyatini tushuntirib bering.
4. Kreditning ob`ekti va sub`ekti nimadan iborat?
5. Kreditning funktsiyalarini tushuntiring.
6. Kreditning qanday tamoyillarini bilasiz?
7. Kreditning bahosi deganda nimani tushunasiz?
8. Kreditning asosiy turlari va shakllarini sanang va tushuntirib bering.
9. Bank kreditiva uning zarurligini asoslang.
10. Iste`mol krediti nima?
11. Tijorat kreditining ob`ekt va sub`ektlarini asoslang.
12. Davlat kreditining mohiyatini ochib bering.
13. Bozor iqtisodiyoti sharoitida kreditning roli va ahamiyatini tushuntirib bering.
14. Ssuda kapitali jahon bozorini tushuntirib bering.
15. Ssuda kapitali jahon bozorining tarkibini sanang va uning funktsiyalarini asoslab bering.
16. Xalqaro kreditning tasnifini keltiring.
17. Faktoring, forfeiting deganda nimani tushunasiz?
18. Qanday xalqaro moliya institutlarini bilasiz, ularning faoliyati to`g`risida gapirib bering.

Amaliyot darslarida bajariladigan mashgulotlar :

Guruh topshiriqlari.

1-guruh

Zamonaviy ssuda kapitali harakatining strukturasini chizing va tushuntiring.



2-guruh

Ssuda kapitali bozorining segmentlarini jadval asosida ko'rsatib tushuntiring va ularga ta'rif bering

Pul bozori	Kapital bozori	Fond bozori	Ipoteka bozori

3 –guruh

Ssuda kapitali xususiyatlarini jadval asosida tushuntiring.

Kapital sifatida	Tovar sifatida	Kreditor va qarz oluvchi o'rtasidagi munosabat	Kreditor va qarz oluvchi o'rtasidagi kapitalning harakati

4 – guruh

Ko'rsatilgan kredit funktsiyalarining har biriga tushuncha berish orqali jadvalni to'ldiring

1. Qarzga beriluvchi qiymatni foydalanishga berish	
2. Qayta taqsimlash funktsiyasi	
3. Muomala harajatlarini tejash	
4. Kapital to'planishining jadallashuvi	
5. Muomalaga to'lov vositalarini chiqarish	

Masala №1

Bank tomonidan berilgan kredit hajmi – 12 000 so'm. Foiz stavkasi yiliga – 12%. So'ndirish muddati – 6 oy. Kreditning so'ndirish rejasini ikki usul bilan hisoblang:

- 1) kredit bo'yicha kredit summasi va uning foizlari 6 oydan so'ng so'ndiriladi;
- 2) kredit bo'yicha kredit va uning foizlari teng ulushlarda to'lanadi va quyidagi jadval asosida tushuntiring:

<u>r</u>	<u>Oyla</u>	Kredit miqdori	Kredit bo'yicha foizlar	Asosiy qarz to'lovi	<u>Oylik to'lov</u>
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
Jami:					

Masala №2

1. Bir yil davomida har oyda 3, 86 ming soʻmdan toʻlanishi kerak boʻlgan 36 ming soʻmlik kredit
 2. Uch yil davomida har oyda 1, 4 ming soʻmdan toʻlanishi kerak boʻlgan 36 ming soʻmlik kredit.
- Ikki xil koʻrinishdagi bir xil miqdorli kreditning qaysi biri qimmat turadi?

Masala №3

Agar kredit boʻyicha foiz – yiliga 48%, hisoblashda mablagʻning oʻrtacha aylanish muddati – 21 kun. Faktoring boʻyicha yiliga toʻlov stavkasini hisoblang.

Masala №4

«Nodirshox» xususiy firmasi 5000000 sum kreditni 1 yil muddatga oldi. Agar u yillik 30 % bilan kreditni muzkaymok ishlab chiqarish maksadida olgan bulsa, bu kreditning muddatiga kura qaysi turga kiradi va bir yildan sung bankka necha sum kaytarishi lozim?

Masala №5

«Moxigul» fermer xujaligi chorvachilik uchun AT «Paxta» bankdan 3000000 sum kreditni oldi. Agar u yillik 15 % bilan 1350000 kredit foizi tulashi kerak bulsa, u kreditni necha yilga olgan?

Masala №6

«Uzbekiston» shirkati xujaligi extiet qism sotib olish uun 2 yil muddatga 5700000 sum kredit oldi. Agar u bir yilga 1881000 sum kredit foizi tulasa, ikki yildan sung bankka necha sum kaytarishi kerak?

Masala №7

«Muxabbat» xususiy tadbirkor Biznes-fond orkali «Zamin» bankdan yillik 8 % bilan kora mol sotib olish uchun kredit oldi. Agar u 1300000 sum kreditni 1, 5 yilga olgan bulsa, u bankka jami boʻlib necha sum kaytarishi kerak?

Tijorat banki oʻz mijoziga 6 mln. sum mikdorida kredit bermokchi. Bu kredit oyiga 285 ming sumdan 24 marotaba tulanadi. Kreditning foiz stavkasini aniklang.

Masala №8

Mijoz yiliga 14 % tulash sharti bilan uch oyga 5000 sum kuydi. Ushbu jamgʻarmadan keladigan daromad yigindisini aniklang.

6 – masala.

Mijoz tijorat bankidan 50000 sumlik kredit oldi. Shartnomaga kura u kreditni oylik yigindida 12 marotabada tulashi kerak. Agar yillik foiz stavkasi 15 % bulsa, kreditning qiymatini aniklang.

Masala №9

«Dilrux» xususiy firmasi kredit uchun 9 oyga 180 ming sum kredit foizi tulagan bulsa va yillik foiz stavkasi 16 % bulsa, unda necha sum bank krediti olingan?

Masala №10

«Mironshox» firmasiga 8 mln. sum kredit yillik 36 % savdo uchun berilsa, 1, 5 yilga necha sum bankka pul kaytarishi kerak?

Masala №11

Agar obligatsiya summasi 1, 5 mln. sum, yillik 16 % bulsa, 180 kunda kancha tulanadi?

Mavzu yuzasidan talabalarga beriladigan test savollari

1. Hozirgi kunda quyidagi garov obektlaridan qaysi biri O'zbekiston Respublikasining bank amaliyotida keng qo'llanilmoqda?

- a) yer;
- b) Hukumatning obligatsiyalari;
- c) To'lanmagan schyotlar;
- d) Tovar-moddiy qimmatli buyumlar va narsalar;

2. Kreditning ta'minlanganlik ob'ektlaridan qaysi biri eng yuqori likvidlilik xususiyatiga ega?

- a) Yirik sanoat korxonalarining obligatsiyalari;
- b) Hukumatning obligatsiyalari;
- c) Tovar-moddiy qimmatliklar;
- d) To'lanmagan schyotlar;

3. Remoliyalashtirish siyosati deganda nima tushuniladi?

